Матмуродов Ф.М.

МАРКЕТИНГ





Ўқув қўлланма

Тошкент

Матмуродов Ф.М. Маркетинг. Ўқув қўлланма. 2010.- 84 б.

Ўқув қўлланмада халқаро бозорга кириб бориш усуллари, саноат ишлаб чиқариши ва ундаги иқтисодий маокетинг жиҳатлар, саноат тармоқ тузилмаси, рақобат ва бозордаги омиллар, рақобатга асосланган бозорнинг моделлари, инновацион маркетинг ва жамиятда инновацион ҳамкорлик саволлари ҳикоя этилган.

Ўқув-илмий кенгаш ўқув қўлланма сифатида тавсия этган.

Тақризчилар: Тошкент молия институти катта ўқитувчиси Хайдаров А.
ТАҚИ “Менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси Рахимов Қ.

Мунадрижа

	бет
Сўзбоши	**4**
1.Халқаро бозорларга чиқишнинг шакллари ва усуллари	**5**
1. Халқаро бозорга кириб бориш усуллари	
2.Корхоналарнинг халқаро фаолиятини ташкил этиш шакллари	
2.Саноат ишлаб чиқариши ва ундаги иқтисодий маокетинг жиҳатлар	**14**
1.Саноатда инновацион ўсиш стратегиясини амалга ошириш ва структураси таснифи	
2.Иқтисодиёт тармоқлари кўплиги ва кенглиги унинг мураккаб тизим сифатида ифодалаши	
3.Саноат тармоқ тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар	
4.Жаҳон меҳнат бозорининг ривожланишига бир қанча – омиллар таъсир этади	
5.Маркетинг тадқиқотлари ва унда ахборотлар тизими	
6.Бозор кенглиги тушунчаси ва уни ифодаловчи хусусиятлар	
7.Саноат ишлаб чиқаришининг айланма фондлари ва маблағларини иктисодий тизимга тасъири	
8.Саноат маҳсулотининг сифати ва унинг рақобатбардошлиги: сифат кўрсаткичлари, сифатини бошқариш, сертификациялаштириш ва аттестация	
3.Рақобат ва бозордаги омиллар	**49**
1.Бозор муносабатлари ва унинг тизимий категориялари	
2.Рақобатга асосланган бозорнинг моделлари	
3.Ишлаб чиқариш омиллари ва меҳнат бозори	
4.Маркетингда ички ва ташқи омиллар	
4.Инновацион маркетинг	**63**
1.Истеъмол секторида инновацион ўзгаришлар	
2.Истеъмол секторида инновацион ўзгаришлар	
3.Инновациялар глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикасининг стратегияси	
4.Жамиятда инновацион ҳамкорлик: инновацион салоҳияти, шахс ва жамият инновацион ўзгаришлар оқимида	
Адабиётлар	**84**

Сўзбоши

Баҳо бозор категорияси бўлиб, товарлар айирбошланганда юз берадиган муносабатларни англатади. Оқилона, илмий жиҳатдан асосланган баҳо ва баҳолаш иқтисодиётнинг илмий ва амалий воситаларидан бири ҳисобланади.

Баҳо сиёсати - бу давлатнинг иқтисодий сиёсати ва иқтисодий стратегиясининг муҳим ажралмас қисмидир. Шу сабабли ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда, меҳнаткашларнинг ташаббуси ва омилкорлигини ривожлантиришда баҳо белгилаш сиёсати алоҳида ўрин эгаллайди. Баҳони хўжалик механизми ва ўзини ўзи пул билан таъминлашнинг кўтариб турувчи устуни дейиш мумкин. Жамоанинг ва айрим ходимнинг даромадлари, улар иқтисодий манфаатлари нархнинг, яъни баҳонинг тўғри белгиланишига боғлиқдир.

Баҳо бамисоли барометр каби бозор ҳолатини кўрсатиб туради, у пасайиб кетса, товар бозори касодга учрайди, товар нафсиз бўлиб, уни бошқа товар билан алмаштириш ёки унинг сифатини яхшилаш зарурлиги кун тартибига қўйилади.

Баҳо пул муомаласи ҳолатига, кредитлаш самарадорлиги ва иқтисодиётнинг молиявий соғломлиги билан боғлиқ. Давлатнинг, корхона (фирма) лар ва уларда ишловчиларнинг, умуман аҳолининг ўзаро режали боғланиши баҳо ёрдамида амалга оширилади, ижтимоий ресурслардан фойдаланиш таъминланади, ялпи ички маҳсулотни ҳисобга олиш ва тақсимлаш амалга оширилади. Баҳони товар қиймати белгилайди, аммо бозор иқтисоди шароитида у аниқ қийматдан юқори ёки кам бўлиши мумкин, бу эса бозордаги ўша маҳсулотга бўлган талаб ва таклифга боғлиқ бўлади. Товар баҳосининг даражаси, Шунингдек, товарнинг ижтимоий фойдалилиги даражаси ва бошқа товарлар ўрнини боса олиши, муомаладаги пулнинг харид қувватига ҳам боқлиғ бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида баҳо ёрдамида корхоналар ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий муоммоларидан бири, нима ишлаб чиқариш фойдали эканлигини ҳал этади. Баҳо товар таклифи, аҳолининг тўлов қобилияти, ишлаб чиқариш ресурсларининг ошиб ёки камайиб кетиши тўғрисида корхона эгаларига ахборот берувчи восита ҳамдир. Баҳонинг яна бир вазифаси қиймат ўлчовидир, бунда қилинган харажатлар ва олинган натижа маълум бир нарх ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади.

Хўжалик юритиш амалиётида эса баҳо муҳим иқтисодий восита, дастак деб қаралади. Маълумки, қиймат ишлаб чиқариш категорияси бўлиб, ишлаб чиқаришдаги меҳнат сарфланиши билан боғлиқ муносабатларни ифода этади. Товарнинг яратилишида моддийлашган ва жонли меҳнат сарф этилади. Уларнинг мажмуаси қийматдир. Аммо қиймат ҳар қандай меҳнат сарфи эмас. Қиймат товарни яратишга кетган ижтимоий зарур меҳнат сарфи, аниқроғи эҳтиёжни қондира олгани сабабли бозорда тан олинган меҳнат сарфидир, чунки меҳнатнинг бир қисмини, агар у керакли бўлмаса, бозор инкор этади ва шу қисми қийматни яратишда иштирок этмайди.Муайян баҳо шароитида кўпроқ фойда олиш учун харажатларни камайтириш зарур.

1.Халқаро бозорларга чиқишнинг шакллари ва усуллари

1. Халқаро бозорга кириб бориш усуллари

Корхоналарнинг ташқи бозорга чиқиши қуйидаги босқичлардан иборат:

- *экспорт операциялари;*
- *жаҳон бозорида қўшма ҳамкорлик, бир қатор ҳолларда консорциумлар ташкил этиш;*
- *қўшма тадбиркорлик фаолияти;*
- *бевосита инвестициялаш.*

Ташқи бозорга чиқишнинг энг оддий усули экспорт ҳисобланади.

Олиб кирилувчи товарларнинг келиб чиқишига кўра экспортнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- *чет эл товарларини ушбу мамлакатда божхона назорати остида қайта ишлагандан сўнг олиб чиқиш;*
- *илгари олиб кирилган, лекин қайта ишланмаган товарларни олиб чиқиш (реэкспорт);*
- *мамлакат орқали транзит шаклида божхона омборларига жойлаштирилмаган чет эллик товарларни олиб чиқиш.*

Ф.Котлер экспорт мунтазам бўлмаган ва фаол турларга таснифлашни таклиф этди, фаол экспорт эса ўз навбатида бевосита ва билвосита турларга тақсимланади.

Мунтазам бўлмаган экспорт корхона баъзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ортиқчасини маҳаллий улгуржи-воситачи ташкилотлар орқали сотиш йўли экспорт қилиши билан тавсифланади. *Фаол экспорт* муайян бозорни кенгайтиришни мақсад қилиб олган товар ишлаб чиқарувчи фирма экспорт операцияларида мунтазам иштирок этган ҳолларда ўрингa эга бўлади.

Бевосита экспорт товар ишлаб чиқарувчи корхонанинг экспорт операцияларида бевосита ёки ўзининг чет элдаги бўлинмаси орқали иштирок этишини назарда тутади. Бевосита экспортдан саноат товарлари учун, товарларни ҳукуматлараро келишувлар доирасида етказиб бериш, шунингдек, йирик универсал магазинлар тармоғи ёки каталоглар бўйича савдо қилувчи ташкилотларга сотишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Билвосита экспорт бу мулкни ва у билан боғлиқ барча таваккалчиликларни уни ташқи бозорда сотувчи воситачига беришни англатади. Билвосита экспорт товарларни чет элга тижорат ташкилотлари орқали сотишни назарда тутиб, бу воситачилар қаторига *улгуржи савдогарлар*, экспортчи ёки импортчининг агентлари, чакана савдогарларни киритиш мумкин. Улгуржи савдогарларнинг хизматлари ишлаб чиқарувчига қуйидаги устунликларни тақдим этади:

- экспорт операцияларини молиялаштириш;
- ишлаб чиқарувчи экспорт савдогарларнинг тажрибалари ва хорижий бозорлардаги алоқалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади;
- ишлаб чиқарувчи ташқи савдо операцияларини амалга ошириш учун ўз штатида ходимларга эга бўлиши талаб қилинмайди.

Агентлар одатда иккита жиҳат бўйича – уларни мукофотлаш усули ва экспортчи билан алоқаларининг мустаҳкамлиги билан тавсифланади. Комиссион тўлов шаклидаги мукофотларни халқаро маклер, харид бўйича маклер, сотув бўйича маклер ва комиссион агентлар оолади.

Халқаро маклер сотувчи ва харидорлардан ваколатга эга бўлмаган ҳолда алоқа ўрнатади. Битим имзолангандан сўнг у битимда иштирок этувчи иккала томондан комиссион мукофот олади. Одатда халқаро маклер хом-ашёни сотиш билан шуғулланади.

Харид бўйича агент харидорнинг топшириғи бўйича чет элда товар сотиб олади. Бунда харидор товарнинг сифати ва миқдори, уни етказиб бериш муддатини олдиндан белгилаб беради.

Сотув бўйича агент унга бозорни ўрганиш ва товарни чет элда сотиш топшириғини берувчи экспортчи билан алоқа ўрнатади ва бунинг учун комиссион мукофот олади.

Чет элда жойлашган *комиссион агент* экспортчи билан жаҳон бозорига товарни етказиб бериш билан шуғулланувчи ишончли шахс орқали алоқа қилади. Комиссион агент ва экспортчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин. Юқорида санаб ўтилган барча агентлар комиссион мукофотга эга бўладилар. Бу агентлар ва экспортчилар ўртасида тижорат алоқалари уларнинг муддати ўсган сари тобора мустаҳкамланиб боради.

Савдода қўшимча нарх шаклидаги мукофотга *концессионер, халқаро савдо агенти ва импортчи-дистрибьютерлар эга бўлади. Концессионер* халқаро савдодаги мустақил тижорат воситачиси бўлиб, унинг экспортчи билан ўзаро алоқалари ҳамкорларнинг мажбуриятлари кўрсатилувчи шартнома асосида амалга оширилади. Концессонер ўз савдо ходимларига эга бўлиб, зарур ҳолларда сотувдан кейинги хизматни амалга оширади, сотилаётган товарларни жойлаштиради ва заҳираларни молиялаштиради. Экспортчи товарни вақтида етказиб бериш, реклама харажатларида иштирок этиш, шунингдек, кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш харажатларини ўз зиммасига олади.

Экспорт тўғрисида қарор қабул қилиш жараёни жуда мураккаб бўлиб, психологик омил, корхонанинг техник ҳолати ва молиявий аҳволи, унинг ҳажми ва рақобатдаги устунликлари, моддий ресурслари ва меҳнат салоҳияти, корхонанинг ташқи бозордаги ҳолати каби омилларга боғлиқ бўлади. Маҳсулот экспорти тўғрисида қарор қабул қилишда бозор субъекти барча ижобий ва салбий жиҳатларни баҳолаши зарур. Қуйида корхонанинг халқаро бозорга, демак, халқаро маркетингга жалб қилиниши фойдасига хизмат қилувчи далиллар келтирилган (1-жадвал).

Ҳозирги пайтда бозор субъектларининг халқаро бозорга кириб боришида экспордан ташқари бошқа усуллар ҳам мавжуд. Экспорт шартномасини икки ёки ундан ортиқ мамлакатларнинг корхона ва ташкилотлари ишлаб чиқариш ва бошқарув ресурсларини бирлаштирган ҳолда тузиши мумкин.

Корхонанинг халқаро маркетингга жалб қилиниши фойдасига хизмат қилувчи далиллар

Тараф	**Қарши**
1. Хизмат кўрсатилаётган бозорларнинг ўсиши ҳисобига фойда миқдорининг ўсиши 2. Турли хил локал бозорларда талабнинг ўзгаришини ўзаро компенсациялаш ҳисобига талабни барқарорлаштириш 3. Жами ишлаб чиқариш	1. Валюта курсларини прогнозлашнинг қийинлиги 2. Ташқи бозор конъюнктураси ёмонлашиши 3. Маркетинг дастури харажатларининг ўсиши 4. Фирма ёки компания нуфузи, нарх ўсишидан олинувчи ютуқнинг бу

харажатларини чет эл бозорларида сотилувчи бир қатор товар номенклатураси позицияларини ошириш ҳисобига пасайтириш 4. Товарнинг ҳаётийлик даврини ошириш 5. Ташқи иқтисодий алоқалардаги тажрибани ошириш 6. Фирма ёки компаниянинг нуфузини ошириш 7. Давлат томонидан қўллаб-қувватланиш имконияти	ўсишга мос келмаслиги 5. Давлат сиёсатида экспортга муносабатнинг ўзгариши 6. Ташқи савдо давомида муайян курашдаги мағлубият

Бу ҳолатда гап *халқаро консорциум* ҳақида халқаро бозорларга кириб бориш усули сифатида бормоқда. Ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик, инжиниринг, савдо, молия ва суғурта компаниялари консорциум иштирокчиларига айланиши мумкин. Консорциумга кирувчи барча бозор субъектлари ўз мустақиллигини сақлаб қолади. Консорциум буюртмачи-экспортчи олдида барча иштирокчиларнинг мажбуриятлари учун умумий жавобгарликни ўз бўйнига олади. Халқаро консорциумларни ташкил этиш халқаро шартнома алоқаларининг энг мослашувчан шакли ҳисобланади. Халқаро консорциумлар авиакосмос тармоғида илмий-техник ҳамкорлик соҳасида ҳамда йирик саноат объектлари қурилишида кенг тарқалган.

Корхоналарнинг ташқи бозорларга чиқишида жаҳон амалиётида *қўшма тадбиркорлик* усули ҳам кенг тарқалган. Қўшма тадбиркорлик турли давлат аъзоларининг у ёки бу соҳада қўшма фаолиятни амалга ошириш жараёнидир. Қўшма тадбиркорликни ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларидан ажратиб турувчи асосий жиҳати бу хўжалик фаолиятини бошқаришда қўшма бошқарувнинг мавжудлигидадир. Маълумки, ҳамкорлар илмий-техник салоҳияти бир хил, танланган соҳада ИТТКИ ўтказувчи, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот киритиш мўлжалланаётган халқаро бозорни ўрганувчи, техник жиҳати ва сифати бўйича илгари мустақил ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан устун бўлган корхоналарнинг қўшма фаолияти узоқ муддатли ва самарали бўлади.

Хозирги пайтда куйидаги кушма табдиркорлик фаолиятининг турлари мавжуд: *лизенциялаш, пудрат ишлаб чикариш, шартнома буйича шартнома, кушма фаолият юритиш.*

Лицензия шаклидаги қўшма корхоналар кўпинча патентлар, лицензиялар, технологик билим ва тажрибалардан биргаликда фойдаланиш учун тузилади. Бундай корхоналарнинг яратилиши ихтироларни ўзлаштириш муддатини қисқартириш, бошқа мамлакатларнинг божхона тўсиқлари ва валюта чекловларини айланиб ўтиш, янги товарларни чет элда ишлаб чиқаришни тезроқ йўлга қўйиш ва уларни турли мамлакатлар бозорларида сотишга имкон беради. Лицензияли ҚК тузиш бир қатор салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин бўлиб, бу лицензиатнинг чет эл технологияларига боғланиб қолишининг кучайишида намоён бўлади. Бир қатор ҳолларда эса бу миллий илмий тадқиқотларнинг тўхтатиб қўйилиши натижасида юз беради, пировардида маҳаллий фан ва техниканинг ривожланиши секинлаштиради.

Пудрат ишлаб чиқариши халқаро тадбиркорлик фаолиятининг шаклларидан бири сифатида сўнгги йилларда кенг тарқалди. У автомобилсозлик, авиасозлик, электроника, станоксозлик каби тармоқларда фирмалараро муносабатларда ривожланмоқда. Бундай қўшма халқаро фаолият юритувчи компаниялар пудрат шартномаси имзолаб, унга кўра буюртмачи буюртмани бажаришнинг чизма ва моделларда акс эттирилган техник шартларини таъминловчига тақдим этиш, шунингдек, унга техник ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олади. Ўз навбатида таъминловчи унга буюрилган маҳсулотларни белгиланган муддатда, белгиланган миқдорда ва талаб қилинувчи сифатларда етказиб бериш мажбуриятини олади. Пудрат шартномасида етказиб берилувчи маҳсулот нархи қатъий белгилаб қўйилади.

Қўшма тадбиркорлик фаолиятининг турларидан яна бири бу *шартнома бўйича бошқаришдир*. Мазкур усул ташқи бозорга чиқишда энг кам харажатларга йўл қўйилиши ва фаолият бошиданоқ даромад олинишини таъминлайди. Бу усулдан дунёнинг турли бурчакларида ўз меҳмонхоналарига эга бўлган «Хилтон» фирмаси фойдаланади. Фирма чет эллик ҳамкорларга бошқарув соҳасида ноу-хауни тақдим этади, чет эллик ҳамкор эса капитал билан таъминлайди.

Биргаликда эгалик қилиш корхоналари турли мамлакат фирмаларини бирлаштириш орқали тузилади. Бундай корхоналарни яратиш шакллари қуйидагича бўлиши мумкин: акциядорлик капиталини таъсисчилар ўртасида паритетлик асосида ёки мамлакат қонунчилигида кўрсатилган нисбатларда тақсимлаши, чет эллик фирма томонидан миллий фирма акциялар пакетини сотиб олиш ва ҳоказо. Бундай қўшма корхоналарни тузиш аниқ мақсадларни кўзлайди: хўжалик фаолиятининг турларидан бирида ҳатти-ҳаракатларни бирлаштириш, имтиёзларга эга бўлиш ва маҳаллий бозордаги улушни кегайтириш, корхона жойлашган мамлакатнинг табиий ресурсларидан фойдаланиш ва ҳоказо. Бу турдаги корхоналар ривожланган мамлакатларда ҳам, ривожланаётган давлатларда ҳам тузилиб, турли мақсадларни кўзлайди.

Халқаро қўшма тадбиркорлик ишлаб чиқариш профили деярли бир хил бўлган фирмалар томонидан амалга оширилади. Якуний маҳсулот икки усул ёрдамида ишлаб чиқарилиши мумкин.

1. Биринчи усул бўйича қўшма фаолиятдаги ҳамкорлар ўртасида якуний маҳсулот компонентларини ишлаб чиқаришни тақсимлаб олиш кўзда тутилади. Бунга мисол қилиб «Вольво» (Швеция), «Клекнер-Гумбольд-Дойч» (Германия), «Сэвиэм» (Франция) ва «ДАФ» (Нидерландия) каби фирмалар томонидан автомобиль ишлаб чиқаришни кўрсатиш мумкин. Ушбу фирмалар улар ўртасида тузилган шартномаларга асосан автомобиль ишлаб чиқаришда қўшма фаолиятга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Масалан, «Вольво» фирмаси кабиналар учун жавоб берса, «Сэвиэм» фирмаси ҳайдовчи учун қулайлик яратишни, «Клекнер-Гумбольд-Дойч» эса конструкцияларнинг ишончлилиги ва узоқ муддат хизмат қилишини таъминлайди.

2. Якуний маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иккинчи усули ҳамкорларнинг янада жипсроқ ишлаши ва кооперациясининг чуқурлашувини назарда тутади. Бу ҳолда моддий ва молиявий ресурслардан ташқари ишлаб чиқариш аппарати ҳам бирлаштирилади, мураккаб маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўшма дастур яратилади ва ИТТКИни амалга оширишда ҳатти-ҳаракатлар бирлаштирилади. Тузилган қўшма корхона маҳсулот харидори билан асосий шартномани имзолайди, сўнгра у буюртмани таъсисчи фирмалар ўртасида бажарилувчи ишлар ҳажмини тақсимлайди. Иккинчи усул асосидаги қўшма

фаолият натижасида Буюк Британия ва Франция иштирокида «Конкорд» самолетларини ишлаб чиқариш дастури тайёрланган. Бунда улардан ташқари «Аэроспесияль», «БАК», «Роллс-Ройс» ва «СНЭКМА» компаниялари ҳам иштирок этган.

Корхоналарнинг ташқи бозорга чиқишида кенг тарқалган усуллардан бири *бевосита инвестициялаш,* ёки бошқача қилиб айтганда, чет элда корхонанинг шўъба бўлимларини яратишдир. Бу катта миқдорда инвестициялар киритишни талаб қилсада, бироқ хом-ашё ва ишчи кучининг жуда арзонлиги сабабли қўшимча даромад келтириши мумкин. Бундан ташқари, чет элда шўъба корхоналари тузар экан, фирма ўз капитал қўйилмаларини назорат қилиши мумкин бўлади.

2. Корхоналар халқаро фаолиятини ташкил этиш шакллари

Корхона халқаро фаолиятини ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири *халқаро савдо* бўлиб, у экспорт ва импорт ҳажми, савдо айланмаси, савдо сальдоси билан тавсифланади. *Халқаро технологияларни бериш* халқаро савдонинг муҳим бир қисми ҳисобланади. Ҳозирги пайтда, саноати ривожланган мамлакатлар ўз тўлов балансини технологиялар экспорти ҳисобига яхшилашга, ривожланаётган мамлакаталр эса саноатлаштириш ҳисобига иқтисодиётни замонавийлаштиришга интилаётган шароитларда халқаро технологиялар беришни жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Технология – бу амалий максадларга еришиш учун қўлланиладиган илмий усуллар. Технология тушунчасига товар, жараёни ва бошкариш технологиялар киради. Халқаро технологиялар бериш давлатаро фан-техника ютуқлардан тижорат асосида фойдаланишни кўзда тутади.

Хорижий фан-техника ютуқларида фойдаланишга мисол қилиб Японияни келтириш мумкин. Хорижий фан-техника ютуқлари ва билимлари бу мамлакатга техник жиҳатдан янги ва мукаммал маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек, унинг ҳисобига ўз илмий-техник лойиҳаларини ривожлантириш ва бу маҳсулот билан жаҳон бозорига чиқиш имконини берди.

Халқаро технологияларни бериш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- *патент келишувлари;*
- *лицензия келишувлари;*
- *инжиниринг келишувлари;*
- *илмий-техник ҳамкорлик ва илмий-техник кооперация тўғрисида клишувлар.*

Патент келишуви халқаро савдо битими бўлиб, унга кўра патент эгаси ихтиродан фойдаланиш ҳуқуқини патентни сотиб олувчига беради. *Патент* бу ваколатли орган томонидан ихтирочи берилувчи ва унинг ушбу ихтиродан фойдаланишга монопол ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳномадир. Патент ўз эгасига ихтирога эгалик қилиш ҳуқуқини беради, бир қатор ҳолларда бу саноат намунаси ва товар белгисини қайд этиш билан мустаҳкамланади. Бозорга чиқарилаётган янги товарларнинг кўпчилиги ҳозирги пайтда патентланган. Патент ўз моҳиятига кўра, янги технологияларни ҳимоя қилувчи ҳужжат бўлиб, берилган мамлакат ҳудудидагина амал қилади. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, хар бир ихтирога ҳам патент берилавермайди, чунки патент қобилияти масаланинг янги технологик жараёнларни яратиш орқали техник ечими техник вазифанинг оддий инженерлик ечимидан мураккаброқ бўлади ва амалиётга татбиқ этилиши мумкин бўлади. Патентнинг кучга эга бўлиши учун қонун томонидан жуда катта патент божини тўлаш талаб қилинади. Шу сабабли ихтиродан фойдаланиш учун етарли маблағга эга бўлмаган

патент эгалари кўп ҳолларда ўз патентларини ихтирони ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун барча имкониятларга эга бўлган шахсларга сотади. Бироқ птентлар билан халқаро савдонинг роли сезиларли эмас. Бу эса шу билан боғлиқки, битта патентни сотиб олиш унда мавжуд бўлган фан-техника билимларидан самарали фойдаланишни таъминлай олмайди. Патентланган технологияларни ишлаб чиқариш ва техник ёрдам кўрсатиш сирлари билан биргаликда тақдим этилгандагина уларни амалиётга татбиқ этиш осон кечади, бунга эса халқаро лизинг келишувни имзолаш ёрдамидагина эришиш мумкин.

Лицензия келишуви халқаро савдо битими бўлиб унинг натижасида ихтиро эгаси бошқа томонга маълум чегара доирасида технологиядан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Патент билан ҳимояланган ёки ҳимояланмаган лицензия эгаси (лицензиар) қизиқаётган томонга (лицензиатга) ушбу технологиядан келишилган муддатга белгиланган ҳақ эвазига фойдаланишга рухсат беради. Лицензиат лицензия келишувини имзолаш учун қуйидаги мотивларга эга бўлиши мумкин:

- янги технология ишлаб чиқишда ИТТКИдан фойдаланишга қараганда лицензияни сотиб олиш натижасида кўпроқ фойда олиш;
- қўшимча фойда олиш;
- лицензиарнинг обрў-эътиборидан фойдаланиш;
- зарур ҳолларда лицензиарнинг техник мутахассислари хизматидан фойдаланиш.

Лицензия савдоси халқаро технология беришнинг асосий шакли ҳисобланади.

Аксари ҳолларда чет элда патентланган ихтиродан фойдаланиш ҳуқуқи олди-сотди предмети вазифасини бажаради. Мавжуд лицензия келишувлари қуйида келтирилган

Лицензия келишуви турлари

Технологияни бериш усули бўйича	Патентга муносабати бўйича	Технологиялардан фойдаланиш ҳуқуқи характери ва ҳажми бўйича
1. Мустақил 2. Қўшимча	1. Патентланган 2. Патентланмаган	1.Мутлақ 2.Мутлақ бўлмаган 3. Тўлиқ

Технологиялар моддий ташувчидан мустақил равишда берилганда лицензия келишуви *мустақил келишув* деб аталади. *Қўшимча лицензия келишуви* технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш ва инжиниринг хизматлари кўрсатиш шартномалари доирасида ўрингa эга бўлади.

Патентли лицензия келишуви бу патентдан фойдаланиш ҳуқуқини ноу-хаусиз берилишини тасдиқловчи ҳужжат. *Патентсиз лицензия* бу ноу-хаудан ихтирога патентсиз фойдаланишни тасдиқловчи ҳужжат.

Мутлақ бўлмаган лицензия лицензиатнинг технологияга монопол ҳуқуқини ва лицензиарнниг ҳудудни рад этишини назарда тутади. *Тўлиқ лицензия* лицензиатга келишув амал қилувчи муддатда патент ёки ноу-хаудан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ва лицензиарнинг шу муддат давомида технологиядан мустақил фойдаланишдан воз кечишини назарда тутади.

Лицензия тўловларининг қуйидаги асосий турлари амал қилади:

Роялти – лицензия келишуви амал қилувчи муддат давомида харидорнинг даромадларидан вақти-вақти билан ажратилувчи маблағ бўлиб, лицензиядан фойдаланиш

натижасида олинувчи фойда ҳажмига боғлиқ бўлади. Роялти фойда миқдори ёки савдо ҳажмининг фоизларида қатъий белгиланган ставка кўринишида белгиланиши мумкин. У лицензиат томонидан белгиланган вақт оралиғида ҳар йил, шар чорак ёки ҳар ой тўлаб борилади.

Паушал тўлови лицензия келишувида қайд этилган бир марталик тўлов бўлиб, лицензиядан амалда фойдаланиш муддати билан боғлиқ бўлмай эксперт баҳолари асосида белгиланади. Бундай тўлов тури одатда технологиялар қиймати асбоб-ускуналар қийматига киритилган пайтда асбоб-ускуналар етказиб беришда, шунингдек лицензиат технологиялардан кейинчалик фойдаланишни лицензиар назорат қилишини истамаган ҳолларда қўлланади.

Фойдада иштирок этиш лицензиат томонидан лицензия предметидан фойдаланиш натижасида олинган фойданинг бир қисмини лицензиарга берилишини ифодалайди. Лицензиарнинг лицензиат фойдасида иштирок этиши мутлақ лицензияда 30% ва мутлақ бўлмаган лицензияда 10% белгиланади.

Мулкда иштирок этиш бу лицензиатнинг корхона акцияларининг бир қисмини лицензиарга берилган лицензия учун тўлов тариқасида тақдим этишдир. Ушбу тўлов тури уларнинг технологияларидан фойдаланувчи чет эл корхоналари устидан назорат ўрнатишни мақсад қилиб олган трансмиллий компаниялар томонидан қўлланади.

Лицензия савдосида *венчур компаниялари* муҳим роль ўйнайди. Бу компанияларнинг халқаро технологиялар айирбошлашдан манфаатдорлигини қуйидаги сабаблар билан асослаш мумкин. Венчур фирмалари бу одатда тор ихтисослашган кичик ва ўрта саноат фирмалари бўлиб, уларнинг ИТТКИ дастурлари кичик техник муаммолар доираси билан чекланиб қолади. Бундай фирмаларнинг жаҳон бозоридаги муваффақияти асосан фан-техника ютуқларига боғлиқ бўлади, чунки улар молиявий ресурсларнинг чекланганлиги сабабли товарлар нархини пасайтира олмайдилар.

Ноу-хау тўғрисидаги келишувлар халқаро битимда технологик, иқтисодий, маъмурий ва молиявий характерга эга бўлган, улардан фойдаланиш тижорат қийматига эга бўлган техник тажриба ва ишлаб чиқариш сирларини тақдим этишда фойдаланилади. Бунда патентланмаган ихтиролар олди-сотди предмети ҳисобланади.

Халқаро инжиниринг келишуви ихтисослашган инжиниринг компаниялари ҳамда фан ва техниканинг илғор тармоқларида фаолият кўрсатувчи бошқа компаниялар томонидан ишлаб чиқариш, тижорат ва илмий-техник характерга эга хизматларни кўрсатиш бўйича тузилувчи битимдир.

Инжиниринг хизматлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Лойиҳадан аввалги хизматлар, жумладан:

- лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлашда ёрдам кўрсатиш;
- табиий бойликларни излаш;
- бўлажак ишлаб чиқаришнинг техник, иқтисодий ва ташкилий имкониятларини баҳолаш.

2. Лойиҳа хизматлари, жумладан:

- асбоб-ускуна ва иншоотларни лойиҳалаш, мос келувчи тадқиқот ва синовларни ўтказиш;
- тажриба намуналарини тайёрлаш.

3. Лойиҳадан кейинги хизматлар:

- ҳамкорлик келишувларини тузиш бўйича музокаралар ўтказиш;
- ишлаб чиқаришни техник бошқаришда ёрдам кўрсатиш:
- ходимларни ўқитиш, асбоб-ускуналарни эксплуатация қилиш бўйича маслаҳатлар бериш, технологик жараёнларни ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришни ахборот билан таъминлаш тизимини жорий қилиш бўйича хизмат кўрсатиш;
- реклама фаолиятида кўмаклашиш.

Инжиниринг хизматларининг якуний мақсади инвестиция фаолиятидан энг яхши натижаларга эга бўлишдир. Инжиниринг хизмати экспорти бўйича етакчи мамлакатлар қаторига АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония, Канада, Швеция, Дания, Швейцария ва Италияни киритиш мумкин.

Тижорат асосида илмий-техник ҳамкорлик ва илмий-техник кооперация келишувлари ҳам халқаро технологияларни беришнинг шаклларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда мослашувчан ихтисослашган тизимлар, ахборот тизимлари, алоқа тизимлари, лазер ва аэрокосмос техникаси, биотехнология ва янги композицион материаллар каби янги технологиялар жуда ривожланган. Янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш катта моддий ва молиявий харажатларни талаб қилиб, бу илмий-техник ҳамкорлик соҳасида халқаро миқёсда моддий ва молиявий ресурсларни бирлаштириш заруратини асослаб беради. Бундай халқаро ҳаморлик янги маҳсулот турларини ишлаб чиқишга қаратилади, шунингдек, илмий-техник кооперацияси маҳсулотнинг тажриба намунасини яратиш ва ишлаб чиқариш билан якунланади.

Франчайзинг бозор субъектлари халқаро фаолиятининг бир шаклидир. У халқаро франчайзинг ассоциациясининг таърифлашича, узоқ муддатли муносабатларни ифодалаб, сотув санъатига ўргатиш, ташкилотчилик ва бошқарувни қўллаб-кувватлаш ҳамда махсус савдо имтиёзларини тақдим этиш бўйича франчайзи хизматларини тақдим этади. Бунинг учун франчайзер мос келувчи мукофотга эга бўлади. Иккита манфаатдор томон – франчайзер ва франчайзи франчайзинг тизимининг субъектлари ҳисобланади. Улардан бири франшизани тақдим этса, иккинчиси уни сотиб олади ва ундан фойдаланади. Бу маънода франчайзинг шартнома бўйича берилувчи белгиланган вақт давомида белгиланган ҳудудда имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқини англатади. Бу қаторга фирма номи ёки савдо маркаси, машҳур товар, савдо зали асбоб-ускуналари лойиҳаси, бошқарувнинг стандартлашган модели, стажировка, молиявий воситаларни топиш, ва франчайзер томонидан ўтказилувчи тадқиқотларни киритиш мумкин.

Товар ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва лицензиар франчайзер бўлиши, дилерлар, лицензиат, сотув тармоғи ва сотув ассоциацияси аъзолари франчайзи бўлиши мумкин.

Қуйида франчайзингнинг ўзига хос хислатлари келтирилган:

- франчайзернинг товар маркаси, махфий технологиялар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш ва савдо ҳуқуқига эгалиги;
- франчайзернинг франчайзига ўзининг фирма ғоялари ва мақсадларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериши;
- олинган ҳуқуқлардан фойдаланиш ва уларни назорат қилиш тартибини белгилаб берувчи франчайзинг шартномасининг мавжудлиги;
- франчайзининг унга берилган ҳуқуқлар учун ҳақ тўлаши.

Франчайзинг тизими ҳуқуқий нуқтаи назардан оддий хўжалик ташкилоти эмас, франчайзи шартнома бўйича оддий контрагент бўла олмайди, чунки франчайзингнинг асосий шартларини франчайзер якка тартибда белгилаб беради. Бундан келиб чиқиб, франчайзинг тизимини фаолиятининг қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича таърифлаш мумкин: бу франчайзер ва кўплаб франчайзилардан иборат бўлган хўжалик ташкилоти бўлиб, франчайзернинг мулки ҳисобланувчи фирма номи, савдо маркаси ва бошқа хўжалик имтиёзларини франчайзига товарларни сотиш ва хизмат кўрсатишда фойдаланиш учун пул эвазига тақдим этиш йўли билан истеъмолчилар сўровларини тўлароқ қондириш учун фаолият кўрсатади.

Франчайзинг тизими шартномавий вертикал маркетинг тизимининг шаклларидан бири бўлиб, ҳудудий ва эксплуатацион турларга тақсимланади.

Ҳудудий франчайзинг тизими товар ишлаб чиқарувчи ёки улгуржи воситачининг товарни сотишда франчайзига белгиланган ҳудудда белгиланган муддатда фирма номи ёки товар белгиси, раҳбарият ва маслаҳатлардан фойдаланиш имтиёзини тақдим этиши билан тавсифланади.

Эксплуатация франчайзинг тизими товарларни сотиш ҳисобига эмас, балки франчайзига фирма номи, савдо маркаси ва маслаҳатларни сотиш ҳисобига фойда олинишини назарда тутади.

Ҳозирги пайтда франчайзинг тизимининг тўрт хил тури мавжуд:

- товар ишлаб чиқарувчи – чакана савдогар;
- товар ишлаб чиқарувчи – улгуржи савдогар;
- улгуржи савдогар – чакана савдогар;
- хизматларни ишлаб чиқарувчи – чакана савдогар.

Биринчи турдаги тизим қулай транспорт алоқалари мавжуд бўлган ҳолларда қўлланиб, товар ишлаб чиқарувчилар бу транспорт алоқалари ёрдамида ўз тизимига белгиланган ҳудудда чакана савдогарлар тармоғини интеграциялайди.

Иккинчи турдаги тизим учун сотув функцияларини ишлаб чиқарувчи билан франчайзинг шартномасини тузувчи улгуржи савдогарга бериш характерлидир. Бунга мисол тариқасида улгуржи савдогарларни ичимликлар концентратлари билан таъминловчи «Кока-Кола» ва «Пепси-Кола» компанияларини келтириш мумкин. «Пепси-Кола» компанияси бундан ташқари чакана савдогарларни тайёр ичимликлар билан ҳам таъминлайди.

Фрачайзинг тизимининг *учинчи тури* улгуржи савдо товарларни кўплаб товар ишлаб чиқарувчилардан олувчи ва чакана савдогарларни франчайзинг тизимига жалб қилувчи ҳолларда қўлланади. Бу тизим спорт товарлари, медикаментлар ва атторлик молларини сотишда қўлланади.

Тўртинчи турдаги тизим сервис фирмаларининг турли корхоналарга фирма номи, товар маркаси, ишлаб чиқариш усуллари ва хизматларни сотишни тақдим этади. Бу тизим меҳмонхона ва ресторанлар тизимида ҳамда автомобилларни сотишда қўлланади.

Франчайзер олувчи муайян фойда қуйидагилардан иборат:

- фойда олиш усулларининг турли-туманлигига эришиш;
- халқаро фаолият соҳасини кенгайтириш ва рақобатбардошликни кучайтириш;
- франчайзернинг бизнесини қўшимча кредит ажратмасдан кенгайтириш;

• савдо маркаси, патентлар ва бўлажак бозорни энг кам харажатлар билан ҳимоя қилиш;

• маҳаллий шароитларга мослашиш осонлашади, бошқарув маҳаллий франчайзерлар зиммасига юклатилиши сабабли тил тўсиқлари бартараф этилади;

Халқаро франчайзинг шартномасини имзолашда франчайзи қуйидаги фойдаларга эга бўлади:

• машҳур товар белгисига бўлган ва франчайзердан бозор шароитларига мослашишда ёрдам олган ҳолда бизнесни бошлаш имконияти;

• махсус билимларнинг етишмаслигини франчайзер томонидан ўқитиш ва раҳбарият тажрибаси ҳисобига компенсациялаш.

Франчайзинг стратегиясини тизимнинг умумий самарадорлигига интилувчи франчайзер ишлаб чиқади. Шу сабабли айрим франчайзининг манфаатлари ҳисобга олинмай қолиши ҳам мумкин. Франчайзингнинг франчайзи учун энг катта камчилиги айнан шунда намоён бўлади.

Халқаро франчайзинг ҳамкорлар учун сезиларли қулайликлардан ташқари бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Товар ва хизматлар нуфузининг юқорилиги, уларнинг стандартлашуви, харажатларни самарали бошқариш каби омиллар ички франчайзингнинг муваффақиятини белгилаб беради. Масалан, Шимолий Америкада юқори сифатли хом-ашё, савдо нуқталарининг тўғри жойлашуви ва тез хизмат кўрстиш ҳисобига катта муваффақиятларга эришган «Макдональдс» фирмаси Европа бозорларига кириб боришда фирманинг маркетинг стратегияси миллий анъаналардаги фарқларни тўғри ҳисобга олмаганлиги сабабли қийинчиликларга учради. Бу ерда фирма европаликларнинг овқатланишга оид одатларига мослашишига тўғри келди, масалан, минтақавий Европа мамлакатларида пиво ва товуқ гўштини хуш кўришса, Англияда чойга катта эътибор қаратилади.

2.Саноат ишлаб чиқариши ва ундаги иқтисодий маокетинг жиҳатлар

1.Саноатда инновацион ўсиш стратегиясини амалга ошириш ва структураси таснифи


Инновациялар ёки «янги комбинацияларни амалга ошириш» тушунчасига Шумпетер ташкилот, маҳсулот ёки ишлаб чиқариш жараёнини доимий такомиллаштириш йўли билан олинувчи стратегик афзаллик ва ютуқларни киритган. У қуйидаги беш ҳолатни кўрсатиб ўтган:

1) янги неъмат тайёрлаш;

2) ишлаб чиқаришнинг янги усулини жорий қилиш;

3) янги сотув бозорини ўзлаштириш;

4) хомашё ёки ярим тайёр маҳсулотлар янги манбасига эга бўлиш;



Саноат тармоқларининг иқтисодий ўсишга эришишида инновацион ўсиш стратегиясини амалга ошириш ва структураси таснифи.

5) тегишлича қайта ташкил қилиш, масалан, монопол ҳолатни таъминлаш[1].

Истеъмол секторида янгиланиш тенденциялари. XX асрда истеъмол секторида унинг таркибини тубдан ўзгартириб юборган ҳамда учинчи, тўртинчи ва бешинчи технологик укладларни ўзлаштириш ва тарқатиш билан боғлиқ базис инновацияларнинг уч тўлқини кузатилди. Бу тўлқинлар ривожланган мамлакатларда айниқса яққол кўзга ташланиб, концентрик доиралар бўйича бошқа мамлакат ва цивилизацияларга тарқалган.

Инновацияларнинг дастлабки тўлқини XX аср бошларида автомобиль, сўнгра авиация транспорти, электр ёритгичлар ва электр ускуналаридан фойдаланиш, телефон ва телеграф алоқасини кенг қўллаш билан боғлиқ бўлган. Бу учинчи укладли технолгиялар эди.

Истеъмол секторидаги ўзгаришларнинг кейинги тўлқини иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йилликларда тўртинчи укладли технологияларнинг ривожланиши натижаси сифатида намоён бўлди. Компьютерлар, видео-техника, ахборот технологиялари, мультимедиа маҳсулотлари, телекоммуникация тизимлари ахборот хизматларининг аҳоли истеъмолидаги улушини бир неча баробар оширди. «Яшил инқилоб» кўп жиҳатдан озиқ-овқат товарлари ассортиментини ўзгартириб юборди.

Аҳолининг якуний истеъмол динамикаси
(а -млрд. долл.; б –ЯИМ га нисбатан %; в -1950 й.га нисбатан %)

	1950	1990				2000			2015		
	а	б	а	б	в	а	б	в	а	б	в
Бутун дунё											
Жами	4665	68,1	20660	65,6	444	26515	65,0	568	44540	63,7	955
Оила жорий хараж ати	4281	62,5	18745	59,5	438	24125	59,2	564	40375	57,7	943
Давлат ижтимоий хизмати	384	5,6	1915	6,1	499	2390	5,9	622	4165	6,0	1085
Ривожланган мамлакатлар											

[1] Шумпетер И. Теория экономического развития (исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры).-М.: Прогресс, 1982. - С. 159.

Жами	2725	69,3	11900	69,8	437	14700	69,1	39	21550	69,2	791
Оила жорий харажати	2485	63,2	10675	62,6	430	13100	61,6	527	19050	61,2	767
Давлат ижтимоий хизмати	240	6,1	1225	7,2	510	1600	7,5	667	2500	8,0	1042
Ривожланаётган мамлакатлар											
Жами	1290	72,1	6360	62,7	493	9905	60,7	768	19370	59,4	1502
Оила жорий харажати	1231	68,8	6025	59,4	489	9335	57,3	758	18145	55,6	1474
Давлат ижтимоий хизмати	59	3,3	335	3,3	568	570	3,5	966	1225	3,8	2076

2.Иқтисодиёт тармоқлари кўплиги ва кенглиги унинг мураккаб тизим сифатида ифодалаши

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 13 фоизи саноат ишлаб чиқариш ҳиссасига тўғри келади. Шуни таъкидлаш керакки, келажакда республика саноатининг жадал суръатлар билан таъминланиши янада яхшиланиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши, яъни бандлик даражаси анчагина юксалади. Жамиятнинг етакчи, бунёдкор, қудратли кучи бўлган кадр (ходим)ларнинг анчагина қисми саноатда хизмат қилади. Бу тармоқнинг янада улкан ривожи саноат кадрлари сонининг ошишига ва уларнинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси саноатининг тараққиёти юқори малакали ишчи кадрлар, муҳандис ва техник ходимларни яратди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон саноатида 1,2 миллионга яқин ходим ишламоқда. Улардан 462 минг киши олий маълумотли мутахассис, 600 мингдан ортиғи ўрта ва ўрта махсус маълумотли ходимлардир.

Жамият тараққиётининг муўим қонуниятларидан бири саноат ходимларининг маданий – техник савияси ўсиши, ишлаб чиқариш малакаси ва тажрибасини тинмай ошиб боришидир.

Ижтимоий – иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни таъминловчи буюк ҳаракатлантирувчи куч – рақобат ҳам аввало, саноат соҳасида вужудга келди ва ривожлана бошлади. Тадбиркорлар, ишбилармонлар беллашувнинг байроқдори бўлиб майдонга чиқдилар. Республика саноатида ҳам рақобат ўзининг оддий босқичидан энг юқори босқичига кўтарилиб, чинакам умумий дастакка айланмоқда.

Мустақилликнинг афзалликлари ва давлат иқтисодий сиёсатининг етакчилик ролини янада оширмоқда. Олий Мажлиснинг қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари энг аввало, саноат соҳасида амалга оширилмоқда ва сезиларли самара бермоқда.

Саноат табиатда учрайдиган моддий бойликларни қазиб чиқариш ва тайёрлашни, уларни ва қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни ўз ичига қамраб олади. У барча халқ хўжалиги тармоқлари учун ишлаб чиқариш кучларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлигини бирмунча орттирадиган, фан-техника тараққиётини белгилайдиган, инсон меҳнатининг унумдорлигини оширишга имкон берадиган, меҳнат ва ишлаб чиқариш қуролларини яратадиган соҳадир.

Саноат тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг бир томонлама ривожланишига хотима беради, мамлакат ва унинг ажралмас қисми бўлмиш вилоятларнинг табиий бойликларидан, хомашё ва меҳнат ресурсларидан кенгроқ ва ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиши меҳнат тақсимотининг ўсиши, ишлаб чиқаришни дифференциялаш ва интенсивлаштириш билан чамбарчарс боғлиқ.

Ҳозирги замон йирик саноати бир бири билан чамбарчарс боғлиқ бўлган кўпгина тармоқлар ва ишлаб чиқаришлардан ташкил топади. Бугунги кунда республика саноатида 175 тармоқ, 1500 га яқин йирик ва ўрта саноат корхоналари мавжуд.

Саноат тармоғи ишлаб чиқариш уюшмалари, комбинатлари ва корхона (фирма)лари йиғиндисидир. Тармоқ ҳосил этиш учун корхоналар бир неча умумий хусусиятларга эга бўлишлари керак:

- ишлаб чиқариладиган маҳсулот иқтисодий мазмунининг бир хиллиги;
- ишлатиладиган хомашё ва асосий материалларнинг ўхшашлиги;
- ишлаб чиқаришнинг техник базаси ва технологик жараёнларининг умумийлиги;
- маълум касбдаги кадрлар таркибининг умумийлиги;
- ижтимоий меҳнатни ташкил этиш даражаси ва шаклларининг бир бирига ўхшашлиги ва ҳакозолар.



Миллий иқтисодиёт, жумладан, саноатнинг тармоқларга бўлиниши.

Саноат ишлаб чиқаришни илмий жиҳатдан асосланган равишда таҳлил этиш ва режалаштириш, унинг самарадорлигини аниқлаш ва бошқариш учун тармоқларни таснифлаш, яъни маълум гуруҳларга ажратиш лозим.

Саноат тармоқларини гуруҳлашда асосий эътибор тайёрланадиган маҳсулотнинг иқтисодий мазмунига қаратилади. МАҲСУЛОТнинг иқтисодий жиҳатдан бир мақсадга жавоб бериши белгисига қараб, саноат икки йирик гуруҳга бўлинади: Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи (“А“ гуруҳ), истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи (“Б“ гуруҳ) турларга бўлинади. Маълумки, деярли барча саноат тармоқларида ҳам ишлаб чиқариш воситалари, ҳам истеъмол буюмлари сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотлар тайёрланади. Шу сабабли режалаштириш ва ҳисоб-китоб юритишда баъзи бир саноат тармоқлари “А“ ёки “Б“ гуруҳга киритилиши мумкин.

Меҳнат воситаларнинг меҳнат буюмларига таъсир кўрсатишига қараб саноат қазиб олувчи ва ишлов берувчи тармоқларга бўлинади. Саноатнинг бундай икки қисмга бўлиниши ишлаб чиқариш алоқаларини кўрсатишга, материал ва ёқилғи-энергетика ресурсларини, ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи тармоқлар ўртасидаги нисбатларни асослаб беришга имкон яратиб беради.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг функционал вазифасига биноан ҳам тармоқларни гуруҳлаш мумкин. Бунда алоҳида гуруҳлар, бир қатор тармоқлар, масалан, ёқилғи ишлаб чиқарувчи – ёқилғи саноати, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрловчи – озиқ- овқат саноатига бирлашиши мумкин.

Ҳозирги пайтда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирилигининг Статистика департаменти таснифсига кўра, барча саноат тармоқлари 18 комплекс тармоққа бирлаштирилган.

Ўзбекистон саноатининг комплекс тармоқлари

№	Комплекс тармоқлари	Комплекс тармоққа кирувчи тармоқлар сони
1	Электроэнергетика саноати	3
2	Кўмир саноати	2
3	Газ саноати	2
4	Нефть ва нефтни қайта ишлаш	2
5	Қора металлургия	2
6	Рангли металлургия	4
7	Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	40
8	Кимё ва нефть-кимё саноати	12
9	Ўрмонсозлик, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз саноати	3
10	Қурилиш материаллари саноати	14
11	Ойна ва чинни-фаянс саноати	2
12	Микробиология саноати	12
13	Медицина (фармацевтика) саноати	3
14	Полиграфия	1
15	Енгил саноат	18
16	Озиқ-овқат саноати	22
17	Ун, ёрма ва ем саноати	3
18	Қолган тармоқлар	21

3.Саноат тармоқ тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар

Тармоқ тузилмаси дейилганда, унинг таркиби, тармоқлар ўртасидаги нисбатлар ва ўзаро боғлиқлик тушунилади. Тармоқ тузилмаси саноат тараққиёти даражасини белгилайди ҳамда унда юз берган ва юз берадиган ўзгаришларни акс эттиради.

Тармоқ тузилмасига биноан қуйидаги жиҳатларни аниқлаш мумкин бўлади:

- ижтимоий меҳнат тақсимоти ва кооперациянинг даражасини;
- мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил эканлигини;
- саноат ва бутун халқ хўжалигининг илмий-техника салоҳиятини;
- мамлакат ва унинг вилоятлари саноатининг ривожланиш даражасини;
- саноат тармоғининг “А“ гуруҳи билан “Б“ гуруҳи ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқадорлигини;
- ижтимоий меҳнат унумдорлиги ёки ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг даражасини;
- меҳнаткашларнинг моддий фаравонлиги ва маданий даражаси ўсганлигини.

Саноат тармоқлари тузилмасини тавсифлаш учун айрим тармоқлар ўртасидаги маълум ишлаб чиқариш алоқадорлигини ифодаловчи миқдорий нисбатларни аниқлаб олиш керак. Бу муаммони ҳал этиш учун бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улардан бири тармоқлар ўртасидаги нисбатларни ифодаласа, иккинчиси маълум давр ичидаги тузилмавий ўзгаришларни, учинчиси эса ишлаб чиқариш алоқаларини ифодалайди.

Тармоқ тузилмасини ифодаловчи кўрсаткичлар жумласига қуйидагилар киради:

- мустақил саноат тармоқларининг сони;
- тармоқларнинг саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги салмоғи;
- тармоқ ривожининг суръати;
- тармоқнинг илгарилаб кетиш коэффициенти.

Мустақил саноат тармоқларининг сони мамлакат индустриал тараққиёти, унинг иқтисодий ва илмий-техник салоҳияти, иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини ифодалайди.

Тармоқнинг ялпи маҳсулот саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши, ишчилар сони ва асосий фондлар қийматидаги салмоғи кўрсаткичлари билан ўлчанади.

Тармоқнинг ривожланиш суръатини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$C = \frac{100 * П}{X},$$

бу ерда С – тармоқнинг ривожланиш суръати;

П – тармоқ ривожланишининг режали даражаси;

Х – тармоқ ривожининг ҳисобот давридаги даражаси.

Тармоқнинг ривожланиш коэффициенти тармоқлар таркибидаги миқдор ўзгаришларни ифодалайди ва маълум даврдаги саноат тармоқ тузилмасидаги силжишларни кўрсатиб беради. Бу коэффициент қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K = \frac{Тр * с}{Ср * с},$$

бу ерда Тр * с – тармоқнинг ривожланиш суръати;

Ср * с – саноатнинг ривожланиш суръати.

Саноат тармоқлари орасидаги юзага келган мутаносибликлар ва уларнинг ўзгаришига ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси ҳамда бошқа бир қатор омиллар таъсир этади.

Саноат ишлаб чиқариш тармоқ тузилмасини белгиловчи асосий омилларга қуйидагилар киради:

- фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- материал ва ёқилғи, энергетика ресурсларини иқтисодий тежашни кучайтириш;
- ижтимоий меҳнат тақсимоти, ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг даражаси;

- саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари;
- аҳолининг моддий ва маданий даражаси ўсиши;
- ижтимоий-тарихий шароитлар;
- мамлакатнинг табиий ресурслари ва уларни ўзлаштириш даражаси;
- мамалакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида тутган ўрни ва унинг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги.

Саноат тармоқ тузилмаси ўзгаришига энг кучли таъсир кўрсатувчи омиллардан бири илмий-техника тараққиётидир. Фан- техника тараққиёти энг аввало, янги меҳнат воситалари ва маҳсулотнинг янги турларини яратиш, мавжуд асбоб-ускуналар ва технология жараёнларини такомиллаштириш, янгиларини жорий этиш билан боғлиқдир. Бу эса мавжуд саноат тармоқларидан янгидан янги соҳаларнинг ажралиб чиқишига ва шаклланишига туртки беради. Натижада прогрессив ҳисобланган, яъни автомобилсозлик, асбобсозлик, радиотехника ва электроника, лазер технологияси тез суръатлар билан ривожланади.

Бундан ташқари, фан-техника тараққиёти туфайли янги прогрессив хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия турларидан фойдаланиш саноатда ишлаб чиқариш характерини ўзгартиради. Юқори тежамкорликка эга бўлган хомашё, материал, ярим фабрикатлар ва ёқилғи ишлаб чиқарадиган тармоқлар истеъмолчи тармоқларга етказиб боришни кенгайтиришлари натижасида халқ хўжалигининг бошқа тармоқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи нисбатан камаяди. Масалан, сунъий ва синтетик толани ишлаб чиқаришнинг тараққий этиши тўқимачилик саноатида бир сўмлик маҳсулот учун сарфланадиган табиий тола сарфини қисқартиради. Натижада маҳсулотнинг материал талаблиги камаяди ва саноат билан қишлоқ хўжалиги, саноатнинг қазиб олувчи тармоғи билан ишлов берувчи тармоғи ўртасидаги нисбат ўзгаради.

Саноат тузилмасининг ўзгаришига ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ижтимоий шакллари – концентрациялаш, ихтисослаштириш ва комбинатлаштириш жуда катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришда кичик корхоналарнинг кўпайиши тармоқ тараққиётини тезлаштиргани ҳолда унинг умумсаноат маҳсулотидаги миқёсини оширишга олиб келади. Ихтисослаштириш ижтимоий меҳнат тақсимоти жараёнини ифодалагани ҳолда айрим маҳсулотлар ёки маҳсулот қисмларини мустақил ишлаб чиқаришга, тайёрлашга, янги саноат тармоқлари ташкил қилинишига сабаб бўлади. Масалан, ихтисослаштиришнинг тараққий этиши натижасида машинасозликда комплектловчи (бутловчи) буюмлар саноати, асбоб-ускуна саноати, приборсозлик, электроника ва бошқа саноат соҳалари ташкил топади.

Кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш тармоқлар ўртасидаги алоқадорликни кенгайтиради ва тармоқ структурасини мураккаблаштиради.

Кишилар моддий ва маънавий фаровонлигининг ўсиши ҳам саноат тармоқлари тузилмасининг ўзгаришига муҳим таъсир кўрсатади. Бу омил таъсири остида енгил ва озиқ-овқат саноатларида чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси ва ассортименти ўзгаради, шунингдек,

маданий-маиший буюмлар – телевизор, соат, фотоаппарат, кир ювиш машинаси, мотоцикл, мотороллер ва бошқалар ишлаб чиқарадиган махсус тармоқлар ташкил топади.

Саноат тармоқлари тузилмасига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллардан яна бири, мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни ҳисобланади.


Ҳозирги даврда иқтисодий интеграцияга кирувчи ҳар бир мамлакатда айрим тармоқлар тараққиёти учун қулай иқтисодий, ижтимоий ва табиий шароитлар борлиги туфайли иқтисодий интеграция дастурлари тузилган. Улардаги саноат ўз мамлакатининг эҳтиёжларинигина эмас, балки бошқа давлатлар эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси кўмир саноати. Ўзбекистон Республикаси 2 миллиард тонна қидириб топилган кўмир заҳираларига эга. Кўмир қазиб олиш ва етказиб бериш ишлари билан «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси шуғулланади. Ангрен конида қўнғир кўмир, Шарғун ва Бойсун конларида тошкўмир қазиб олинади. Кўмир конлари корхоналар томонидан турли усулларда ўзлаштирилаётир: очиқ усулда, ер ости ва ер остини газлаштириш усули билан (Ноу-Хау). Кўмир энергетика мақсадларида ва маиший ёқилғи сифатида ишлатилади. Кўмирни қайта ишлашдан чиққан чиқинди органик ва минерал ўғитларга айлантирилади.

Саноат ишлаб чиқаришини бошқаришда ҳам бир қатор умумфалсафий усулларни қўллаш мумкин. Саноатни бошқаришнинг сир-асрорларини илмий асосда ўрганиш, таҳлил қилиш мақсадида қуйидаги усуллардан ҳам кенг фойдаланилади:

1. Тизимли ёндашув
2. Комплекс ёндашув
3. Таркибий ёндашув
4. Вазиятли ёндашув
5. Интеграцион ёндашув
6. Моделлаштириш ёндашув
7. Иқтисодий математик ёндашув
8. Кузатиш усули
9. Тажриба усули

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармоийшлар чиқаради. Бу маҳкаманинг таркибий тузилиши 3-чизмада берилган.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг структураси.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболга эришишининг асосий тамойиллари ўз аксини топган.

Бозор иқтисодиётида Ўзбекистонда давлатни бошқариш тамойиллари

№	Тамойиллар	Изоҳ
1.	Демократия тамойили	- инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳамда уни амалга ошириш; - барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги; - давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги; - давлат ва нодавлат иқтисодиётидан сайловчилар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар.
2.	Иқтисодий муносабатларни демократиялаш тамойили	- монополлашган иқтисодиётдан эркин иқтисодиётга; - социалистик мусобоқадан эркин, соф рақобатга; - қатъий белгиланган нархлардан эркин нархларга; - давлатлашган мулкдан хилма-хил мулкчиликка асосланган иқтисодиётга ўтиш.
3.	Юксак маънавий тамойил	- мустақиллик тафаккурини кенгроқ тушуниш, - яъни: - Ўзбекистон давлатининг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуриш;

		- ўзининг ва ўз халқининг, ватаннинг қадру-қиммати, ор-номусини англаб, уни ҳимоя қилиш; - Юксак ғоялар, янги кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъдоди ва иқтидори, бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига бахшида этишдир.
4.	Миллий хафсизликни таъминлаш тамойили	- Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига кириш суръатларини тезлаштириш; - Турли халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари ишларида фаол иштирок этишни таъминлаш.

4.Жаҳон меҳнат бозорининг ривожланишига бир қанча – омиллар таъсир этади

а)Иқтисодий омиллар. Маълумки, жаҳон меҳнат бозоридаги вазият бошқа барча бозорлар каби талаб ва таклиф асосида аниқланади ҳамда бир қатор омиллар билан белгиланади. Ўзаро боғланган бу омиллар шартли равишда иқтисодий, демографик, сиёсий омилларга бўлиниб, булар орасида иқтисодий омиллар энг муҳими саналади, чунки қолган барча омиллар пировардида иқтисодий муаммоларга айланади ёки иқтисодий оқибатларга олиб келади. Чунончи, мамлакатдаги ишчи ўринларига нисбатан аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши.

Иқтисодий омиллар деганда ҳар бир давлат иқтисодий тизимининг мустаҳкамлиги, унинг ўсиш даражаси ва ривожланиш кўлами тушунилади. Дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий имкониятлар, меҳнат шароитлари ва иш ҳақи ўртасида юзага келган сезиларли фарқ ишчи кучларининг мамлакатлараро кўчиб юришига сабаб бўлувчи муҳим омил ҳисобланади. Масалан, АҚШ ва Мексикада даромадларнинг тахминан 10 бараварга фарқ қилиши мексикалик ишчилар АҚШга иш қидириб кўчиб ўтишларининг асосий сабаби ҳисобланади. Ўтган асрнинг 80 - йиллари бошида Европа Ҳамжамияти мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ҳажми Ҳамжамиятга аъзо бўлмаган мамлакатларникидан 4,7 марта ортиқ бўлган. Шундай қилиб, Ер юзида бой ва ривожланмаган мамлакатларнинг мавжудлиги халқаро меҳнат бозори амал қилишини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Жаҳон меҳнат бозорининг аҳволи у ёки бу давлатлар иқтисодий ривожланиш суръатларининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Жумладан, бундай боғлиқлик даврий пасайишлар ва кўтарилишлар пайтида, жаҳон бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифда бевосита акс этади ҳамда мамлакат қанчалик йирик бўлса, унинг таъсири ҳам шунчалик кучли бўлади. Масалан, 1991—1992 йилларда дунёнинг ривожланган мамлакатларида даврий пасайиш рўй берди. Натижада1992 йилнинг ўрталарига келиб, расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар сони 30 млн. нафардан ошиб кетди, ишсизлик даражаси 1974 йилдаги 5,2 фоиздан 6,0 фоизга кўтарилди. Бундай ҳолат, ўз навбатида, ривожланган мамлакатларда хорижий ишчи кучига бўлган талабнинг пасайишига олиб келди.

б) Демографик омиллар. Аҳолининг ўсиш суръати, аҳоли сонининг кўпайиши ёки қисқариши билан боғлиқ бўлган омиллар демографик омиллар саналади. Жумладан, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида аҳоли турмуш даражасининг бу мамлакатларнинг шундай ҳам оғир иқтисодий аҳволини янада мураккаблаштириб, ташқи миграцияга шарт-шароит яратади ҳамда уларни жаҳон бозорига аоосан ишчи кучи етказиб берувчи давлатларга айлантиради. Бошқача айтганда, ишчи кучининг асосий истеъмолчиси бўлиб, иқтисодий ўсиш суръати аҳолининг ўсиш суръатидан юқори бўлган мамлакатлар ҳисобланади. Масалан, ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИҲТТ) мамлакатларида иқтисодий фаол аҳоли йилига ўртача 0,8 фоиз кўпайди, ички миллий маҳсулот ҳажми эса 3 фоизга ошди. Ишчи кучи сонининг минтақалар, алоҳида мамлакатлар доирасида ўзгаришини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

Аҳолишунос мутахассисларнинг тахминларига кўра, Ер юзи аҳолисининг ўтган асрнинг сўнгги йилларида вужудга келган ўсиш тенденцияси XXI аср бошларида ҳам сақланиб қолади. Дунё аҳолиси 2025 йилгача 3,26 млрд кишига кўпайиши кутилмоқда. Бу асосан «учинчи дунё» мамлакатлари ҳисобига бўлади. Яъни, «учинчи дунё» мамлакатларининг Европа мамлакатларига ва АҚШ га «демографик тазйиқи» 2000 йилларнинг ўрталаригача сақланиб қолиши мумкин.

Жаҳон мамлакатларидаги меҳнат таклифи

Мамлакатлар	Меҳнат ресурслари, 1995й.			
	15-64 ёшдаги ишчилар, минг нафар		Ўртача йиллик ўсиш, фоиз	
	Эркак	Аёл	1965-1997	1995-2025
Жануби-Шарқий Осие				
Вьетнам	19299	16996	2,53	2,05
Индонезия	52766	24161	2,48	1,50
Хитой	406660	316623	2,60	0,41
Малайзия	5365	3004	3,49	2,01
Таиланд	16542	13084	2,66	0,63
Филиппин	17426	7644	2,85	1,91
Европа ва Марказий Осиё				
Озарбайжон	1670	1278	2,23	
Арманистон	387	754	2,71	
Беларусь	2671	2551	1,42	

Болгария	2225	2007	0,00	-0,07
Венгрия	2878	2398	0,34	-0,15
Грузия	1381	1179	1,13	
Қозоғистон	4192	3608	2,30	
Латвия	962	827	2,41	
Қирғизистон	660	631	0,62	0,02
Литва	953	888	0,87	0,20
Молдова	1081	1025	1,13	
Польша	10583	36613	0,88	0,34
Россия	39212	9081	1,04	
Руминия	6112	5373	0,43	0,42
Тожикистон	1082	792	2,70	
Туркманистон	816	663	2,95	
Туркия	17067	8856	2,36	1,65
Ўзбекистон	4240	3644	2,83	
Украина	13060	12496	0,66	
Эстония	394	372	0,76	
Лотин Америкаси				
Аргентина	8472	3442	1,25	1,28
Бразилия	41470	16551	2,90	1,31
Колумбия	8788	2553	2,72	1,52
Мексика	23132	8937	3,58	1,83
Венесуэла	5351	2154	3,73	1,75
Яқин Шарқ ва Шимолий Африка				
Жазоир	5926	676	3,06	3,32
Миср	14430	1687	2,70	2,35
Эрон	15765	3737	3,86	3,74
Марокаш	7100	1893	3,39	2,52
Сурия	2911	634	3,69	4,46
ИХТТ га аъзо мамлакатлар				
Буюк Британия	1729	10941	0,45	-0,04
Германия	24381	15493	0,52	-0,31
Испания	10741	3527	0,84	0,08
Италия	15653	7469	0,45	-0,41
Канада	8353	5607	2,24	0,65

АҚШ	73443	52242	1,70	0,44
Франция	15641	10721	0,95	-0,07
Япония	36799	23025	0,83	-0,35
Жанубий Осиё				
Бангладеш	31458	2723	2,57	2,75
Ҳиндистон	260802	83502	2,09	1,61
Покистон	34008	5344	3,29	3,21
Африка				
Зоир	9530	5128	2,45	3,54
Нигерия	26686	13993	2,73	3,19
Судан	6630	2045	2,87	3,42
Эфиопия	13425	7777	2,17	2,86
Жанубий Африка республикаси	9275	5250	2,56	2,40

в)Сиёсий омиллар. Ишчи кучи миграцияси сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслигига қандай таъсир қилади?


Айрим мамлакатлардаги сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслиги уларнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир этиб, мамлакат ишчи кучининг четга оқимини кескин кучайтиради. Масалан, сиёсий омил собиқ социалистик мамлакатларда рўй берган кенг кўламли аҳоли миграциясини аниқловчи сабаблардан бири бўлди. Агарда бу мамлакатларда аҳоли миграцияси ўтган асрнинг 90-йиллари бошларигача кўрилган қаттиқ чора - тадбирлар натижасида тўхтатиб турилган бўлса, ислоҳотлар бошланиши ва барча маъмурий тўсиқлар олиб ташланиши билан муҳожирлар оқими кескин ортди, оқибатда бу жараён жаҳон меҳнат бозоридаги вазиятга, айниқса, унинг Европа қисмига сезиларли таъсир кўрсатди. Дастлаб Югославия, сўнгра Венгрия, Польша йирик миқдорда ишчи кучини экспорт қилувчи давлатларга айландилар. Кейинги пайтда бу мамлакатларга собиқ иттифоқ республикалари ҳам қўшилдилар.

Мутахассисларнинг тахминларига кўра, яқин йиллар ичида собиқ иттифоқдан 250 мингга яқин киши, Ғарб мутахассисларининг ҳисоблари бўйича эса 500 мингга яқин киши Европа мамлакатларига ишлаш ва яшаш учун кўчиб кетиши мумкин. Шундай қилиб, иқтисодий, демографик ва сиёсий омилларнинг умум таъсири жаҳон меҳнат бозоридаги аҳволни, унинг миқёсини, таркибини ва ривожланиш суръатларини белгилаб беради**.**

5.Маркетинг тадқиқотлари ва унда ахборотлар тизими

Маркетинг ахборот тизими (МАТ) – инсонлар, техник воситалар ва амалга ошириш услубларидан ташкил топиб, муҳим ва тугри ахборотни

туплаш, тартибга солиш, таҳлил қилиш, узатиш натижасида маркетинг соҳасида қарор кабул килувчига самарали ёрдам кўрсатиш вазифасини бажаради. Маркетинг ахборот тизими ўзаро муштарак, богланган элументлар ва муносабатлар мажмуини ташкил этади.



Маркетинг ахбороти тизимининг умумий кўриниши

Маркетинг ахборот тизими маркетингли режалаштиришнинг такомиллаштириш, маркетинг тадбирларини амалга ошириш ва тадбирлар ижроси устидан назорат мақсадларида фойдаланиш юзасидан аниқ қарорлар кабул қилиш учун замонда ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва таркатиш юзасидан узлуксиз ва ўзаро боғлиқ кишилар, асбоб- ускуналар ва жараёнлар йиғиндисидир.

Маркетингни бошқариш ишини амалга оширишда бизнинг билимларимизни купайтирадиган маълумот ва ахборотларнинг барча турлари ахборотга киради. Булар янги машиналар, янги технологик жараёнлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, товарларни сотиш, рақобатдошлар, уларнинг ҳолати, келажаги ва хоказолар тўғрисидаги ахборотлардир. Ҳар бир корхона, ташкилот ёки маркетинг бўлими гуруҳлигидан қатъий назар ахборотнинг статистика, оператив режа – иқтисодий, бухгалтерия ахборотларини, молиявий ахборот, моддий техника таъминотига оид ахборот, кадрларга оид ахборот, технология, конструкторлик, справка каби турлари бўлади. Ахборотларни олиш манбаларига кура ички ва ташки ахборотга булиш мумкин.

Ахборотни туплаш ва ундан фойдаланиш жихатларига кура ахборот тизимини туртта куйи тизимга ажратиш мумкин. Булар жумласига: ташкилот ички ҳисобот тизими, маркетинг ташки хабарнома – ахборот тизим; қарор кабул қилишни кувватловчи тизим; маркетинг тадқиқоти тизими киради. Ушбу куйи тизимларнинг шаклланишида ахборотга бўлган эҳтиёж, зарурий шакллардаги ва талабдаги ахборотни такдим этиш тартиби ва муддати муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда Ф.Котлер таклиф этган маркетинг хусусида қарор кабул қилишни қувватловчи қуйи тизимнинг таркибий тузилишини келтирамиз.




Маркетинг хусусида қарор қабул қилишни қувватловчи қуйи тизимнинг таркибий тузилиши

Расмда акс эттирилган статистик таҳлилий услублар банки математик услублар билан бойитилиши ва тегишли ахборотни қайта ишлаш жараёнида мукаммаллашган моделга айланиши назарда тутилади. Моделлар банки таркиби Ушбу расмда умумий жихатдан келтирилган. Амалий фаолиятда улар кўлами жуда кенг булиб, ташкилотда маркетинг фаолиятининг ташкил этилиш даражаси, зарурати ва салохиятига караб куп ёки кам кулланилиши мумкин. Хозирги пайтда, куплаб маркетинг хизматларини таклиф этувчи фирмалар тайёр холдаги моделларни компьютер дастурлари сифатида


сотмокдалар. Шу жихатдан моделлар банки доимий кенгайиб бориш хусусиятига эга булиб бормокда.

Рақобатчилар алоҳида ўрганишни талаб қилади. Улар ўз навбатида, истак бўйича, сафдош товар бўйича, товар тури бўйича ва товар маркаси бўйича туркумланади.



3,2- расм. Ра=обатчиларни туркумлаш белгилари

Муаммони аниқ белгилаш, бу тадқиқотни тўғри ташкил этиш учун муҳим аҳамият касб этади. Муаммонинг мантиқан тўғри, содда ва мақсад сари йўналтирилганлигига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Акс ҳолда, нотўғри ифодаланган муаммо тадқиқотни мақсад сари йўналтирилмасликка, вазифаларни аниқ белгилай олмасликка, юқори ортиқча ҳаражатга олиб келади. Масалан, туристик саёҳат йўналишлари билан иш бошловчи А фирма олдида турган муаммолар қуйидагича бўлиши мумкин. Саёҳатчилар учун қандай саёҳат қилиш транспорти маъқул? Саёҳатчилар тегишли саёҳат йўналишлари ва шакллари бўйича қандай сарф харажатларини қоплашга қодирлар? +андай қилиб фирма саёҳатчилар кўлами ва йўналишларини ошириши ва самарали ташкил этиши мумкин ва бошқалар.



Маркетинг тадқиқотини ташкил этиш босқичлари

Тадқиқотларда кузатиш, эксперимент ва сўров услублари кенг қўлланилади. Лекин улар асосида ахборотни йиғиш воситалари қуроллари, танлов таркиби турлича бўлиши мумкин.

Маълумот манбалари	Маълумот йиғиш услублари	Тадқиқот қуроллари	Танлов таркиби режаси	Мулоқотдаги жамоа билан боғланиш

Бирламчи маълумот Иккиламчи маълумот -ички маълумотлар -ташқи маълумотлар	Кузатиш Сўров Эксперимент Гуруҳли бахс	Анкета Механиқ қуроллар	Танлов бирлиги Танлов хажми Танлов ўтказиш тартиби	Почта Телефон Шахсий учрашув

Маркетинг тадқиқоти учун ахборотларни йиғиш воситалари ва услублари

6.Бозор кенглиги тушунчаси ва уни ифодаловчи хусусиятлар

Маркетинг тадқиқоти ҳар бир ташкилот ва корхона учун амалдаги ва истакдаги бозорларда фаолият юритиш қай даражада кетишини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим. Шу жиҳатдан энг аввало бозор кенглиги, унинг ўзгаришига таъсир қўлувчи омилларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Булар ичида талаб ҳажмининг ўзгариши, сафдош ва тўлдирувчи товарлар таркибидаги силжишлар асосий ўринни эгаллайди. Хусусан талабнинг жорий миқдорини баҳолаш, келгусидаги унинг ўзгаришини сеза билиш ва башорат қилиш, бу ўринда бозорнинг кенглигини ифодаловчи муҳим белгилардир.

Бозор кенглиги ва талабни миқдорий баҳолаш, ўлчаш масаласига бир мунча кенг маънода ёндашиш лозим. Чунки бозор ва ундаги талабни бир-бирига боғлиқ бўлган уч ўлчамли кўламда тасаввур эта олиш керак. Миқёсий ўлчамда бозорни жаҳон, мамлакат, вилоят, шаҳар, аҳоли пункти кўламига ажратиш мумкин. Муддатли кўламда эса қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга бўлиш, барча учун маълум бўлган белгидир. Маҳсулот кўламида эса, уни барча маҳсулотлар бозорида, тармоқ, корхона асоортименти миқёсида, муайян маҳсулот тури, шакли, номи сифатида тасаввур эта олиш лозим.

Башорат қилиш учун қўлланиладиган *услублар* кўп бўлиб улардан, динамик қатор экстрополяцияси, динамик қатор интерполяцияси, эксперт баҳолаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, таркибий моделлаштириш ва бошқа иқтисодий-статистик услублар кенг қўлланилади.

Башорат қилишнинг экстрополяция услуби — бу ўтган даврда аниқланган қонуниятлар ва йўналишлар хусусиятларини аниқлаб, келгуси давр учун улардан фойдаланиш демакдир. Экстрополяция турли муддатларда вужудга келган силжишлар, ўзгаришларни динамик қаторнинг асосий белгиси сифатида ифодалайди.

Масалан, товарга бўлган талаб, таклиф ва нархлар—хусусида етарли даражада катта муддатда динамик қатор мавжуд бўлса, унда келгуси давр учун ушбу боғлиқликни "вақт хизмати" деб белгилаб давом эттириш мумкин.

+уйидаги расмда келтирилган вазиятни изоҳлаб ўтайлик. 5 йил давомида А товарга бўлган бозор талаби 1000 ва 1200 бирлик миқдорда


бўлсин. Бу ерда 0 нуқта жорий йил ҳисобини англатади. Келгуси 3 йил учун утган 5 йиллик маълумотлар асосида талабнинг ўсиш (ёки пасайиши) суръатлари белгиланади. Башорат бўйича расмдаги энг юқори ва қуйи чизиқларни турли вариантларда аниқланган бозор талабининг ўзгариши деб фараз қилайлик. У ҳолда ушбу эгри чизиқлар ўртасидаги фарқ башоратда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато эканлигини англатади.



7.Саноат ишлаб чиқаришининг айланма фондлари ва маблағларини иктисодий тизимга тасъири

Саноат соҳасида турли маҳсулотларни тайёрлаш жараёнида моддий ва молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжлар доимо ошиб боради. Саноат

корхоналарида асосий фондлар билан бир вақтда меҳнат буюмлари ҳам ҳаракатда бўлади. Шу сабабли уларни айланма фондлар деб айтилади.



Айланма фондлар – бу ишлаб чиқариш жараёнида бир марта қатнашиб, ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказиб, ўз шаклини ҳам ўзгартирадиган, бутунлай йўқотиб юборадиган меҳнат буюмларидир.

Айланма фондларга ишлаб чиқариш жамғармалари ва ишлаб чиқаришдаги маблағлар, тугулланмаган ишлаб чиқариш ва келгуси давр харажатлари киради.

Ишлаб чиқариш жамғармалари айланма фондларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу корхоналарга келтирилган, Лекин ишлаб чиқариш жараёнида ҳали фойдаланилмаган меҳнат бумлари, хусусан, хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи, асосий ва ёрдамчи материаллар, энергия, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, хўжалик жиҳозлари ва тез емирилувчи буюмлардан иборат.

Айланма фондларнинг яна бир қисмини тугалланмаган ишлаб чиқариш ташкил этади. Улар ишлаб чиқариш жараёнига аллақачон тушган, Лекин ишлов бериш тугамаган меҳнат буюмларидир. Буларга корхона ўзи яратган, Лекин чала тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришлар киради.

Айланма фондларнинг яна бир қисми келгуси давр харажатлари ҳисобланади. Уларга янги турдаги маҳсулотларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва ўзлаштириш, мутахассисларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, хоналарни ижарага олиш, тоғ-саноат корхоналарига тааллуқли харажатлардан

иборатдир. Бу харажатларнинг ҳаммаси тайёр маҳсулотнинг таннархига киритиш эвазига қопланади.

Айланма фондларнинг таркиби турли тармоқларда турлича бўлади. Масалан, умуман саноат бўйича ишлаб чиқариш жамғармаси 64% га яқин бўлса, электроэнергетика ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш соҳасида 56% ни, машинасозликда 54%, кўмир саноатида 33% ни ташкил этади. Айланма фондларнинг таркиби фақат тармоқларда эмас, корхоналарда ҳам бир биридан фарқ қилиши мумкин. Бу ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасига, жорий этилаётган технологиянинг усулига, йўлига, корхонани ихтисослаштириш даражасига, ишлаб чиқариш жараёнининг давомийлигига, ишлатиладиган материалларнинг таркибига боғлиқдир. Айланма фондларнинг таркибини иқтисодий таҳлил этиш ва уларнинг таркибига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг таъсир кучи натижаларини топиш, тармоқлар ва корхона тараққиётини белгилашга катта ёрдам беради. Айланма фондларнинг таркибини аниқлаш, фойдаланишни яхшилаш йўлларини белгилаш учун моддий балансlар тузилади. Бу балансlар ҳар бир тармоқ иккинчи тармоққа қандай буюмлар етказиб беришини тавсифлайди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг асосий бўғини бўлган корхона фаолиятининг самарадорлигини оширишда моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Моддий ресурслардан фойдаланишнинг жуда кўп йўллари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1. Моддий ресурслардан комплекс (ҳар тарафлама) фойдаланиш;
2. Чиқиндилардан ёки иккиламчи хомашё ва материаллардан фойдаланиш.

Хомашё ва бошқа айланма фондлардан фойдаланишни яхшилаш учун даставвал фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш керак. Эски техникани янги техника билан алмаштириш, айниқса, ҳозирги замонда ривожланган хорижий мамлакатлар технологиясини жорий этиш зарур. Бу борада ҳозирги пайтда республикада анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Россия, Олмония, АҚШ, Япония, Франция, Жанубий Корея, Туркия, Италия ва бошқа бир қатор давлатлар билан ҳамкорликда саноат корхоналари техник ва технологик жиҳатдан яхшиланмоқда. Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини компьютерлаштириш кучаймоқда. Баъзи бир машина-механизмлар модернизация қилинмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллашмоқда. Бу эса корхоналарда ишловчиларнинг малакасини ошишига таъсир кўрсатмоқда, оқибатда ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланаётган меҳнат буюми камаймоқда. Хомашё, ёқилғи, энергетика ресурслари, яъни айланма фондларнинг яхши ишлатилиши туфайли катта самара олиш борасида фақат техникавий омилларгина катта ўрин тутмасдан, ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳам етарли рол ўйнайди.

Айланма фондлардан самарали фойдаланишда хўжалик механизмининг аҳамияти катта. Хусусан, режалаштириш, баҳолаш, молиялаш, кредитлаш, хўжалик ҳисобини юритиш, бошқариш, моддий ва маънавий рағбатлантириш

каби хўжалик механизмининг элементлари ҳам таъсир кўрсатади. Айланма фондлардан оқилона фойдаланиш учун рақобатни жорий этиш керак. Рақобат эса маҳсулотни энг сифатли, энг арзон ва кўплаб ишлаб чиқариш воситасидир. Рақобат бўлиши учун бир хил маҳсулотни ишлаб чиқарадиган корхоналар сони кўп бўлиши керак.

Айланма фондлардан режавий фойдаланишни ташкил қилишда уларнинг айрим турларини маҳсулот бирлигига сарф этишни илмий асосда нормаллаштириш катта аҳамият касб этади. Бу ишни бажариш ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш, моддий техника таъминотини ташкил этиш, техника ва технологияни такомиллаштиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Барча нормалар илмий жиҳатдан асосланган ва ўзларининг хусусиятлари бўйича илғор давр талабига жавоб берадиган бўлишлар зарур.

Моддий ресурсларни сарфлаш нормалари турлича бўлиши мумкин:

1. Фойдаланиш муддатига нормалар, а) истиқболли; б) йиллик ва оператив нормалар.
2. Қўлланиш миқёси бўйича нормалар икки хил: шахсий нормалар ва расмийлашган нормалар бўлади.
3. Нормаллаштирилаётган маблағнинг деталлаштириш даражаси: тайёр маҳсулот ёки унинг айрим қисмлари бўйича ажратилиши мумкин.
4. Материалларни деталлаштириш бўйича йиғма нормалар, йириклашган нормалар бўлиши мумкин.
5. Моддий ресурсларни тўғри, оқилона сарфлашни нормаллаштириш учун уларнинг таркибини белгилаш катта аҳамиятга эга.

Нормалар таркибида қуйидагилар эътиборга олинади:

- маҳсулот бирлигига сарфланадиган фойдали хомашё ва материалларнинг миқдори.
- зарурий техник чиқинди ва бошқалар. Масалан, кийим тикиш жараёнида қийқимлар чиқади. Нормалар тажриба, лаборатория, техникавий, аналитик, ҳисоб, статистик усуллар билан тузилади. Бу усулларнинг энг муҳими биринчиси ҳисобланади.


Саноат корхоналарининг фаолияти асосий ва айланма фондлар ҳамда айланма маблағлар билан узвий боғлиқлиги алоҳида аҳамият касб этади. Муомаладаги ишлаб чиқариш фондларининг йиғиндиси айланма маблағларни ифодалайди. Айланма маблағлар 2 та фондни ўз ичига олади:

1. Айланма фондлар;
2. Муомала фондлари.

Айланма фондлар ўз навбатида ишлаб чиқариш жамғармаси, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари ва складлар (омбор)лардаги тайёр маҳсулотлардан иборат бўлади.


Муомала фондларига жўнатишга юкланган маҳсулотлар ва давлат банкидаги пул маблағлари киритилади.

Айланма маблағларнинг таркибини 6-чизмада кўриш мумкин:



Айланма маблағлар (саноат ишлаб чиқариши бўйича).

Айланма маблағлар доимо ҳаракатда бўлиб, пул ва ишлаб чиқарилган товар шаклида рўй бериши мумкин. У қуйидаги схема билан ифодаланади:



Бунда: П – корхонанинг пул шаклидаги маблағлари; ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун (Ив) ва иш ҳақи (Их), сўм ҳисобида.

Ич – ишлаб чиқариш воситаларининг унумли истеъмоли, сўм ҳисобида;

Т – ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилиниши натижасида ишлаб чиқарилган товарлар қиймати, сўм ҳисобида;

$П^1$ – ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш натижасида ҳосил бўлган пул, сўм ҳисобида.

Корхонанинг айланма маблағлари кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида муҳим рол ўйнайди. Чунки улар ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигига шароит яратиб берадилар. Айланма маблағлари камайиб кетган корхона (фирма)лар банкротликка юз тутадилар.

Ташкил этилиш усулига қараб айланма маблағлар нормаллаштириладиган ва нормаллаштирилмайдиган маблағларга бўлинади.

Нормаллаштириладиган айланма маблағлар корхонанинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун керак бўлган маблағларнинг минимал миқдоридир.

Айланма маблағларнинг айланиш даври 3 қисмдан иборат бўлади:

1. Маблағларнинг ишлаб чиқаришдаги жамғарма шакли;
2. Ишлаб чиқариш жараёнидаги шакли;
3. Тайёр маҳсулот ёки ҳисоб-китоб счётидаги шакли.

Нормаллаштиришнинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш жамғармаларини, тугулланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини, тайёр маҳсулот қолдиғини аниқлашдан иборат.

Нормаларга биноан, ишлаб чиқариш жамғармалари режалаштирилади. Уларнинг миқдори корхоналарда камроқ, Лекин ишлаб чиқариш жараёнига етарли бўлиши керак.

Ҳар бир корхона айланма маблағларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишни ва уларнинг айланишини тезлаштиришни таъминлаши керак. Фақат шундагина у самарали ишлаган бўлади. Айланма маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги уларнинг доиравий шаклда айланишининг тезлашишидир. Бунга эришилганда ортиқча маблағларнинг бўшашига ва улардан бошқа мақсадларда қўлланишига шароит яратиб берилади.

Айланма маблағларнинг айланиши турли кўрсаткичлар билан белгиланади. Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Ка = Мсм / Ай.қ,$$

Бунда: Мсм – сотилган маҳслуот миқдори, сўм ҳисобида;

Ай.қ. – айланма маблағларнинг ўртача йиллик қолдиғи, сўм ҳисобида.

Айлана маблағларнинг 1 та айланиш даврини қуйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$Ад = (А\ й.қ*360) / Мсм$$

Айланма маблағларнинг айланиш даврини ҳисоблашни осонлаштириш учун йилдаги кунлар сонини 360 кун, квартални 90 кун, ойликни 30 кун деб қабул қилинган.

8.Саноат маҳсулотининг сифати ва унинг рақобатбардошлиги: сифат кўрсаткичлари, сифатини бошқариш, сертификациялаштириш ва аттестация

Замонавий бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатига бошқача принципиал талаблар қўяди. Чунки ҳозирги замонда ҳар қандай фирманинг омон қолиши, унинг товарлар ва хизматлар бозоридаги мустахкам мавқеи рақобатбардошлик даражаси билан белгиланади. Ўз навбатида рақобатбардошлик икки кўрсаткич билан - баҳо ва маҳсулот сифатининг даражаси билан боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришни эркинлаштириш даврида иккинчи омил биринчи ўринга кўтарилмоқда. Чунки сифат корхонанинг обрўси ва янада гуллаши ҳамда сифатни бошқариш бўйича иш - бу барча ходимлар, раҳбардан тортиб

аниқ иш бажарувчи учун альфа ва омегаси, яъни аввали ва охиридир. Шу туфайли давлатнинг иқтисодий, шу жумладан, саноат сиёсатида сифат масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Маҳсулот сифатини ошириш - бу оқибат натижада унинг миқдори, ресурсларни тежаш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни тўлароқ қондириш масаласи ҳисобланади. Яъни, ҳар қандай маҳсулот энг юқори техникавий – иқтисодий ва эстетик ҳамда бошқа бир қатор талабларга мувофиқ келиши, жаҳон бозорида рақобат қилиш қобилиятига эга бўлиши керак. Агар сифат муаммоси ҳал этилмаса, ижтимоий ишлаб чиқариш ва аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжларини қондириб бўлмайди.

Маҳсулот (иш, хизмат) сифати - бу шу маҳсулотнинг ҳар томондан фойдаланишга мукаммал эканлигини белгиловчи хусусиятлар йиғиндисидир.

Маҳсулот сифати - бу шу маҳсулотдан маълум мақсадда фойдаланиш учун унинг яроқлилик даражаси, маҳсулотнинг халқ хўжалиги эҳтиёжларини, истеъмолчиларнинг талаб ва дидларини қондириш қобилиятидир.

Саноат маҳсулотининг сифати тармоқнинг, корхона(фирма)нинг фаолиятини режалаштиришда ва уни аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Унда меҳнатни ташкил қилиш, унинг жиҳозланиш даражаси, мутахассисларнинг малакаси, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ҳолати ифодаланади. Маҳсулот сифати иқтисодий жиҳатдан истеъмол қийматининг ўлчови ва фойдаланиш даражаси кўринишида намоён бўлади.

Маҳсулот сифати иқтисодий категория бўлиб, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг муносабатларини, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, режа топшириқларини бажариш ҳамда маҳсулотга баҳо белгилаш бўйича корхонанинг давлат билан муносабатларини ифода этади. Ундан ташқари, маҳсулот сифати сифатли маҳсулот учун моддий рағбатлантириш ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилгани учун моддий жавобгарликка тортиш бўйича корхоналар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди.

Маҳсулот сифати техника тараққиётининг суръатларини, меҳнат унумдорлигини ва шу орқали ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини таърифловчи иқтисодий категориядир. МАҲСУЛОТ сифатини мунтазам равишда яхшилаш иқтисодиётни ривожлантиришнинг зарур шарти, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, халқ фаровонлигини ўстиришни асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Маҳсулотнинг миқдори ва сифати ўзаро диалектик боғлиқдир. Юқори сифатли маҳсулот сифатсиз тайёрланган маҳсулотга нисбатан жамият эҳтиёжларини юқорироқ даражада қондиришга қодир. Демак, маҳсулот сифатини яхшилаш ишлаб чиқариш ҳажмини қўшимча харажатларсиз ошириш демакдир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва миқдорининг ўзаро боғлиқлиги маҳсулот сифатини ошириш, жамият эҳтиёжларини тўла қондиришга имкон беради, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчи кучлари ўсишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Сифатли маҳсулот доимо ўз харидорларига эга. Ҳозирги даврда мазкур талаб қондирилгандагина маҳсулотни дунё бозорига чиқариш мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида мамлакатга экспортдан келадиган валюта тушумини кўпайтириш орқали янги техника ва технологиялар сотиб олиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ва уни сотишга эришган корхона (фирма) эса ўз ишлаб чиқариш салоҳиятини янада юксалтириш имкониятига эга бўлади. Бундай субъектларнинг кўпайиши эса мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётининг тараққий этиши эса унинг аҳолисини даромадлари ва демак турмуш даражасининг ҳам юксалишига олиб келади. Натижада сифатли маҳсулот ва юқори даражада кўрсатилган хизматларга талаб кўпаяди. Яъни, сифатли маҳсулот (таклиф) ўзининг сифатли истеъмолчисини (талаб)ни яратади. Пировардида жамиятда янада юқорироқ даражада иқтисодий ўсиш таъминланади.

Саноат ишлаб чиқариши ўз маҳсулотларининг ғоят турли-туманлиги, яъни хилма-хиллиги билан тавсифланади. Бу маҳсулотлар табиий хусусиятларига кўра ҳар хил меъёр ва хилма-хил сифат кўрсаткичларига эга бўлади. Лекин, маълум саноат маҳсулотларининг муайян гуруҳи учун умумий кўрсаткичлар ишлатилиши, бошқа гуруҳи учун эса ўзига хос кўрсаткичлар қўлланилиши мумкин.

Маҳсулот сифатига ва унинг техникавий хусусиятларига баҳо бериш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизими қўлланилади:

Истеъмол қилиш хусусиятлари бўйича талабни қондириш кўрсаткичлари. Бундай кўрсаткичлар маҳсулотдан тайинли, белгиланган равишда фойдаланиш натижасида керакли (зарурий) самарани тавсифлайди. Ишлаб чиқариш - техник вазифани бажарувчи маҳсулот учун меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи хизмат қилиши мумкин. У баҳоланаётган маҳсулот ёрдами билан қандай ҳажмдаги маҳсулотни тайёрлаш ёки маълум давр ичида қандай ҳажмдаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиши мумкинлигини ифодалаб беради.

Мустаҳкамлик кўрсаткичлари - буюмларнинг бузилмаслиги, яхши сақланиши, таъмирлашга қулайлиги, шунингдек, чидамлилигидир. Машина ва ўлчов асбобларининг сифати уларнинг мустаҳкамлигига ва узоқ ишлаш қобилиятига қараб аниқланади. Ҳар бир буюмнинг мустаҳкамлиги мўлжалланган муддатда, ўз хизмат параметрларини ўзгартирмай, зиммасига юклатилган вазифаларни бошқариш хусусиятидир. Воситанинг, яъни қуролнинг ишлаш муддати - мўлжалланган вақтда, ўзининг ишлаш қобилиятини ўзгартирмаслик хусусиятидир.

Технологик кўрсаткичлар маҳсулотни тайёрлаш ва таъмирлаш жараёнида юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун конструктор-технологик ечимларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардир. Айнан техника ва технология ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг оммавийлиги, материал харажатларини, маблағлар, меҳнат ва вақтни оқилона тақсимлаш таъминланади.

Стандартлаштириш ва унификациялаш кўрсаткичлари - бу маҳсулотнинг стандартли, унификациялашган ва оригинал, яъни ажойиб, ажралмас қисмлар билан қондирилганлиги, тўйдирилганлиги, шунингдек, бошқа буюмларга нисбатан унификациялашганлик даражаси. Улар тракторни бошқариш учун керак бўлган кучлар, музлатгичда ручканинг жойлашиши, ҳарорат, намлик, ёруғлик, шовқин, вибрация, нурланиш, ёнувчи маҳсулотларда учар гази ва сув буғининг йиғилиши бўлиши мумкин.

Эргономик кўрсаткичлар инсоннинг буюм билан муносабатини ва бу буюмдан фойдаланишда рўй берадиган гигиеник, физиологик ва руҳий хусусиятлар мажмуини акс эттиради.

Эстетик кўрсаткичлар буюмларнинг бадиий-конструкторлик хусусиятларини ифодалайди. Улар буюмнинг товар қиёфаси жонлилигини, шаклининг маъқуллигини, композициянинг бутунлилигини, мукаммал бажарилганлилигини ва барқарорлигини тавсифлайдилар.

Транспортабеллик кўрсаткичлари маҳсулотнинг ташиш учун мослашганлигини ифодалайди.

Патент-ҳуқуқий кўрсаткичлар маҳсулотнинг патентли ҳимоясини ва патентли сархиллигини (асиллигини) тавсифлайди ва рақобатбордошлигини аниқлашда муҳим омил ҳисобланади. Патент-ҳуқуқий кўрсаткичларни аниқлашда буюмларда янги техник омиллар борлигини, шунингдек, мамлакатда патентлар билан ҳимояланган ечимларни ҳисобга олиш керак бўлади.

Экологик кўрсаткичлар - бу атроф-муҳитга хавфли таъсир кўрсатиш даражаси, қайсики маҳсулотни эксплуатация қилиш ёки истеъмол қилишда юзага келади. Масалан, зарарли қотишмаларнинг бўлиши, маҳсулотни сақлаш, ташиш ва истеъмол қилишда зарарли қисмлар, газлар ва нурларни чиқариш мумкинлиги.

Хавфсизлик кўрсаткичлари - харидор ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хавфсизлиги учун маҳсулот хусусиятларини тавсифлайди, яъни маҳсулотни монтаж қилиш, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлаш, ташиш, истеъмол қилишда хавфсизликни таъминлайдилар.

Юқорида қайд қилиб ўтилган кўрсаткичларнинг йиғиндиси маҳсулот сифатини ташкил этади. Буюм мустаҳкам (пишиқ), эстетик жиҳатдан кўзни қамаштирадиган, ўз вазифасини яхши бажарадиган бўлиши лозим. Лекин, шу барча кўрсаткичлардан ташқари, буюмнинг баҳоси ҳам муҳим. Чунки иқтисодий оптимал сифат масаласи баҳо билан чамбарчас боғлиқдир. Харидор буюм сотиб олганда буюм баҳоси у эга бўлган хоссалар тўпламини қоплашини билиш учун уларни доимо таққослайди.

Иқтисодий оптимал сифат деганда, сифат ва харажат нисбати ёки сифат бирлигининг баҳоси тушунилади ва у қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$К_{опт} = \frac{Б_с}{Х_\varepsilon},$$

бу ерда: Копт – иқтисодий оптимал сифат;

Бс - буюм сифати;

Хε - буюмни сотиб олиш ва эксплуатация қилиш харажатлари, сўм.

Формуланинг махражини аниқлаш мураккаб эмас, чунки у буюмнинг сотиш баҳосини, эксплуатация, таъмирлаш ва утилизация қилиш харажатларини ўз ичига олади. Формула суръатини аниқлаш эса қийинрок кечади, чунки буюмнинг сифати жуда кўп ва турли - туман кўрсаткичлардан иборат. Бу билан алоҳида фан - кваламетрия илми шуғулланади. У сифатни сон жиҳатдан, яъни бир сўмлик харажатга буюм сифати бирлигининг ўсишини баҳолашнинг етарли даражада маъқул усулини ишлаб чиққан.

Демак, ҳозирги замон ишлаб чиқариши шароитида маҳсулотнинг сифати - корхона (фирма) самарадорлигининг, рентабеллигининг муҳим ташкил этувчисидир, шу сабли унга доимо эътибор бермоқ зарур. Сифат билан барча - корхона директоридан тортиб, аниқ иш бажарувчигача шуғулланиши керак.

Сифатни таъминлаш, лойиҳалаш, сақлаш бўйича барча жараёнлар сифатни бошқариш тизимига бирлаштирилган.

Ҳар қандай ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва юксак даражага кўтариш учун уни бошқариш керак бўлади. «Бошқариш» иборасини маҳсулот сифатига оид қўллаганда, маҳсулот сифати ва унинг рақобатбардошлигини доимий назорат қилиш, унинг белгиловчи шартлар ва омилларини мақсадга мувофиқ таъсир қилдириш йўллари билан маҳсулот сифатини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва фойдаланишда унинг зарур даражада ўрнатилишини, таъминланишини ва сақланишини тушунмоқ керак.

Маҳсулотнинг сифатини бошқариш операциялари муҳандис-техник, ташкилий-технологик, назорат ва бошқа жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги мажмуасини ташкил этувчи тартиб доирасида олиб борилади.

Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни қуйидаги операциялардан иборат:

- маҳсулот сифати даражасини белгилаш;
- маҳсулот сифатига таъсир кўрсатувчи буюм ва уни ишлаб чиқариш жараёнининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва ўрганиш;
- маҳсулот сифатини бошқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва объектга таъсир кўрсатишга тайёрланиш;
- бошқарувга тегишли буйруқларни бериш;
- бошқариш натижасида маҳсулот сифатининг ўзгариши ҳақидаги ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш.

Маҳсулот сифатини бошқаришда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини узоқ муддатларга чамалаш;
- маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш ва башорат қилиш;
- маҳсулот сифатини аттестация қилиш;
- маҳсулот лойиҳасини чизиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- маҳсулот сифатини моддий-техника томондан таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш;

- маҳсулот сифатини ўлчашни ташкил этиш;
- мутахассисларни танлаш, жойлаштириш, ўқитиш ва тарбиялаш;
- сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш даражасини бир текисда олиб бориш;
- ишлаб чиқариш воситаларини сақлаш, таъмирлашни ташкил этиш;
- маҳсулот сифатини оширишни рағбатлантириш;
- маҳсулот сифатини назорат қилиш;
- стандартларга, ўлчаш воситаларига ва техник шартларга риоя қилиш;
- маҳсулот сифатини бошқариш ҳуқуқини таъминлаш.

Маҳсулотнинг хоссалари, технологик жараёнларнинг ихтисослаштириш хусусиятлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари ва усулларини ҳисобга олган ҳолда бажарилади.

Маҳсулот сифатини яхшилашга оид вазифалар ва тадбирлар тузилаётганда уларни амалга ошириш имкониятлари ва мақсадга мувофиқлиги техникавий-иқтисодий жиҳатдан асосланади.

Бунинг учун қуйидагилар асос қилиб олинади:

- ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига бўлган талаблар ва келгусида уни такомиллаштириш имкониятлари;
- маҳсулотнинг сифат даражасини баҳолаш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотда учраган нуқсонларни юзага чиқариш ва уларни таҳлил этиш;
- лабораториядан ўтказилган синов натижалари, истеъмолчилар томонидан юборилган норозилик ҳужжатлари, техникавий назорат ва маълумотлар;
- илғор корхоналарнинг маҳсулотлари билан таққослаш.

Маҳсулот сифатини яхшилашга оид тадбирлар мажмуасига қуйидагилар киради:

- маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган асосий тажриба ва лойиҳалаштириш ишлари ҳамда ташкилий-техникавий тадбирлар;
- ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштиришга оид тадбирлар;
- хомашё ва материаллар сифатини ошириш бўйича таъминловчиларга қўйиладиган талаблар;
- маҳсулот сифатини ошириш бўйича ўтказиладиган илмий-тадқиқот, тажриба ва лойиҳалаштириш бўйича илмий-текшириш, лойиҳалаштириш ташкилотларига бериладиган топшириқлар;
- техникавий ҳужжатларни яхшилаш тадбирлари;
- технологик интизомга риоя қилишни текшириш шароити, ишлаб чиқаришни ўлчов асбоблари билан таъминлаш, уларнинг аниқ ишлашини кузатиб туриш тадбирлари;
- стандартларни ўзлаштириш, уларга риоя қилиш, буюмларни унификациялаштириш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, нуқсонларнинг олдини олиш ва истеъмолчилар томонидан бўладиган норозиликларни камайтириш бўйича тадбирлар.

Ушбу ва бошқа бир қатор тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини тўла-тўкис таъминлаш учун уларнинг бажарилиш муддатлари, масъул кишилар, муайян харажатлар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги, рақобатбардошлиги ҳамда бошқа кўрсаткичлар аниқланади.

Маълумки, рақобат ва рақобатбардошлик ўртасида диалектик алоқадорлик мавжуд бўлиб, бири иккинчисидан келиб чиқади. Рақобат корхона (фирма)ларни рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга ва рақобатбардош хизматлар кўрсатишга ундайди.

Рақобатбардошлик нисбий ўлчов бўлиб, унинг хусусияти шундан иборатки, уни рақобат предмети (маҳсулот рақобатбардошлиги)га нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги деганда, истеъмолчининг аниқ эҳтиёжларини қондириш ва уни харид қилиш ҳамда кейинчалик ундан фойдаланиш учун сарфланадиган харажатлар даражалари бўйича уни, яъни маҳсулот бошқа шундай товарлардан ажралиб турадиган тавсифлар йиғиндиси тушунилади.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги - у бирор бир фирма томонидан ишлаб чиқарилган, рақобатчи фирмаларнинг худди шундай товарларига қараганда яхшироқ истеъмол хусусиятлари ва техник-иқтисодий параметрларига эга бўлган товарларнинг истеъмолчилар томонидан ажратиб олиниш «қобилияти»дир.

Рақобатбардошлик айнан бозорда кузатилади ва товарларнинг истеъмолчи эҳтиёжларига мувофиқ келиши солиштириб ва текшириб кўрилади. Ана шунда товарнинг рақобатбардошлиги реал харидни амалга ошираётган харидор учун жозибадорлик даражасини кўрсатади.

Маҳсулот сифати муаммосига тегишли масалалардан бири стандартлаштиришдир.

Стандартлаштириш - стандартларни белгилаш ва қўллаш жараёни. У нормал ижодий фаолият бўлиб, сифатнинг оптимал кўрсаткичларини, маҳсулотнинг параметрик қаторларини, назорат қилиш, синаш усуллари ва ҳоказоларни ишлаб чиқишни ва қатъий белгилашни ўз ичига олади.

Стандартлаштириш - бу маҳсулот сифатини бошқаришнинг ташкилий ва норматив асоси ҳисобланади. У барча нормаларни стандарт, инструкция, маҳсулотни асослаш учун керакли шартлар усули каби ҳужжатларда акс эттиради.

Стандартлаштиришнинг энг муҳим аҳамияти шундаки, у ишлаб чиқаришнинг ривожланиш суръати ва даражасига зарурий таъсир кўрсатади. Бунинг учун эса стандартлаш фан ва техника ҳамда амалий тажрибаларнинг охирги ютуқларига таянади.

Ўзбекистонда стандартлаштириш миллий иқтисодиётни бошқариш ва ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Стандарлашнинг асосий, энг муҳим вазифаси халқ хўжалиги, аҳоли, мамлакат мудофааси учун тайёрланадиган маҳсулотларга юқори талаблар белгиловчи норматив-техник

ҳужжатлар тизимини яратиш ҳамда ушбу ҳужжатдан тўғри фойдаланишни назорат қилишдан иборат.

Ҳаракатдаги, мавжуд стандартлаштириш тизими қуйидагиларни ишлаб чиқишга ва доимий фаол ҳолатда бўлишига имконият яратади:

- ягона техник тил;
- маҳсулотнинг муҳим техник тавсифининг унификациялашган қаторлари, яъни ўлчам айирмаси (қўйим ва тушиш, кучланиш, тез-тез қайталаниш ва бошқалар);
- умуммашинасозликда ишлатиладиган буюмларнинг типо-размер қаторлари ва намунали конструкциялари (подшипниклар, крепеж, кесувчи асбоблар ва бошқалар);
- техник-иқтисодий ахборотлар классификаторлари тизими;
- материаллар ва моддалар хоссалари тўғрисида аниқ маълумотлар берадиган далилларни.

Ўзбекистон стандартлаш тизими халқаро, регионал ва миллий тизимлар билан уйғунлашиши керак ва қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- сифат ва маҳсулот номенклатураси, хизмат ва жараёнлар, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича истеъмолчилар ва давлат манфаатларини;
- маҳсулотнинг мос келишининг ўзаро алмашуви, яъни бир-бирини алмаштира олишини;
- инсон ва моддий ресурсларни тежашга кўмаклашиш ҳамда ишлаб чиқаришни иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашни;
- ижтимоий-иқтисодий дастурлар ва йирик лойиҳаларнинг норматив-техник базасини яратишни;
- ишлаб чиқаришда ва савдода техник тўсиқларни бартараф этишни дунё бозорида маҳсулот рақобатбардошлигини, халқаро меҳнат тақсимотида самарали қатнашишини ва ҳ.к.ларни таъминлаши керак.

Стандартлаштириш бир қатор тамойилларга асосланади:

- тармоқланиш - бир хил умумий хусусиятга эга бўлган нарсалар, жараёнлар, муносабатлар, татбиқ этиш мумкин бўлган объектлар доирасини аниқлайди;
- вариантлилик - оқилона хилма-хиллик, ранг-баранглиқни яратиш - стандартлашган объектга кирувчи стандарт элементларнинг оқилона турлари минимумини таъминлайди;
- тизимлилик - стандартга тизим элементи сифатида қарайди;
- ўзаро алмашувчанлик - техникага мувофиқ турли вақт-маконнинг турли нуқталарида тайёрланган бир хил деталларни йиғиш ёки алмаштиришни назарда тутади.

Стандарт деганда нима тушунилади?

Стандарт инглизча «standard» сўзидан олинган бўлиб, норма, намуна, ўлчам маъносини билдиради. У бошқа объектларни таққослаш учун дастлабки объект деб қабул қилинган намуна, эталон, модель, стандартланадиган объектга қўйиладиган ва ваколатли идоралар томонидан тасдиқланган нормалар, қоидалар, талабларни белгиловчи норматив-техник

ҳужжат. Стандарт инсон фаолиятининг барча соҳасига, илм-фанга, техникага, саноат, қишлоқ хўжалигига, қурилишга, транспорт ва алоқага, таълим ва бошқа соҳаларга тааллуқлидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандартлаш тизими (ДСТ) шаклланди ва у Ўзбекистонда стандартлар тузиш, изохлаш ва тарқатиш жараёнларини тартибга келтирди.Бу борада Ўзбекистон Стандартлаштириш, метеорология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт») олиб бораётган кенг кўламли ишларни алоҳида эътироф этиш жоиз.

«Ўзстандарт» агентлиги бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотнинг сифат даражасини белгиловчи, кўрсаткичлар рақобатдошлигини таъминловчи, ишлаб чиқарувчиларга етарли миқдорда ахборотлар етказиб берувчи марказдир.

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан ишлаб чиқилган «Сифат менежменти ва маҳсулотларни синаш» тизими маҳсулот сифат кўрсаткичини баҳолаш билан бирга меъёрий ҳужжатлар асосида тўғри маълумотга эга бўлиш талабларини ўрнатади.

Ҳозирги кунда Давлат стандартлаш тизими (ДСТ) бешта асосий стандартларни ўз ичига олади:

1. Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш тизими. Асосий қоидалар;
2. Тармоқ стандартлари.
3. Техник шартларни келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби;
4. Корхонанинг стандартлари. Умумий қоидалар.
5. Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Халқаро стандартлаштиришнинг роли, аҳамияти беқиёс даражада кучайди. Чунки, халқаро стандартлаштириш илмий-техника ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга катта имконият яратади. Улар халқаро алоқаларни кенгайтиришга, мавжудларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Ҳозирги кунда жаҳонда 400 дан ортиқ Халқаро ва регионал (ҳудудий) ташкилотлар мавжуд (2000 йил). Стандартлаштириш соҳасида йирик халқаро ташкилотлар – БМТга қарашли Европа иқтисодий комиссияси (ЕЭКООН), стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот (ИСО) ишлаб турибди.

Маҳсулот сифати назарияси ва амалиётида маҳсулотни сертификатлаштириш масаласи муҳим ўрин тутади.


Маҳсулотни сертификатлаштириш, унинг аниқ белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш усулларидан бири ҳисобланади.

Маҳсулот ёки бажарилган ишнинг белгиланган талабларга мувофиқлигига оид фаолият учун тегишли ҳужжат берилади. Уни «сертификат» деб атайдилар.

Сертификат лотинча «certificatis» сўзидан олинган бўлиб, тасдиқланган деган маънони билдиради. Биринчидан, у бирор фактни тасдиқловчи ҳужжат (масалан, малака оширилганлиги тўғрисидаги ҳужжат); иккинчидан, махсус

облигациялар ва акцияларнинг номи; учинчидан, суғурта шартномасида унинг шартлари ёзиладиган ҳужжат; тўртинчидан, махсус идоралар (савдо палатаси, Давлат инспекцияси ва бошқалар) берадиган ва маҳсулот, товар, буюм, мол сифатини тасдиқлайдиган ҳужжат; бешинчидан, қишлоқ хўжалигида уруғлик навини ва сифатини тасдиқлайдиган ҳужжат. Сертификат бўлмаган тақдирда уруғлик (оддий) навсиз дон сифатида қабул қилинади.

Мувофиқлигини тасдиқлаш жараёнида бажариладиган операциялар, яъни ҳар бир айрим иш фаолиятларини қуйидаги чизмада кўриш мумкин:



Сертификатлаштириш.

Республикада сертификатлаш ишларини яхшилаш мақсадида 1993 йилнинг 28 декабрида Олий Мажлис томонидан «МАҲСУЛОТ ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Мазкур қонун сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини, шунингдек, мажбуриятлар ва жавобгарликларни белгилаб беради. Ушбу қонун 4 та боб ва 23 моддадан иборат бўлиб, уларда Умумий қоидалар, сертификатлаштириш фаолиятига доир умумий талаблар, маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш, низоларни қараб чиқиш, сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик масалалари баён этилган.

Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази «Ўздавстандарт», Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юклатилган.

3.Рақобат ва бозордаги омиллар

1.Бозор муносабатлари ва унинг тизимий категориялари

RESURSLARNING CHEKLANGANLIGI TANLOV ZARURIYATINI KELTIRIB CHIQARADI.

IQTISODIYOTNING BOSH MASALASI BO'LIB, ISHLAB CHIQARISH OMILLARINI TAQSIMLASHNING ENG SAMARALI VARIANTINI TANLASH HISOBLANADI. IQTISODIY TANLOVNI AMALGA OSHIRA BORIB, JAMIYAT YOKI ALOHIDA ISHLAB CHIQARUVCHI QUYIDAGI UCH SAVOLGA JAVOB IZLASHI LOZIM:

- **QAYSI** TOVAR VA XIZMATLAR VA QANDAY MIQDORDA ISHLAB CHIQARILISHI KERAK?
- BU TOVAR VA XIZMATLARNI **QANDAY** ISHLAB CHIQARISH LOZIM?
- TOVAR VA XIZMATLARNI **KIM UCHUN** ISHLAB CHIQARISH KERAK?

INSON MAHSULOT ISHLAB CHIQARA BORIB, TABIAT OB'EKTLARIGA TA'SIR KO'RSATADI VA ULARNI ISTE'MOL UCHUN YAROQLI SHAKLGA KELTIRADI.

ISHLAB CHIQARISH - TABIATDAGI MAVJUD NE'MATLARNI BEVOSITA ISTE'MOL ETISH YOKI ISHLAB CHIQARISHNING KEYINGI BOSQICHLARIDA FOYDALANISH UCHUN QAYTA ISHLASHDIR. ISHLAB CHIQARISHNING USHBU FUNKSIYASI UNING HAR QANDAY IJTIMOIY SHAKLIDA SAQLANIB QOLAVERADI.

AYNAN, JAMIYATDA TARKIB TOPGAN ISHLAB CHIQARISH USULLARI VA SHAKLLARI YIG'INDISI JAMIYATNING QAYSI IQTISODIY TIZIMGA MANSUBLIGINI KO'RSATIB BERADI. IQTISODIY HAYOTMIZDA QUYIDAGI IQTISODIY TIZIMLAR FARQLANADI:

- **AN'ANAVIY IQTISODIY TIZIM;**
- **REJALI IQTISODIYOT;**
- **BOZOR IQTISODIYOTI;**
- **ARALASH IQTISODIYOT.**

IQTISODIY RIVOJLANISH BUGUNGI KUNDA BOZOR IQTISODIY TIZIMI JAMIYAT IQTISODIY FAOLIYATINI TASHKIL ETISHNING ENG OQILONA YO'LI EKANLIGINI KO'RSATMOQDA.

IQTISODIY O'SISH – RESURSLAR TAKLIFINING O'SISHI VA TEXNIKA TARAQQIYOTI NATIJASIDA KATTA HAJMLARDA MAHSULOT ISHLAB CHIQARISH IMKONIYATINING VUJUDGA KELISHI BO'LIB, ISHLAB CHIQARISH IMKONIYATLARI EGRI CHIZIG'INING O'NG TOMONGA SILJISHIDA IFODALANADI.

BOZOR MUNOSABATLARI

MUOMALA SOHASIDAN TASHQARI BOZOR MUNOSABATLARI O'Z ICHIGA QUYIDAGILARNI HAM QAMRAB OLADI:

- **BOZOR ASOSIDA IKKI ISHTIROKCHI O'RTASIDA VUJUDGA KELADIGAN IJARA MUNOSABTLARI;**
- **IKKI MAHALLIY VA XORIJIY XO'JALIK YURITUVCHI O'RTASIDA VUJUDGA KELADIGAN AYRIBOSHLASH MUNOSABATLARI;**

- **MEHNAT BIRJALARI ORQALI ISHCHI KUCHINI YOLLASH VA UNDAN FOYDALANISH;**
- **KREDIT MUNOSABATLARI;**
- **BOZOR INFRATUZILMASINING AMALDA BO'LISH JARAYONI VA SHU KABILAR.**

BOZORNING MUHIM FUNKSIYALARI

BOZORNING MOHIYATI UNING FUNKSIONAL VAZIFALARIDA YAQQOLROQ NAMOYON BO'LADI. BOZORNING MUHIM FUNKSIYALARI SIFATIDA QUYIDAGILARNI KELTIRIB O'TISH MUMKIN:

- **TOVAR ISHLAB CHIQARISHNI TARTIBGA SOLISH FUNKSIYASI.** U TOVARGA TALABNING O'SISHIDA ISHLAB CHIQARUVCHILARNING MAHSULOT ISHLAB CHIQARISH O'LCHAMLARINI OSHIRISHLARIDA VA NARXNI KO'TARISHLARIDA, NATIJADA ESA ISHLAB CHIQARISH HAJMINING QISQARISHIDA IFODALANADI;
- **RAG'BATLANTIRISH FUNKSIYASI.** NARXLARNING PASAYISHI SHAROITIDA ISHLAB CHIQARUVCHILAR ISHLAB CHIQARISHNI QISQARTIRA BOSHLADILAR VA BIR PAYTNING O'ZIDA MEHNATNI TASHKIL ETISHNI TAKOMILLASHTIRISH, YANGI TEXNIKA VA TEXNOLOGIYANI JORIY ETISH ORQALI, ISHLAB CHIQARISH XARAJATLARINI QISQARTIRISH IMKONIYATLARINI IZLAY BOSHLAYDILAR;
- **ISHLAB CHIQARILGAN MAHSULOTNING IJTIMOIY AHAMIYATINI BELGILASH FUNKSIYASI.** USHBU FUNKSIYA ISHGLAB CHIQARISH TANQISLIGI KUZATILMAGAN HOLLARDA AMALDA BO'LADI (ISTE'MOLCHIDA TANLASH IMKONI MAVJUD BO'LSA, BOZORDA BIR NECHA ISHLAB CHIQARUVCHI FAOLIYAT KO'RSATSA VA ULAR O'RTASIDA MUSOBAQA MAVJUD BO'LSA);
- **MUVOFIQLASHTIRISH YOKI TARTIBGA SOLISH FUNKSIYASI.** BOZOR YORDAMIDA IQTISODIYOTDAGI ASOSIY MIKRO VA MAKROIQTISODIY NISBATLAR O'RNATILADI;
- **XO'JALIK FAOLIYATINI DEMOKRATLASHTIRISH FUNKSIYASI.** BOZOR MEXANIZMI VOSITASIDA IJTIOMIY ISHLAB CHIQARISH YASHOVCHAN BO'LMAGAN IQTISODIYOT ELEMENTLARIDAN XALOS ETILADI VA SHU ASOSDA TOVAR ISHLAB CHIQARUVCHI-LARNING TABAQALANISHI AMALGA OSHADI.

IQTISODIYOTINING MUHIM TASHKIL ETUVCHILARI

BOZOR IQTISODIYOTINING AMALDA BO'LISHI UMUMIYLIKDA BOZOR TIZMINI TASHKIL ETUVCHI UNING MA'LUM ELEMENTLARINING MAVJUD BO'LISHINI TAQOZO ETADI. BOZOR IQTISODIYOTINING MUHIM TASHKIL ETUVCHILARI BO'LIB QUYI-DAGILAR HISOBLANADI:

- **ISHLAB CHIQARUVCHI VA ISTE'MOLCHILARNING MAVJUDLIGI;**
- **IQTISODIY ALOHIDALASHUV YOKI XILMA XIL MULK SHAKLLARI, XUSUSAN XUSUSIY MULKCHILIKNING RIVOJLANGANLIGI;**
- **ERKIN NARX TIZIMINING AMALDA BO'LISHI;**
- **IQTISODIY MUNOSABATLARNING TALAB VA TAKLIF ASOSIDA TASHKIL ETILISHI;**
- **RAQOBAT KURASHINING MAVJUDLIGI;**
- **RIVOJLANGAN BOZOR INFRATUZILMASI.**

BOZOR TIZIMINING SAMRALI FAOLIYAT YURITISHI TRANSAKSION XARAJATLAR KO'LAMINING PASTLIGI BILAN IZOHLANADI. TRANSAKSION XARAJATLAR O'Z NAVBATIDA QUYIDAGILARNI O'Z ICHIGA QAMRAB OLADI:

- **AXBOROTLAR IZLASH BILAN BOG'LIQ XARAJATLAR;**
- **BITIMLAR TUZISH BILAN BOG'LIQ XARAJATLAR;**
- **TOVAR SIFATINI ANIQLASH, MA'LUM ME'YORLARNI O'RNATISH BILAN BOG'LIQ XARAJATLAR;**
- **HUQUQIY JIHATDAN HIMOYALANISH BILAN BOG'LIQ XARJATLAR;**
- **BOZORDA O'YLAMASDAN AMALGA OSHIRILGAN FAOLIYAT TUFAYLI YO'QOTISHLAR.**

DAVLAT BOZOR IQTISODIYOTINI TARTIBGA SOLA BORIB, ERKIN RAQOBATCHILIK MUHITI VA ERKIN NARX SHAKLLANISH ASOSLARIGA PUTUR ETKAZMASLIGI LOZIM.

BOZORNI ERKINLASHTIRISHNING TASHKIL ETUVCHILARI

TASHKIL ETUVCHILAR	MAZMUNI
NARXLARNI ERKINLASHTIRISH	TOVAR VA XIZMATLARGA NARXLARNING BOZOR QO-NUNLARI ASOSIDA TARKIB TOPISHINI TA'MINLASH. BOZOR SHAROITIDA NARXLARNING O'Z VAZIFALARINI BAJARISHINI TA'MINLASH.
KORXONALARGA XO'JALIK FAOLIYATIDA MUSTAQILLIK BERISH	BOZOR SHAROITIDA KORXONALAR MUSTAQIL TARZDA XO'JALIK QARORLARI QABUL QILADILAR VA BUNING UCHUN KORXONA MULKDORLARI VA BOZOR OLDIDA JAVOBGAR BO'LADILAR.
XUSUSIY SEKTOR RIVOJLANISHIGA CHEKLOVLARNI OLIB TASHLASH.	BOZOR IQTISODIYOTI XUSUSIY MULK MANFAATLARIGA ASOSLANISHINI HISOBGA OLIB, XUSUSIY TADBIRKORLIKNINGN QONUNGA ZID KELMAYDIGAN HAR QANDAY TURINI RIVOJLANTIRISH.
MOLIYAVIY OPERASIYALARNI RIVOJLANTIRISH	FOIZ STAVKALARINI ERKINLASHTIRISH, NODAVLAT MOLIYAVIY MUASSASALARINING VUJUDGA KELISHIGA KO'MAKLASHISH, ULARGA MOLIYAVIY OPERASIYALAR O'TKAZISHDA ERKINLIK BERISH.
TASHQI IQTISODIY FAOLIYATNI ERKIN-LASHTIRISH	EKSPORT VA IMPORT OPERASIYALARINI AMALGA OSHIRUVCHILARGA MUSTAQILLIK BERISH. VALYUTA OPE-RASIYALARINI ERKINLASHTIRISH. XALQARO MEHNAT TAQSIMOTI JARAYONLARIGA QO'SHILIB BORISH, MAHALLIY MAHSULOTLAR RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRIB BORISH, JAHON MOLIYA BOZORLARIDAN ICHKI INVESTISIYALARNI MOLIYALASHTIRISH UCHUN MABLAG'LAR JALB QILISH.

BOZOR MUNOSABATLARINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI XUSUSIYATLARI

BOZOR MUNOSABATLARINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHIGA MAMLAKATNING BIR QATOR O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI SHU JUMLADAN:

- **MAMLAKATNING GEOGRAFIK JOYLASHUVI;**
- **TABIIY RESURSLARNING MAVJUDLIGI;**
- **RIVOJLANISHNING TARIXIY SHART - SHAROITLARI;**
- **AHOLINING AN'ANALARI VA QADRIYATLARI;**
- **ISHLAB CHIQARISH KUCHLARINING RIVOJLANISH DARAJASI;**
- **JAMIYATNING IJTIMOIY YO'NALTIRILGANLIGI KABILAR BEVOSITA TA'SIR KO'RSATADI.**

2.Рақобатга асосланган бозорнинг моделлари

RAQOBAT SHUNDAY OMILKI, U:

-ISHLAB CHIQARUVCHILARNI ISHLAB CHIQARISH JARAYONIGA YANGI TEXNIKA VA TEXNOLOGIYALARNI JORIY ETISHGA UNDAYDI;

-TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRADI;

-ISH BILAN BAND XODIMLARNING MA'SULIYATINI VA ISH SIFATINI OSHIRADI;

-QATTIQ MEHNAT INTIZOMINI O'RNATADI;

-ICHKI BOZORLARNING TOVARLAR BILAN TA'MINLANISHIDA VA NARXLARNING ARZONLASHUVIDA MUHIM O'RIN TUTADI.

BOZOR TUZILMALARINING TURLI XILLARDA BO'LISHIGA QARAMAY TO'RTTA RAQOBATGA ASOSLANGAN BOZOR MODELLARI FARQLANADI:

1. SOF YOKI MUKAMMAL RAQOBATGA ASOSLANGAN BOZOR.

2. MONOPOLISTIK RAQOBATGA ASOSLANGAN BOZOR.

3. OLIGOPOLISTIK RAQOBATGA ASOSLANGAN BOZOR.

4. SOF MONOPOLISTIK RAQOBATGA ASOSLANGAN BOZOR.


BOZORNING ASOSIY TURLARI

XARIDORLAR	SOTUVCHILAR		
	KO'P	BIR NECHTA	BITTA
KO'P	POLIPOLIYA (MUKAMMAL RAQOBAT)	OLIGOPOLIYA (SOTUVCHILAR BIRNECHTA, XARIDORLAR KO'P)	MONOPOLIYA() SOTUVCHI BITTA, XARIDORLAR ESA KO'P
BIR NECHTA	OLIGOPSONIYA (XARIDOR BIR NECHTA, SOTUVCHI ESA KO'P)	BILATERAL' (IKKI TOMONLMA) OLIGOPOLIYA (XARIDORLAR HAM, SOTUVCHILAR HAM BIR NECHTA)	CHEKLANGAN MONOPOLIYA(SOTUVCHI BITTA, XARIDORLAR ESA BIR NECHTA)

BITTA	MONOPSONIYA (XARIDOR BITTA, SOTUVCHILAR ESA KO'P)	CHEKLANGAN MONOPSONIYA(BIR NECHTA SOTUVCHILAR VA BITTA XARIDOR)	BILATERAL' MONOPSONIYA (BITTA SOTUVCHI VA BITTA XARIDOR)

- **BOZOR ICHIDA RESURSLARNI SAFARBAR ETISH IMKONIYATLARINING MAVJUDLIGI;**
- **BOZORGA ERKIN KIRISH VA UNDAN CHIQIB KETISH;**
- **SOTUVCHILAR HATTI - HARAKATINING BIR - BIRIGA BOG'LIQ EMASLIGI;**
- **ISHLAB CHIQARILAYOTGAN MAHSULOTNING BIR TURLILIGI;**
- **SOTILAYOTGAN MAHSULOT HAJMI;**
- **NARXLAR TO'G'RISIDA MA'LUMOTLARGA EGA BO'LISH VA BU MA'LUMOTLARNING TO'LIQLIGI.**

BU HOLATNI QUYIDAGI CHIZMADA YAQQOL KO'RISH MUMKIN.



QM MR ISHLAB CHIQARISH HAJMI

RAQOBAT KURASHI

TURLI IQTISODIY TIZIMLARDA RAQOBAT KURASHINING TAVSIFLANISHI

REJALI IQTISODIYOTDA RAQOBAT-NING TAVSIFLANISHI	**BOZOR IQTISODIYOTIDA RAQOBATNING TAVSIFLANISHI**
* RAQOBAT "SOSIALISTIK MUSOBAQA" BILAN ALMASHTIRIB KELINDI. "RAQOBAT" SO'ZINI ISHLATISH TA'QIQLANAR EDI.	* **RAQOBAT RAG'BATLANTIRUVCHI VA IQTI-SODIYOTNI HARAKATLANTIRUVCHI KUCHDIR. SHU SABABLI U BOZOR IQTISODIYOTI MEXANIZMIDA ASOSIY O'RIN OLADI.**

*MUSOBAQA KIM O'ZISH, KIM YAXSHI NATIJALARGA ERISHISH UCHUN BO'LGAN QALBAKI BELLASHUV EDI. SIFAT UCHUN EMAS, "SON" UCHUN HARAKAT QILINAR EDI.	***RAQOBAT REJLASHTIRILMAYDI VA QATTIQ NAZORAT OSTIGA OLINMAYDI. RAQOBAT-CHILIKNI BOZORDAGI:** **- TALAB VA TAKLIF;** **NARX;** **OLIGOPOLIYA VA MONOPOLLASHUV DARAJASI;** **DAVLATNING ANTIMONOPOL SIYO-SATI BELGILAYDI**
*SOSIALISTIK MUSOBAQADAGI MAJBURIY SAFARBARLIK USULI: TASHABBUSKORLIK USULINI SO'NDIRAR EDI; SIFATNI YAXSHILASH, ISHLAB CHIQARISH SARFLARINI PASAYTIRISH IMKONINI BERMAS EDI; SOSIALISTIK MUSOBAQA KO'PINCHA MIQDORIY KO'RSATKICHLARGA QARAB BAJARILAR EDI.	**RAQOBATDA MAJBURIY SAFARBARLIK BO'LMAYDI, BU ERDA HALOL VA ERKIN IQTISODIY RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH EVAZIGA ISHLAB CHIQARUVCHI VA SOTUVCHILAR USTIDAN XARIDORLARNING HUKMRONLIGI O'RNATILADI.**

MONOPOLISTIK FAOLIYAT

MONOPOLISTIK FAOLIYAT NATIJASIDA ISHLAB CHIQARISHNING YIRIKLASHUVI VA BITTA ISHLAB CHIQARUVCHI QO'LIDA TO'PLANISHI BIR QATOR SALBIY OQIBATLARNI KELTIRIB CHIQARADI. JUMLADAN, MONOPOLIYALARNING MAVJUD BO'LISHI:

- **BOZORDAGI TAKLIF MIQDORIGA TA'SIR O'TKAZISH IMKONIYATINING MAVJUDLIGI;**
- **SUN'IY TARZDA NARX BELGILASH ORQALI BOZOR MUVOZANATINI IZDAN CHIQARISH;**
- **BOZORGA BOSHQA ISHLAB CHIQARUVCHILARNING KIRIB KELISHIGA YO'L QO'YMASLIK KABI OQIBATLARNI KELTIRIB CHIQARADI.**

AMALIYOTDA MONOPOLISTIK FAOLIYAT YURITISHNING BIR QATOR KENG TARQALGAN KARTEL', KONSERN, SINDIKAT KABI SHAKLLARI MAVJUD:

KARTEL' - ISHLAB CHIQARISHNING BIR TARMOG'IGA ASOSLANGAN KORXONALAR BIRLASHMASINI IFODA ETADI. KARTELGA A'ZO BO'LGAN KORXONALAR MUSTAQIL ISH YURITADILAR, ISHLAB CHIQARISH XARAJATLARI VA ISHLAB CHIQARILGAN MAHSULOTGA HAM EGALIK QILADILAR. LEKIN, BIRLASHMAGA A'ZO BO'LGAN KORXONALAR MONOPOL FOYDA OLISH UCHUN, MAHSULOT ISHLAB CHIQARISH, SOTISH BAHOLARI TO'G'RISIDA KELISHIB OLADILAR.

SINDIKAT BIRLASHMASIDAGI KORXONALAR TIJORAT SOHASIDA O'ZARO KELISHADILAR, GARCHAN ISHLAB CHIQARISHNI MUSTAQIL YURITSALARDA, QOLGAN SOHALARDA BUYURTMALARNI TAQSIMLASH, XOM-ASHYO SOTIB OLISH ISHLAB

CHIQARILGAN MAHSULOTLARNI SOTISH TIJORAT BITIMLARIGA MUVOFIQ AMALGA OSHIRILADI.

TREST - BUNDAY BIRLASHMAGA A'ZO BO'LGAN KORXONALAR O'Z FAOLIYATLARINI TO'LIQ TREST IDORALARI ORQALI YURITADILAR.

KONSERN - KO'P TARMOQLI KORXONALAR FAOLIYATINING MONOPOL-LASHUVINI IFODA ETADI.

MONOPOLISTIK FAOLIYAT YURITISHNING YANA BIR SHAKLI **KOMBINAT** BO'LIB, BU BIR TURDAGI ISHLAB CHIQARISH TARMOQLARIGA OID BO'LGAN KORXONALAR BIRLASHMASIDIR. KOMBINATLAR ASOSAN BIR TARMOQQA OID BO'LGAN ISHLAB CHIQARISH KORXONALARI BIRLASHISHIDA IFODALANADI VA KOMBINAT FAOLIYAT-INING KENGAYISHI **GORIZONTAL** YO'NALISHDA AMALGA OSHADI. AYNI PAYTDA KOMBINAT MIQYOSIDA **VERTIKAL** RAVISHDA HAM INTEGRASIYA AMALGA OSHIRILADI. BU DIVERSIFIKASIYA JARAYONINING BIR QISMI BO'LIB, ILGARI KOMBINAT BIR MAHSULOT TURINI ISHLAB CHIQARISHGA IXTISOSLASHGAN BO'LSADA, KEYINGI DAVRLARDA UNING BOSHQA ISHLAB CHIQARISH TARMOQLARI VA XIZMAT KO'RSATISH SOHALARIGA KIRIB BORISHIDA IFODALANADI.

RAQOBAT KUCHI

INGLIZ IQTISODCHISI M. E. PORTERNING TADQIQOTLARIGA KO'RA, MA'LUM BOZORDAGI RAQOBAT HOLATINI QUYIDAGI BESHTA RAQOBAT KUCHI BILAN TAVSIFLASH MUMKIN:

1. **RAQOBATLASHAYOTGAN SOTUVCHILAR O'RTASIDAGI MUSOBAQALASHUV.**
2. **NARX NUQTAI NAZARIDAN RAQOBATBARDOSH VA O'RIN BOSAR BO'LGAN TOVARLAR O'RTASIDAGI RAQOBAT.**
3. **YANGI RAQIBLARNING PAYDO BO'LISH XAVFI.**
4. **BOZORGA TOVAR VA XIZMATLARNI ETKAZIB BERUVCHILARNING IQTISODIY SALOHIYATI VA SAVDO IMKONIYATLARI.**
5. **XARIDORLARNING IQTISODIY SALOHIYATI VA SAVDO IMKONIYATLARI.**

- YUQORIDA TA'KIDLAB O'TGANIMIZDEK, RAQOBAT - BU, QULAY XO'JALIK YURITISH SHAROITLARIGA EGA BO'LISH, YUQORI FOYDA OLISH UCHUN TOVAR VA XIZMATLAR ISHLAB CHIQARUVCHILAR O'RTASIDAGI IQTISODIY KURASHDIR.

RAQOBATNI TAHLIL ETAR EKANMIZ, QUYIDA BAYON ETILUVCHI TO'RT ASOSIY ME'ZONGA MUVOFIQ RAQOBATNING QUYIDAGI TURLARI FARQLANADI:

1. **SOTUVCHINING HATTI - HARAKATI TAVSIFIGA BOG'LIQ TARZDA:**

A) SIYOSIY TAVSIFDAGI RAQOBAT;

B) OLIGOPOLISTIK RAQOBAT FARQLANADI.

2. **TOVARNING TABAQALANGANLIK DARAJASIGA MUVOFIQ:**

A) BIR TURLI RAQOBAT;

B) GOMOGEN VA KO'P TURLI RAQOBAT (TOVARNING TABAQALASHUVISIZ);

S) GETEROGEN RAQOBAT FARQLANADI.

3. **TARMOQQA KIRIB BORISH ERKINLIGI DARAJASI JIHATIDAN:**

A) OCHIQ RAQOBAT;

B) YOPIQ RAQOBAT FARQLANADI.

4. **QO'LLANILUVCHI HARAKATLARGA BOG'LIQ TARZDA:**


A) NARX BO'YICHA RAQOBAT;

B) G’AYRINARXIY RAQOBAT FARQLANADI.

3.Ишлаб чиқариш омиллари ва меҳнат бозори

Mukammal raqobat sharoitida ishlab chiqarish omillariga narxning shakllanishi

Daromad va xarajatlarning iqtisodiy aylanmasi



Ishlab chiqarish xarajatlarini tasniflash

Tasniflash belgilari	Xarajatlarning bo’linishi
Iqtisodiy elementlar	Sarflarning iqtisodiy elementlari
Tannarx moddalari	Tannarx, kal’kulyasiya moddalari
Texnologik jarayonga aloqadorligi	Asosiy, qo’shimcha
Tarkib	Bir elementli, kompleks
Mahsulot tannarxiga kiritish	To’g’ri, egri
Ishlab chiqarish jarayonidagi o’rni	Ishlab chiqarish, noishlab chiqarish
Sarf qilishning maqsadga muvofiqligi	Unumli, unumsiz
Rejalashtirish imkoniyati	Rejalashtiriluvchi, rejalashtirilmaydigan
Ishlab chiqarish hajmiga nisabati	Doimiy, o’zgaruvchan
Vujudga kelish davriyligi	Joriy, bir martalik
Tayyor mahsulotga nisbati	Tugallanmagan ishlab chiqarishga sarflar, tayyor mahsulotga sarflar

MEHNAT UNUMDORLIGINING O'SISHIIDAGI SHARTLAR

MEHNAT UNUMDORLIGINING O'SISHI QUYIDAGI SHARTLARNING MAVJUD BO'LISHIDA AMALGA OSHADI:

- **MAHSULOT ISHLAB CHIQARISH O'SADI, SARFLAR KAMAYADI;**
- **MAHSULOT ISHLAB CHIQARISH O'SADI, SARFLAR O'ZGARISHSIZ QOLADI;**
- **MAHSULOT ISHLAB CHIQARISH O'SADI, SARFLAR ESA PAST SUR'ATLAR BILAN O'SADI;**
- **MAHSULOT ISHLAB CHIQARISH O'ZGARISHSIZ QOLADI, SARFLAR ESA QISQARADI;**
- **MAHSULOT ISHLAB CHIQARISHGA NISBATAN SARFLAR TEZ SUR'ATLAR BILAN QISQARA BOSHLAYDI.**

ER NARXINI QUYIDAGI HISOBLASHLAR ASOSIDA ANIQLASHIMIZ MUMKIN BO'LADI:

$$E_N = \frac{R}{F} \times 100\%$$

EN - ER NARXI; R - ER RENTASI F - FOIZ STAVKASI.

MEHNAT BOZORI VA UNING NORMAL FAOLIYAT KO'RSATISHI QUYIDAGI OMILLARGA BOG'LIQ:

- **AHOLI SONI, YOSHI VA JINSIY TARKIBI;**
- **ISH BILAN BANDLIKDAGI HUDUDIY VA TARMOQ O'ZGARISHLARI;**
- **QO'SHIMCHA ISHCHI KUCHINI ISHLAB CHIQARISHGA JALB ETISH MEXANIZMI;**
- **ISHLAB CHIQARISH HAJMI, UNING O'SISH SUR'ATI, ISHLAB CHIQARISH TARKIBI;**
- **ISHLAB CHIQARISH KUCHLARINING HUDUDIY JOYLASHUVI;**
- **MEHNAT RESURSLARINI BOSHQARISHNING ZAMONAVIY USULLARI VA BOSHQALAR.**


MEHNAT BOZORINING TARKIBINI QUYIDAGILAR TASHKIL ETADI:

- **MEHNATGA TALAB;**
- **MEHNAT TAKLIFI;**
- **ISHCHI KUCHI NARXI YOKI ISH HAQI;**
- **ISHCHI KUCHI QIYMATI;**
- **RAQOBAT.**

5.МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАШ ТИЗИМИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

MILLIY HISOBLAR TIZIMI

MILLIY HISOBLAR TIZIMI TO'G'RISIDA UMUMIY TUSHUNCHAGA EGA BO'LISH UCHUN QUYIDAGI CHIZMAGA MUROJAAT ETAMIZ:



QUYIDAGI JADVALDA YaMMNI O'LCHASHNING IKKI USULI O'Z IFODASINI TOPGAN:

№	**YaMMNI TOVAR VA XIZMATLAR SOTIB OLISHGA MO'LJALLANGAN BARCHA XARAJATLAR BO'YICHA O'LCHASH**	SHARTLI BELGILAR	MIQDOR
1.	UY XO'JALIKLARINING ISTE'MOL XARAJATLARI	**C**	
2.	BIZNESGA INVESTISIYA XARAJATLARI YOKI YALPI XUSUSIY ICHKI INVESTISIYALAR	**I**	
3.	TOVAR VA XIZMATLAR BO'YICHA DAVALT XARIDI	**G**	
4.	SOF EKSPORT	**XP**	
	JAMI: **YAMM** K **C +I + G + XP**	**Y**	
	YAMMNI BARCHA DAROMADLAR BO'YICHA O'LCHASH		
1.	ISTE'MOL QILINGAN KAPITAL HAJMI	A	
2.	BIZNESGA EGRI SOLIQLAR	T	
3.	YOLLANMA ISHCHILARNING ISH HAQLARI	**W**	

4.	IJARA HAQI	**R1**	
5.	FOIZ STAVKASI	**R**	
6.	YAKKA QO'YILMALARDAN DAROMADLAR	**P**	
7.	KORPORASIYALAR FOYDASIGA SOLIQLAR	**TR**	
8.	DIVIDENDLAR	**P1**	
9.	TAQSIMLANMAGAN FOYDA	**P2**	
	JAMI: YAMM Қ A+T+**W+R1+R+P+TR+P1+P2**	**Y**	


Iqtisodiy o'sish

Iqtisodiy o'sish ikki usul bilan o'lchanadi:

1. Real YaMM hajmining ma'lum muddat davomida o'sishi.
2. YaMM hajmining aholi jonboshiga nisbatan o'sishi.

Iqtisodiy o'sish omillarini uch guruhga bo'lish mumkin:

1. Taklif omillari – tabiiy resurslar, mehnat resurslari, asosiy kapital hajmi, texnologiya.
2. Talab omillari – umumiy xarajatlar darajasi.
3. Taqsimlash omillari – resurslardan samarali foydalanish.



Iqtisodiy o'sishning "ishlab chiqarish samaradorligi" o'z ichiga quyidagilarni qamrab oladi:

- tovar va xizmatlar sifatining yaxshilanishi, mahalliy va jahon bozorlarida tovar va xizmatlar raqobatbardoshligining o'sishi;
- ilgari qondirilmagan ehtiyojlarni qondirish imkonini beruvchi Yangi tovarlarni ishlab chiqarishni o'zlashtirish;
- xalqaro mehnat taqsimoti tizimida mamlakatning hududiy ustivorliklarini

hisobga olgan holda, ishlab chiqarish ixtisoslashuvi va mujassamlashuvining kuchayishi;


- boshqaruv faoliyatining takomillashuvi;
- sarflarni qisqartirish imkonini beruvchi yangi texnologiyalarni o’zlashtirish.

"Iqtisodiy o’sishning sifati" quyidagilardan tashkil topadi:

- aholi moddiy farovonligining yaxshilanishi;
- shaxsning barkamol rivojlanishi asosi sifatida bo’sh vaqtning ko’payishi;
- ijtimoiy infratuzilmaning rivojlanishi;
- inson kapitaliga investisiyalarning o’sishi;
- inson hayot faoliyati xavfsizligining ta’minlanishi;
- mehnatga qobiliyatsiz va ishsizlarning ijtimoiy himoyalanganligi;
- to’la bandlikni qo’llab quvvatlash.

4.Маркетингда ички ва ташқи омиллар


Бошқа томондан, тегишли корхона маҳсулоти ёки хизматини истеъмол қилишни ҳоҳлаган харидор уни бир оз кечиктиришга ёки арзон турига алмаштиришга ҳаракат қилади. Ваҳоланки, ушбу корхона ўз маҳсулот ва хизматлар кўламини баҳолаган ва ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш учун етарли тадбирларни режалаштирган бўлиши мумкин. Бу ҳолатдан ташқи муҳитдаги ўзгаришларни инобатга олиш, фавқулодда ҳолатлар вужудга келиш шароитига мослашиш тадбирларини ҳам назарда тутиши керак.



3.1- расм. Ташкилот микромущитида таъсир этувчи кучлар


Фуқаролик жамоалари жумласига истеъмолчилар ҳимояси жамиятлари, турли йўналишларда тузилган ҳаракатлар, фондлар ҳамда кам сонли миллат

вакиллари ҳимояси ва ҳоказолар киради. Бу жамоа ташкилот билан бандлик, иш ўринларини ташкил этиш, товарларни синаш ва бошқа бир қатор йўналишдаги соҳаларда мулоқотда бўлади.



3,3- расм. Таш=и мущит омиллари


Истеъмол товарларини харид қилиш турли харидорлар гуруҳи бўйича турлича хусусиятларга эга. Бу одатда харидорнинг тайинли товарга муносабати, харид иштиёқи ва атвори (талаби)га кўп жиҳатдан боглиқ бўлади.



Харидор хулқ-атворининг кенгайтирилган модели

Ф.Котлер харидорлик хулқ-атворининг умумий моделини қуйидагича талқин қилади.

Харидор хулқ-атворининг шаклланишида бошланғич таъсирни маданийлик даражаси ва уни ташкил этувчи хусусиятлар белгилайди. Маданият-инсоннинг маънавий етуклигини, эҳтиёжлари ва атворининг вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга. Лекин маданият туб маънода, ирқий ва миллий маданият билан бирлашган тарзда учрайди. Фараз қилайлик, ёшларнинг индивидуаллиги, фаоллиги, эркинлиги ва юқори мартабага бўлган интилиши, ялпи маданий жиҳатга эга бўлса, миллий ва ирқий таалуқлилик, тарихий кўникма, барча миллат ёшларида узгача хусусиятларга эга.



Харидорлик атворига таъсир этувчи омиллар кўлами

4.Инновацион маркетинг

1.Истеъмол секторида инновацион ўзгаришлар

Истеъмол сектори жуда мураккаб ва таркиби бўйича рангба-ранг бўлиб, жамият ва шахс эҳтиёжлари серқирралигини акс эттиради – иқтисодиёт эса айнан шу эҳтиёжларни қондириш учун яратилган.

Истеъмол сектори таркибини бир неча хил турда таснифлаш мумкин.

Биринчидан, қондириши лозим бўлган эҳтиёжлар таркиби бўйича:

- *озиқ-овқат эҳтиёжи* - қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати ва аҳолининг шахсий хўжаликларида ишлаб чиқарилувчи турли озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж;

- *ноозиқ-овқат товарларга эҳтиёж* – кийим-кечак, оёқ кийими, мебель, маиший техника, алоқа ва транспорт воситалари, санъат асарлари, медикаментлар ва ҳоказоларга эҳтиёж;
- *ҳаётни таъминлаш хизматларига эҳтиёж* – тиббий, уй-жой-коммунал, маиший, транспорт, суғурта ва бошқа хизматларга эҳтиёж;
- *ижтимоий-маданий хизматларга эҳтиёж* - таълим, маданият, ахборот ва диний хизматларга эҳтиёж;
- *ҳуқуқий, маслаҳат ва бошқа хизматларга эҳтиёж*.

Иккинчидан, аҳоли эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи тармоқлар таркиби бўйича:

- қишлоқ хўжалиги (жумладан, аҳолининг шахсий хўжаликлари);
- озиқ-овқат саноати;
- енгил саноат;
- тибибёт ва доришунослик саноати;
- маиший техника ва шахсий транспорт воситалари ишлаб чиқарувчи машинасозлик тармоқлари;
- кимё, нефтехимия ва нефни қайта ишлаш тармоқлари;
- қурилиш материаллари ва мебель саноати;
- аҳоли учун уй-жой, дала ҳовлилар, гаражлар қуришни амалга оширувчи қурилиш;
- турли хил йўловчилар транспорти;
- аҳолига хизмат кўрсатувчи алоқа ва телекоммуникация тизимлари;
- халқ истеъмол товарлари савдоси;
- аҳоли учун уй-жой-коммунал хўжалиги;
- турли хилдаги маиший хизматлар;
- тиббиёт ва соғлиқни сақлаш;
- таълим муассасалари;
- маданият муассасалари;
- туризм.

Учинчидан, мулкчилик шакли бўйича истеъмол сектори турли иқтисодий укладларни қамраб олади:

- *давлат мулки* – аҳоли учун пуллик хизмат ва товар ишлаб чиқарувчи ҳамда бепул хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар;
- *йирик капиталистик мулк* – ёлланма ишчи кучидан фойдаланиш асосида истеъмол бозорига ишловчи хусусий ва аралаш корхона лар;
- *майда товар мулки* – асосан ўз меҳнати ва кам сонли ёлланма ходимлар меҳнатига асосланиб аҳоли учун пуллик хизмат ва товарлар ишлаб чиқарувчи майда корхоналар, фермерлар, ҳунармандлар;
- *натурал* – моддий қадриятлар ва хизматлар асосан оила истеъмоли учун ишлаб чиқарилувчи ва одатда товар шаклини олмайдиган уй хўжаликлари;
- *жамият мулки* – фаолият тури ҳар хил бўлган нотижорат ташкилотлари.

Ва ниҳоят, аҳсулотни сотиш шакллари бўйича истеъмол сектори учга бўлинади:

- *бозор сектори* - унда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар товар шаклини олиб, пуллик хизмат ва товарлар бозорида сотилади;
- *нобозор сектори* - унда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар товар шаклини олмайди ва эквивалент айирбошлашсиз сотилади (шахсий ва у хўжалиги, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги асосий хизмат турлари);
- *аралашсектор* – унда пуллик ва бепул хизматлар ишлаб иқарилади (таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳасидаги муассасаларнинг бир қисми).

Даврий динамика қонуниятлари. Истеъмол сектори иқтисодий ўсиш ва кенгайтирилган ишлаб чиқариш манбаси ҳисобланади. Аҳоли сонининг ўсиши (XX асрда дунёда - 4 баравар, инсон эҳтиёжларининг бетўхтов ортиб бориши (эҳтиёжларнинг ўсиш қонуни) ва уларнинг мураккаблашуви, ишчи кучи сифатига талабнинг ортиши истеъмол товарлари ва хизматлари ҳажмини ошириш, сифати ва ассортиментини яхшилаш тенденцияси заруратини асослаб беради, бу эса ўз навбатида, ушбу сектор учун ишлаб чиқариш ресурсларига талабнинг ўсишини белгилаб беради.

Истеъмол сектори динамикаси қонуний-нотекис даврий равишда амалга ошади*:* тез ўсиш даври ўрнини стагнация даври эгаллайди, айрим ҳолларда эса иқтисодий инқирозлар, уруш ва инқилоблар, табиий офатлар кузатилади.

XX асрда истеъмол секторида унинг таркибини тубдан ўзгартириб юборган ҳамда учинчи, тўртинчи ва бешинчи технологик укладларни ўзлаштириш ва тарқатиш билан боғлиқ базис инновацияларнинг уч тўлқини кузатилди. Бу тўлқинлар ривожланган мамлакатларда айниқса яққол кўзга ташланиб, концентрик доиралар бўйича бошқа мамлакат ва цивилизацияларга тарқалган.

Инновацияларнинг дастлабки тўлқини XX аср бошларида автомобиль, сўнгра авиация транспорти, электр ёритгичлар ва электр ускуналаридан фойдаланиш, телефон ва телеграф алоқасини кенг қўллаш билан боғлиқ бўлган. Бу учинчи укладли технолгиялар эди.

Истеъмол секторидаги ўзгаришларнинг кейинги тўлқини иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йилликларда тўртинчи укладли технологияларнинг ривожланиши натижаси сифатида намоён бўлди. Компьютерлар, видео-техника, ахборот технологиялари, мультимедиа маҳсулотлари, телекоммуникация тизимлари ахборот хизматларининг аҳоли истеъмолидаги улушини бир неча баробар оширди. «Яшил инқилоб» кўп жиҳатдан озиқ-овқат товарлари ассортиментини ўзгартириб юборди.

Аҳолининг якуний истеъмол динамикаси
(а -млрд. долл.; б –ЯИМ га нисбатан %; в -1950 й.га нисбатан %)

	1950	1990				2000			2015		
	а	б	а	б	в	а	б	в	а	б	в
Бутун дунё											
Жами	4665	68,1	20660	65,6	444	26515	65,0	568	44540	63,7	955
Оила жорий харажати	4281	62,5	18745	59,5	438	24125	59,2	564	40375	57,7	943
Давлат ижтимоий хизмати	384	5,6	1915	6,1	499	2390	5,9	622	4165	6,0	1085

Истеъмол секторидаги базис инновацияларнинг учинчи тўлқини бешинчи укладли технологияларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлиб, ўтган асрнинг 80-90 йилларида шахсий компьютерлар, Интернет, уяли алоқанинг ривожланиши; замонавий биотехнологиялар, генетик модификацияланган маҳсулотлар ва дори-дармонларга асосланувчи иккинчи «яшил инқилоб»нинг рўй бериши; туристик хизматларнинг ривожланишида акс этди. Бироқ ушбу инновацион тўлқин динамикасида бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги жарлик янада чуқурлашди.

Аҳоли сони ва унинг эҳтиёжлари ўсиши билан якуний истеъмол миқёси, демак, истеъмол сектори маҳсулотлар ҳажми ва истеъмол бозори миқёси ҳам ўсмоқда.

Дунё истеъмол секторининг умумий ҳажми 1950 йилдан 2000 йилгача 4665 млрд. доллардан 26515 млрд. долларгача - 5,7 баравар ўсди; 2015 йилга бориб бу кўрсаткичнинг 44540 млрд. долларгача - яна 68% ўсиши кутилмоқда. Бироқ унинг жаҳон ЯИМдаги улуши пасайиш тенденциясига эга – 1950 йилда 68,1%дан 2000 йилда 65% ва 2015 йилда 63,7% гача.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар истеъмол сектори динамика ва структурасидаги фарқларни жиққати-эътиборни ўзига қаратади. Ривожланган мамлакатларда аҳоли якуний истеъмолияга ЯИМнинг 69-70%и сарфланиб, бу кўрсаткич барқарор ҳисобланади; бунда якуний истеъмолда давлат ижтимоий хизматлари улуши – 1950 йилда 8,8% дан 2000 йилда 11,3% ва 2015 йилда 11,6% гача ортган. Ривожланаётган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 1950 йилда 72,1%дан 2000 йилда 60,7%гача пасайган. Аҳоли сонининг ўсиш суръати юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда киши бошига ўртача даромад ривожланган мамлакатларга нисбатан секинроқ ўсган.

Якуний истеъмолда давлатнинг ижтимоий харажатлари улуши 1950 йилда 4,6%дан 2000 йилда 5,8%гача ўсган бўлсада, ривожланган мамлакатлардан ортда қолади.

Замонавий пуллик хизматлар структурасида етакчи ўрин алоқа ва транспорт хизматларига тегишли. Айнан шу соҳада янги авлод техника ва технологияларини ўзлаштириш учун қулай инновацион муҳит шаклланади. Пуллик хизматларнинг деярли тўртдан бир қисми уй-жой-коммунал хизматларга тегишли бўлиб, бу ерда асосий фондларнинг жисмоний эскириш кўрсаткичлари энг юқори ва уларни янгилаш коэффициенти энг паст ҳисобланадикоммунал хўжаликда 0,8%, алоқада 3,5%, савдо ва умумий овқатланиш тизимида 3,8%, ахборот-ҳисоблаш хизматларида 5,1% ва бутун иқтисодиётда 1,6% [52. С. 307]. Гарчи бу ерда инновациялар учун муҳит ўта ноқулай бўлсада, бироқ фақат улар асосидагина аҳоли ҳаётини таъминлаш соҳасини қамраб олган кенг миқёсли инқирозларни енгиб ўтиш мумкин.

Ижтимоий-маданий соҳадаги инновацияларнинг аҳамияти ҳам бундан кам эмас. Бу соҳада бепул хизматлар устунлик қилиб, давлат инсон капиталини такрор ишлаб чиқариш соҳасини инновацион янгилашда асосий оғирликни ўз зиммасига олиши лозим.

Инсон капиталини такрор ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйновчи ижтимоий-маданий хизматлар улуши 8,1%дан 6,2%гача пасайган бўлиб, унинг структурасида пуллик хизматлар улуши 2,6 баравар ўсди ва бюджет томонидан молиялаштирилувчи бепул хизматлар улуши 40%га қисқарди. Бу шуни англатадики, ижтимоий давлат инсон капиталини такрор ишлаб чиқариш ва маънавий соҳа учун жавобгарликни тобора аҳолининг зиммасига юкламоқда.

Истеъмол секторида узоқ муддатли истиқболга инновацион устуворликларни танлашда асосий ёндашувлар қайсилар?

Биринчидан, истеъмол сектори ўтган асрнинг 90-йилларида рўй берган инқироз пайтида кўплаб йўқотишларга учради. Бу йўқотишларнинг ўрнини тўлдириш, аҳолининг инқирозгача бўлган турмуш даражасини тиклаш, ривожланган мамлакатлардан инсон салоҳиятининг ривожланиши бўйича ортда қолишни йўқотиш ва бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлигини кафолатлаш учун унинг олдинроқ ривожланишини таъминлаш зарур.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг бозор секторидаги инновациялар самарадорлиги бу инновациялар қўлланувчи бозор сегментларидаги ўсиш суръати ва миқёсига асосланади. Шу нуқтаи назардан истеъмол бозори базис инновациялар учун энг истиқболли ҳисобланади. Ҳукумат башоратларига кўра 2003-2008 йилларда аҳолининг реал даромадлари ўсиш суръатининг камида 6,9-8% бўлиши кутилмоқда.

Учинчидан, истеъмол секторидаги инновацион маҳсулотлар учун қўшимча бозор позициялари импорт ўрнини босиш ва экспортни кенгайтиришга имкон беради.

Ушбу товар гуруҳлари бўйича ташқи савдода манфий сальдо кузатилади. Бу сальдо вақт бўйича ўзгариб туради: 1995 йилда 1311 млн. доллардан 2000 йилда 912 млн. долларгача.

Тўртинчидан, ижтимоий-маданий соҳани инновацион янгилашда давлатнинг ҳал қилувчи роли, унинг ўтмишдаги, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида инсон капиталини такрор ишлаб чиқариш, миллий, маданий ва илмий меросларни асраш ва бойитишдаги жавобгарлигидан келиб чиқиш зарур. Давлат томонидан соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва ижтимоий таъминотда инновацион ўзгаришларни амалга ошириш учун катта маблағ ажратилиши лозим.

Юқорида истеъмол секторида инновацион янгиланишларни амалга оширишнинг айрим асосий йўналишларигина кўриб чиқилди. Бироқ уларнинг ўзиёқ инновацияларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги, замонавий технологик ўзгаришлар ютуқларидан биринчи навбатда мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишда фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

2.Инновациялар глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикасининг стратегияси

Ҳозирги даврда инновацион ўсиш стратегиясини битта мамлакат ва ички бозорнинг илмий-техник салоҳияти ёпиқ доираларига йўналган ҳолда амалга ошириб бўлмайди. Минг йилликлар бўсағасида дунё туб ўзгаришларга учради. Ўзгаришлар байроғига глобаллашув сўзи битилган. У постиндустриал дунё цивилизацияси ва интеграл ижтимоий-маданий тузумнинг шаклланиши билан биргаликда XXI аср учун асосий даврга хос инновацияга айланган. Янги аср авлоди жамиятдаги ўзгаришларнинг айнан шу уч нарса асосида шаклланувчи дунёда яшайди.

Глобаллашув қачон пайдо бўлган? Унинг тарихий манбалари ва негизи қаерда? Бу борада олимларнинг фикри хилма-хил бўлиб, бири-биридан кескин фарқ қилади.

Глобаллашув XXI асрда постиндустриал жамиятга хос бўлган жиҳат сифатида бутунжаҳон тарихининг янги босқичига айланиб, унда неолит давридан ҳисоблаганда еттинчи дунё цивилизацияси ўз ҳаётийлик даврининг чўққисига чиқади. Илк индустриал (XVI аср) ва индустриал (XVIII аср охиридан) жамиятларда барча инновацион ўзгаришларнинг маркази миллий давлатлар бўлган – уларнинг чегараларида миллий бозорлар ва миллий иқтисодиётлар шаклланган, у ёки бу мафкура ва диннинг ҳукмронлиги белгиланган. Мамлакатлар ва цивилизациялар ўртасидаги алоқа ривожланиб, байналмилаллашув жараёнларида кучайган, бироқ иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий қарорлар қабул қилишда ҳар бирдавлат ўзича иш юритган.

XXI асрда бу ҳолат кескин ўзгармоқда. Глобаллашув даврида стратегик қарорлар қабул қилиш, даврга хос ва базис инновацияларни амалга ошириш маркази миллатлараро ва давлатлараро миқёсга чиқмоқда. Лекин ҳали яхлит глобал марказ шаклланмаган. Унинг даракчилари – Европа Иттифоқи каби цивилизация билашмалари, энг йирик байналмилал корпорациялар ва жаҳон

молия марказлари штаблари, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Жаҳон савдо ташкилоти, НАТО каби ҳарбий-сиёсий блоклар, БМТ ва ЮНЕСКО каби бутун инсоният манфаатларини ифодаловчи ташкилотлар ҳисобланади.

Глобаллашув жараёни бир неча босқичдан ўтади. XX асрнинг иккинчи ярмида ҳозирланган заминга асосланган ҳолда у XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида шаклланишнинг зиддиятли босқичига қадам қўйиб, аср ўрталарига бориб кенгайиши ва фақат аср охирида етуклик босқичига кириши ҳамда ушбу глобал феномен тақдири ҳақидаги масалани муҳокама қилиш мумкин бўлиши кутилмоқда.

Глобаллашув жараёнларини тавсифлашда одатда эътибор биринчи навбатда иқтисодиёт ва ахборот соҳасида рўй бераётган жараёнларга қаратилади. Ҳақиқатдан ҳам, жамиятнинг барча жабҳалари, цивилизация пирамидасининг барча қаватлари туб инновацион ўзгаришларга учраб, бу ўзгаришларда тарихий ўзгаришларнинг маълум бир мантиқи, глобаллашув структураси кўзга ташланади.

Жамиятдаги барча ўзгаришларнинг манбаси бўлиб инсон, аҳоли таркиби ва сони, эҳтиёжлари, билими ва қизиқишларида рўй бераётган ўзгаришлар хизмат қилади. Глобаллашувнинг демографик жиҳатлари бир неча кўринишда намоён бўлади. Глобаллашувни XX асрнинг иккинчи ярмидаги демографик портлаш, сайёрамиз аҳолиси сони тарихан қисқа муддат ичида қарийб икки ярим баравар ўсишига жавоб сифатида кўриб чиқиш мумкин. Уларнинг эҳтиёжларини миллий ресурслар ва чегаралар доирасида қондириб бўлмайди. Аҳоли сони ва унинг эҳтиёжлари ўсиши нисбатан паст суръатда бўлсада, XXI асрнинг биринчи ярмида ҳам давом этмоқда. Ушбу глобал қарама-қаршиликни ҳал этиш, XXI асрда бир неча баравар ўсган эҳтиёжларни қондирувчи дунё яратишни фақат глобал миқёсдагина амалга ошириш мумкин.

Инсониятга ташланган иккинчи даъват табиий-экологикдир. Маълум бўлган, такрор ишлаб чиқариш ва инсонлар ҳаётини таъминлашга жалб этилган табиий ресурслар ҳажми чекланган бўлиб, тобора қисқариб бориш ва тугаб қолиш тенденциясига эга. Ишлаб чиқариш чиқитлари ва маиший чиқитлар ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бориши эса атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда ва экологик кулфат таҳдид солмоқда.

Глобаллашувнинг учинчи даъвати технологик ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган глобал қарама-қаршиликларни инсонни улкан машина тизимининг бир мурватига айлантириш, табиатни забт этиш ва атроф-муҳитни яксон қилишга йўналтирилган ишлаб чиқаришнинг индустриал технологик усули асосида ҳал қилиб бўлмайди.

Тўртинчи жиҳат иқтисодий жиҳатдир**.** У индустриал технологиялар иқтисодий салоҳиятининг пасайиши, бой ва камбағал мамлакатлар, минтақалар ва аҳоли қатламлари ўртасидаги фарқнинг катталашуви, капиталистик-бозор тузумининг (социалистик давлат тузуми каби) глобал иқтисодий стратификация муаммоларини тўлиқ ҳал қилишга қодир эмаслигида намоён бўлади.

Глобаллашувнинг геосиёсий жиҳати оммавий қирғин қуролларининг янги турлари яратилиши ва тарқалиши урушдан давлатлараро ва цивилизацияларарo зиддиятларни ҳал қилиш воситаси сифатида фойдаланишни маъносиз қилиб, давлатлар ва цивилизация иттифоқлари ресурслари ва сиёсий иродасини вақти-вақти билан вужудга келиб турувчи геосиёсий макондаги зиддиятлар ва можароларни ҳал қилиш, халқаро терроризмга қарши кураш, глобал жамиятнинг фаолият кўрсатиши ҳуқуқий механизмларини шакллантириш заруратини талаб қилишидан иборат.

Глобаллашувнинг ижтимоий-маданий жиҳати энг бой ва рангба-ранг ҳисобланади. Бу аввало XXI аср бошидаги буюк илмий инқилоб бўлиб, у бир неча ўн йилликдан сўнг постинудстриал илмий қоидаларнинг шаклланиши ва тарқалиши билан якунланади ҳамда ижтимоий-гуманитар фанларни биринчи ўринга чиқариб, жамиятнинг шу билимларга асосланган жамиятга айланишига олиб келади; бу билимлар кенг инновациялар кўприги орқали жамият ҳаётининг барча қирраларини ўзгартириб юборади.

XXI аср авлодларига жавоб қайтариш лозим бўлган глобаллашув даъватлари ана шундай. Уларга эътибор бермаслик ёки глобаллашувдан воз кечишга ҳаракат қилиш инсониятни жар ёқасига келтириб қўйиши мумкин.

Глобаллашув даврга хос бўлган ва базис инновациялар оқимида амалга оширилган ҳолда дунёни ўзгартириб юьориши муқаррар. Унинг сайёрамиз бўйлаб тарқалиш тезлиги кишини ҳайратда қолдиради. Инсоният, давлатлар ва ижтимоий кучлар олдида ҳеч қандай танлов қолмасдан, фақат глобал инновацион тўлқинлар бўйлаб сузиш йўли қолдими? Йўқ, танлов бор. Глобаллашувнинг иккита модели – неолиберал ва гуманистик-ноосфера модели ўртасида танлаш мумкин. Бу моделларнинг моҳияти ва реаллигини кўриб чиқайлик, чунки жаҳон ҳамжамиятининг ҳар бир онгли фуқароси уларнинг бирини танлаб олиши лозим бўлади.

Асосий инновация, В.Л. Иноземцевга кўра, цивилизация бўлинишидан иборат*:* «Ҳозирги дунё постиндустриал мамлакатлар жамияти билан ифодаланувчи яхлит куч марказига эга бўлинган цивилизация сифатида шаклланмоқда».

В.Л. Иноземцевнинг фикрига қарама-қарши постиндустриал жамият бу амалга ошган факт эмас, балки ривожланиш тенденцияси, даврга хос инновация бўлиб, у камида XXI асрнинг биринчи ярмини эгаллайди; Шимолий Америка ва ғарбий Европа цивилизацияларини постиндустриал жаҳон цивилизациясидан кўра кеч индустриал жамиятга мансуб деб ҳисоблаш мумкин. У ёки бу мамлакатнинг дунё цивилизацияси ва жамият турига мансублиги фақат унинг бойликлари, иқтисодий ва технологик ривожланиш даражаси билан эмас, балки кўпроқ ижтимоий-иқтисодий тузум характери ва ижтимоий-маданий қадриятлар таркиби билан белгиланади.

Глобаллашувнинг неолиберал модели ҳозирги давр қарама-қаршиликларини енгиб ўтишга қодир эмас; бунинг устига, у зиддиятларни чуқурлаштириб, индустриал жамиятни кеч индустриал жамиятга айлантириш асосида ётувчи даврга хос инновацияларни тўхтатиб туради.

Неолиберал глобаллашув сиёсати сайёрамиздаги ҳаёт шароитларининг ҳамма жойда бир хил ва тенг эмаслигини очиб ташлайди ва ўткирлаштиради... Эркинлаштириш жараёнларини тезлаштириш айрим ҳолларда кўплаб халқлар ҳаётининг тарихан шаклланган анъаналарининг бузилишига олиб келади».

Демак, агар инсоният сайёрамизда ҳаётни сақлаб қолиш истагида бўлса, глобаллашувнинг ўз зиддиятлилиги ва хавфлилигини кўрсатиб қўйган ҳозирги неолиберал моделини «инсоний чеҳрали глобаллашув» билан алмаштириш нафақат мумкин, булки зарур ва муқаррардир.

Глобаллашув моделларини, туб инновациялар замонавий тўлқинларининг ижтимоий-сиёсий оқибатларини фақат кўп қутбли дунё шароитларида амалга ошириш мумкин. Неолиберал модель ҳозирги бир қутбли дунёга, А+Ш бошчилигидаги ғарб цивилизациясининг технологик, иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва мафкуравий етакчилигига, глобал империянинг шаклланишига қараб кетиш тенденцияларига – кўп қутбли дунёнинг тарафдори бўлган бошқа цивилизациялар қаршилигининг ўсишига олиб келувчи тенденцияларга асосланади. Буни бир қутблилик маддоҳлари, хусусан, Кондолиза Райс ҳам тушунади: «Умумий манфаатлар ва ва умумий қадриятларнинг бирикуви XVII асрда миллий давлатлар пайдо бўла бошлаган даврдан бери дунё тарихига иблисона характер бағишлаб келган моделни синдириш учун тарихий имконият яратади. Гап буюк салтанатлар ўртасида рақибликнинг яксон қилувчи модели ҳақида бормоқда... Кўп қутблилик бу – рақиблик назарияси, рақобатлашувчи манфаатлар ва бундан ҳам ёмони – рақобатлашувчи қадриятлар назарияси».

XXI асрнинг биринчи ярмида глобал муаммолар ўртасида биринчи ўринга турли мамлакатлар ва цивилизацияларнинг технологик ривожланиш даражасини яқинлаштириш, улар ўртасида технологик фарқларнинг энг юқори нуқтасидан ўтиш муаммоси чиқади. Бу иқтисодий, демографик, экологик, ижтимоий-маданий соҳалардаги фарқларни асослаб беради ҳамда тўқгашувнинг яширин шакли сифатида цивилизациялар ва халқаро терроризм ўртасида тўқнашув хавфининг ўсишини асослаб беради.

Цивилизациялар ҳамкорлиги ва диалогига асосланган глобаллашув моделига ўтиш дунё технологик маконида вужудга келган ўта хавфли қутблашув тенденцияларини бартараф қилиш, умумий саъй-ҳаракатлар билан қолоқ мамлакатлар ва цивилизацияларнинг технологик даражасини ошириш учун зарур. Бунинг имкони борлигини XX асрнинг иккинчи ярмига тегишли мисоллар – Корея Республикаси ва Тайвань, Сингапур ва Таиланд, Хитой ва Ҳиндистон, Мексика ва Бразилия кўрсатади. Бироқ учинчи гуруҳдаги мамлакатларнинг аксарияти учун ўз кучларига таянишга асосланувчи бу йўл тўғри келмайди, чунки бу мамлакатларнинг малакали кадрлари ва молиявий ресурслари инновацион-технологик ўсиш учун етарли эмас. Бундай вазиятдан чиқиб кетишнинг йўли битта: инновацион-технологик ўсишнинг глобал стратегияси, бу стратегияни амалга оширувчи ҳамда нафақат ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам технологик ўсишга йўналтирилган ва маълум маънода жаҳон технологик

квазирентаси ҳисобига молиялаштирилувчи узоқ муддатли глобал дастур зарур. Мамлакатимиз цивилизациялар ҳамкорлиги ва диалоги асосида амалга оширилувчи бундай стратегия ва дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Глобаллашув жараёнлари инновацион майдонни қамраб олади ва уни ўзгартириб юборади (бу ўз-ўзидан XX аср охири XXI аср бошининг базис инновацияси ҳисобланади). Агар индустриал даврда базис инновациялар бунинг учун ривожланган, етук бир ёки бир неча мамлакатда пайдо бўлиш ва шаклланиш босқичидан ўтган, сўнгра имитацион ва пионер яхшиловчи инновациялар оқими асосида бутун дунё бўйлаб тарқалган бўлса, ҳозирги кунда вазият умуман бошқача тус олмоқда. Базис инновациялар аввал бошданоқ олимлар, муҳандислар, тадбиркорлар, ТМК, давлат ва давлатлараро ташкилотлар интеграцион ҳамкорлиги предмети ҳисобланади. Бу эса базис инновацияларни ўзлаштириш ва тарқатиш, жамиятнинг технологик асосларини ўзгартириш миқёсини кенгайтириб, бунинг учун сарфланувчи муддатни қисқартиради, ишлаб чиқаришнинг ускоряет процесс формирования постиндустриал технологик усулини шакллантириш жараёнини тезлаштиради.

Глобаллашувнинг неолиберал моделидан гуманистик-ноосфера моделига ўтиш глобал инновацион майдонда туб ўзгаришлар ясашни талаб қилади. Бу нимада акс этиши мумкин?

Биринчидан, инновациялар манбаи бўлган илмий салоҳиятни мамлакатлар ва цивилизациялар бўйича бир текисда тақсимлаш. Ҳозир бу ера қутблашувнинг ўсиб бориши кузатилмоқда. Буни Жаҳон банкининг илмий журналларда эълон қилган мақолалардаги маълумотларидан ҳам билиб олиш мумкин. 1999 йилда ривожланган мамлакатлар улушига бу мақолаларнинг 85,5%и, ривожланаётган мамлакатларга эса - 2,7% тўғри келган. 2000 йилда биринчи гуруҳдаги мамлакатлар улушига резидентлардан патент олиш учун келиб тушган аризаларнинг 92,4%и, даромади паст мамлакатларга эса 0,8%и тўғри келган. Тадқиқот ва лойиҳаларга сарфланувчи ички харажатлар киши бошига 2002 йил АҚШда - 991 долл., Японияда - 816 долл., Германияда - 666 долл., Россияда - 98 долл., Польшада - 67, Туркияда - 40, Мексикада - 36 долларни ташкил қилган бир пайтда ривожланган мамлакатларнинг кўпида бу кўрсаткич бундан бир неча маротаба кичик бўлди. Даромад даражаси баланд ьўлган мамлакатлар 2001 йилда лицензияларни сотиш натижасида даромади паст мамлакатларга нисбатан 2641 баравар кўп даромад олди.

Олимлар, муҳандислар ва дастурчиларнинг ривожланган мамлакатларга кўчиб кетишида уларни тайёрлаш учун кетган харажатларни қоплаш мақсадида компенсация чоралари ҳақида (худди спортчилар билан бўлгани каби) ўйлаб кўриш керак (подобно тому, как это делается при миграции спортсменов). Ҳозир АҚШ ва ғарбий Европа мамлакатлари амалда Россия ва ўтиш иқтисодиётига эга бошқа мамлакатлардан йилига мутахассисларни тайёрлаш учун кетган харажатларни қопламаган ҳолда катта миқдорда дотация олиб келмоқда.

Шу билан бир пайтда глобал инновацион дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун олимлар, конструкторлар ва мутахассисларнинг халқаро жамоаларини фаоллик билан тузиш зарур.

Иккинчидан, тезник ихтиролар ва интеллектуал мулкдан ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ва технология яратувчи инновациялар асоси сифатида кенг фойдаланиш бўйича чораларни амалга ошириш зарур. Ҳозирда патент ҳуқуқи кўпинча даромадларни ТМК ва бой мамлакатлар фойдасига қайта тақсимлаш воситаси сифатида фойдаланилмоқда. 2000 йилда даромади паст мамлакатларда норезидентлардан патент олиш учун келиб тушган аризалар сони резидентлардан тушган аризалардан 288 марта кўп бўлди; лицензиялар учун тўловлар 2001 йилда даромади баланд мамлакатларга нисбатан 2641 баравар кам бўлди.

Учинчидан, инновациялар глобал оқимлари тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ёрдамида амалга оширилиб, улар тез суръатларда ўсиб бормоқда: 2001 йил бу кўрсаткич 746,5 млрд. долл.га тенг бўлди ва 1990 йилга нисбатан 3,7 марта ўсди – ўртача йиллик ўсиш суръати 12,6% - худди шу пайтда ЯММ ўртача йиллик ўсиши 2,7%га тенг бўлди. Бироқ бу инвестицияларнинг мамлакатлар гуруҳлари бўйича тақсимлаш глобаллашувнинг неолиберал моделига хос бўлган тенденцияларни акс эттиради: инвестицияларнинг 77,1%и даромади юқори мамлакатларга ва атиги 1,2%и даромади паст мамлакатларга тўғри келади.

Инновацияларнинг глобаллашув жараёни объектив асосланган ва прогрессив ҳисобланади. Бироқ ундан шундай фойдаланиш керакки, тараққиёт мевалари тўлалигича ТМК ва бой мамлакатлар гуруҳига насиб этмасдан, бутун инсоният манфаатларига хизмат қилсин, бой ва камбағал мамлакатлар ўртасида технологик узилишни йўқотишга ёрдам берсин.

XX асрнинг 50-60-йилалрида собиқ СССР тўртинчи технологик укладни ўзлаштириш ва илмий-технологик ўсишда етакчилардан бири бўлиб, иқтисодиётнинг фуқаро секторида АҚШ, Япония ва ғарбий Европа мамлакатларидан бироз ортда қолган. Бироқ 70-80-йилларга келиб бешинчи технологик укладни ўзлаштириш ва тарқатишда (айрим мудофаа соҳаларидан ташқари) ортда қолиш тенденцияси кучая бошлади ва бу иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келди.

XXI асрда инновацион ўсиш стратегиясини амалга ошириш ва илмий-технологик маконда муносиб ўрин эгаллаш учун нималар қилиш керак?

Биринчидан, мамлакатнинг мавжуд илмий, ихтиро ва конверсион задели, тўпланган илмий ихтиро ва лойиҳалар, конструкторлар ютуқларини инвентаризация қилиш ва баҳолаш, уларни авлодлар ва технологик укладлар бўйича таснифлаш ҳамда мамлакатнинг етакчи ўринлардан бирини эгаллаши мумкин бўлган соҳаларни учтувор қилиб белгилаш зарур. Бу ерда ихтиро учун аризаларнинг жаҳон миқёсида янгилигини баҳолашни амалга оширувчи патент идоралраи экспертларидан фойда катта бўлиши мумкин. Бироқ уларнинг сони жудаям кам. Академик ва ОЎЮ олимлари, инновацион маҳсулотнинг янгилик даражаси, рақобатбардошлиги ва самарадорлигини асосли баҳолашга қодир бўлган иқтисодчиларни жалб қилиш керак.

Инвентаризация бўйича ишлар биринчи навбатда инновацион-технологик устуворликлар бўйича амалга оширилиши ҳамда нафақат фуқаро секторини, балки икки ёқлама йўналишдаги маҳсулотларни ҳам қамраб олиши, бунинг учун эса катта миқдорда маблағ ажратилиши лозим. Бундай ишларни МДҲ мамлакатларида, биринчи навбатда бунинг учун етарли салоҳиятга эга мамлакатларда (Россия, Украина, Беларус, Қозоғистон) ҳам ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, мамлакат ичкарисида ҳам, жаҳон миқёсида ҳам интеграцион майдонда технологик позицияларни баҳолаш бўйича ишларни параллел равишда юритиш зарур.

Учинчидан, айтиб ўтилган икки ёндашувни бирлаштириш истиқболли жаҳон бозорлари ва айниқса, қайта интеграцияланувчи МДҲ мамлакатлари бозорига чиқиш учун стратегик инновацион устуворликлар рўйхатини белгилашга имкон беради. Бундай устуворликлар рўйхати унчалик кенг бўлмаслиги, лекин шу билан бир пайтда фақат интеграцион-инновацион ўсишда қизиқиш ва имкониятларга эга бўлган манфаатдор мамлакатларни қамраб олиш учун дифференцияланган бўлиши лозим.

Тўртинчидан, танланган ва мувофиқлаштирилган интеграцион-инновацион устуворликлар иштирокчилар сони турлича бўлган давлатлараро мақсадли фан-техника ва инновацион дастур ва лойиҳалар объектига айланиши лозим. Ҳозирча бундай дастур ва лойиҳалар сони жуда кам бўлиб, уларнинг сонини кескин ошириш керак.

Бешинчидан, инвестицияларнинг, биринчи навбатда бешинчи укладли технологияларни ўзлаштириш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг инновацион йўналишини таъминлаш зарур. Бу мақсадларга чет элликлар иштирокидаги инвестицион лойиҳалар ҳам, инвестицион ва бошқа асбоб-ускуна ва технологияларни сотиб олишнинг инновацион-технологик экспертизаси йўналтирилиши лозим. Бу операциялар миқёсини ҳам ҳисобга олиш зарур: 2002 йилда импорт қилинган машина, асбоб-ускуна ва транспорт воситалари 16,7 млрд. долл.га тенг бўлди; 56,8 млрд. долларлик технологиялар импорт қилинди; тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари миқдори 4 млрд. долл.ни ташкил этди [52. С. 535, 604, 639, 640]. Импорт ўрнини босиш ва экспортни қўллаб-қувватлаш сиёсати ва божхона сиёсати инновацион устуворликларни қўллаб-қувватлашга аниқ йўналтирилиши лозим.

Олтинчидан, инновацион ўсиш стратегиясининг глобал жиҳатларини институционал таъминлаш зарур. Бу ерда гап аввало халқаро меъёрларга жавоб берувчи қонунчилик ҳақида, қулай инновацион муҳитни шакллантириш ҳамда маҳаллий интеллектуал мулк ва инновацион устуворликларни амалга ошириш қатнашчилари манфаатларини ҳимоялаш ҳақида боради. Ташқи бозорларда инновацион дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун трансмиллий (байналмилал) корпорациялар, халқаро стратегик иттифоқлар тузиш йўлидан бориш лозим.

Еттинчидан, жаҳон бозорларида инновацион ўсиш учун кадрлар масаласини ҳал қилишга янгича ёндашиш лозим. Чет элга кўчиб кетган

илмий ходимлар амалда ҳалигача фойдаланилмаган захира бўлиб турибди. Фан, ОЎЮ ва ишлаб чиқаришнинг танлаб олинган стратегик инновацион устуворликлар бўйича интеграциялашуви уларни амалга оширишга иқтидорли ёшларни жалб этишга хизмат қилади. Ҳар бир инновацион дастурда (лойиҳада) инновацион ўсишни кадрлар билан таъминлаш бўйича ресурслар билан таъминланган бўлим, жумладан, бу борада халқаро ҳамкорлик кўзда тутилиши лозим.

Инновацион ўсиш стратегиясини амалга ошириш ўтган асрнинг 90-йилларида глобаллашувнинг неолиберал модели ва иқтисодиёт очиқлигини кескин ошириш шароитларида мамлакат ташқи савдо тузилмаси динамикасидаги салбий тенденцияларни бартараф этиш имконини беради.

Узоқ муддатли истиқболда ташқи савдо айланмаси тузилмаси динамикаси тенденциялари қандай?

Инерцион-бозор сценарийсида мавжуд тенденциялар давом этади. Асосий ташқи савдо ҳамкори ЕИга бирлашган Европа - ғарбий, Марказий ва Шарқий Европанинг 25 мамлакати бўлади. Бироқ улар билан савдо шартлари ёмонлашиб, бу мамлакатларга экспортда энергетика хомашёси улуши, импортда эса истеъмол ва инновацион-инвестицион сектор улуши ортади. Шимолий Америка ва Япония цивилизациялари улуши бироз ортади, лекин уларнинг товар структураси бирлашган Европа билан бўлгани каби бир томонлама характерга эга бўлади.

Инновацион ўсиш стратегиясини амалга ошириш кўп жиҳатдан бу салбий тенденцияларни бартараф этишга имкон беради. Асосий эътибор кенг ва тез ривожланаётган бозор мавжуд бўлган МДҲ мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қаратилади. Худди шундай тенденцияларга эга бўлган Хитьой ва Ҳиндистоннинг улуши ортади. Бирлашган Европа билан савдо улуши бу мамлакатларга экспорт имкониятларининг пасайиши сабабли қисқаради. Худди шу сабабларга кўра Шимолий Америка ва Япония цивилизацияси улушининг ўсишини ҳам кутиш керак эмас. Асосий вазифа (ва қийинчилик) мамлакатимиздан тайёр маҳсулотларни импорт қилишга тайёр бўлган мамлакатлар билан савдони кенгайтиришдан иборат.

Инновацион-технологик ривожланишнинг базис йўналишини ривожлантиришда жаҳон даражасидан ортда қолишни ҳисобга олган ҳолда қайси стратегия танлаб олиниши мумкин?

Биринчидан, олтинчи технологик укладнинг шаклланиши билан ушбу илмий-техник йўналишнинг асоси бўлган элементлар базаси ўзгаради. Ўз инновацион салоҳиятини сарфлаган микроэлектроника ўрнини наноэлектроника, оптоинформатика ва бошқа йўналишлар эгаллайди. Бу истиқболли йўналишларни аниқлаш ва фаол қўллаб-қуватлаш зарур.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг математик моделлаштириш ва дастурлаш соҳасида салоҳияти катта; иқтидорли математик ва дастурчиларни ушбу соҳадаги инновацион ўсишга бепул «экспорт» қилиш ўрнига худди Ҳиндистон каби дастурлар экспорти ва дастурлашни оффшор ривожлантиришга ўтиш зарур.

Учинчидан, мамлакат амалий информатика соҳасида, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида миллий ва глобал ахборот тизимларини ривожлантиришда Интернет, мультимедиа тизимлари ва телекоммуникация каналларидан фойдаланган ҳолда кучли позицияларни эгаллаши мумкин. Бу постиндустриал жамият гуманистик-ноосфера характерига эгалиги, таълим соҳасида инқилоб рўй бераётганлиги, ахборот тизимлари цивилизация ва маданиятлар ўртасида хилма-хиллик ва диалогни сақлаб қолишнинг ишончли воситаси эканлиги сабабли янада муҳим аҳамият касб этади.

Электрон соҳа ривожланишининг бир қатор йўналишлари бўйича мамлакат ўзининг бой илмий, маданий ва таълим салоҳиятига таянган ҳолда бой ва камбағал мамлакатлар ўртасида ахборот-техника узилишларини бартараф қилишга имкон берувчи глобал лойиҳалар ташаббускори ва фаол иштирокчиси бўлиши мумкин.

Информатика соҳасида инновацион ўсиш стратегиясини белгилашда шуни ҳисобга олиш керакки, бу соҳадаги чуқур ўзгаришлар XXI асрнинг дастлабки ўн йилигида илмий-техник ўзгаришлар ва олтинчи технологик уклад шаклланишининг асосий йўналишларидан бирига айланади. Ахборот инқилоби техниканинг турли соҳаларида очиб берувчи янги имкониятларни қайд этган ҳолда шуни тан олиш керакки, ахборот технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши дунёнинг турли минтақаларида яқин ўн йилликда давлатлараро муносабатларнинг кескинлашувига ҳамда глобаллашув суръатининг пасайишига олиб келиши мумкин. Яқин 10-20 йил ичида А+Ш ахборот инқилобининг бошида туради, ғарбий Европа ундан бироз ортда қолади. Хитой ва Ҳиндистоннинг роли кучайиб, булардан кейингиси дастурий таъминот соҳасида етакчига айланади.

3.Жамиятда инновацион ҳамкорлик: инновацион салоҳияти, шахс ва жамият инновацион ўзгаришлар оқимида

Инновацион фаоллик тадбиркорлик фаолиятининг жони, унинг моҳияти ҳисобланади. Тадбиркор деган шарафли номга бозор иқтисодиётида янгилик излашга мойил, рақобатли курашда муваффақиятга эришиш учун бирон тадбирни амалга оширишга тайёр бўлган корхона ёки ташкилот раҳбари сазовор бўла олади. Бу тадбиркорга берилган чиройли номгина эмас, балки маънавий бурч ҳамдир. Бу кучли рақобат шароитларида яшовчанлик эҳтиёжини таъминлаш учун ҳаётий заруратдир. Инновационлик рақобат қонуни бўлиб, бозор иқтисодиётининг ажралмас бир хусусияти ҳисобланади. Усиз ҳар қандай бозор тизими муваффақиятсизликка учраши муқаррар.

Турли мулкчилик шаклидаги тадбиркорларнинг инновацион салоҳиятини баҳолашда қуйидагиларни аниқ белгилаш лозим:

- тадбиркорларни инновацияларнинг рискли йўлига қадам қўйишга ундовчи стимуллар;
- тадбиркорлар учун инновацияларни амалга ошириш.

1.Одатда тадбиркорларнинг инновацияларга стимули уларнинг сифатли, рақобатбардош ва янги маҳсулот чиқариш ёки янада самарали ва

модификацияланган технологиялардан фойдаланиш асосида олаётган фойда миқдорини оширишга интилиши билан боғланади. Бу ҳақиқатдан ҳам шундай, лекин бор гапнинг ярми ҳисобланади. Муваффақиятли инновациялар ҳақиқатдан ҳам фойда ва ҳаттоки қўшимча фойда (инновацион квазирента) келтиради. Бироқ бу қўшимча фойда ёки қўшимча фойдаси йўлидаги инновацион бўсағадан ҳамма ҳам ўта олмайди: янги маҳсулот ва технологияларни ўзлаштириш даврида харажатларнинг баланд бўлади.

2.Бироқ инновацион лойиҳа билан шуғулланиш учун тадбиркор бунинг учун имкониятга эга бўлиши лозим. Бунда гап қандай имкониятлар ҳақида боради?

Аввало, экспертиза ёки синов эксплуатациясидан ўтган ихтиро ёки илмий-техник фаолиятнинг бошқа натижаси, камида технологик қўллаш учун яроқли инновацион ғоя бўлиши лозим.

Шундан сўнг тадбиркорга инновацияларни амалга ошириш учун, айниқса, базис инновациялар ва принципиал жиҳатдан янги маҳсулотлар ҳақида гап кетганда катта миқдорда ресурслар керак бўлади. Бу корхонанинг ўз маблағлари (амортизация ва фойда), акциялар эмиссияси йўли билан қўшимча маблағларни жалб қилиш, стратегик инвесторни излаш ёки узоқ муддатли банк кредити бўлиши мумкин.

Ва ниҳоят, инновация имкониятлари тадбиркорнинг шахсига, унинг таваккалчиликка мойиллигига, малака даражаси ва стратегик фикрлаш қобилиятига боғлиқ бўлади. Кўп нарса тадбиркорнинг ёшига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

3.Тадбиркорлар олдида инновация йўлида қандай чекловлар пайдо бўлиши мумкин?

Бу ресурс чекловлари: ҳар бир тадбиркорда ҳам йирик инновацияларни амалга оширишда ташқи манбаларни жалб этиш имконияти ва ўз ресурслари мавжуд эмас.

Вақт омили эса икки йўналишда амал қилади. Киритилаётган янгилик қанчалик катта бўлса, уни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун шунча кўп вақт талаб қилинади.

Шунингдек, инновациялар йўлидаги монопоолистик чекловларни ҳам ҳисобга олиш керак. Ҳозирда техник тизимлар бозорини ўзлаштиришга кўп маблағ сарфлаган ТМК ва монополиялар ўз компаниялари ёки рақобатчи компанияларда янада самарали маҳсулот ва технологияларни жорий қилишга у ёки бу усуллар билан қаршилик кўрсатиши мумкин.

Ва ниҳоят, базис инновацияларга чеклов бўлиб тармоқлараро характер хизмат қилади. Бунда янги мураккаб техник тизимнинг пайдо бўлиши учун турли мулк эгалари ва тармоқларга тегишли ўнлаб турли корхоналар ўзаро алоқаларини мувофиқлаштириш талаб қилинади. Буни эса давлат томонидан қўллаб-қувватлашсиз амалга ошириш жуда қийин.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётида тадбиркорларнинг инновацион салоҳияти бирламчи, кучли, лекин чекланган салоҳият ҳисобланади. У айниқса, ўтиш шароитларида маълум бир чекловларга дуч келади.

Инновацион ўсиш стратегиясини амалга ошириш учун тадбиркорларнинг давлат билан ҳамкорлик қилиши талаб қилинади.


Давлат инновацион жараённинг доимий иштирокчиларидан бири бўлиб, давлат раҳбарияти, жойлардаги ҳокимлик органлари ва давлат хизматчиларидан юқори профессионаллик ва стратегик фикрлаш қобилиятини талаб қилувчи энг муҳим, масъулиятли ва юқори малакали функцияларни - *инновацион-стратегик функцияни* бажаради (1-расм).

Давлатнинг инновацион жараёнда, инновацион ўсиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги иштироки бир нечта омилга асосланади.

Биринчидан, давлат ўз масъулият даражаси бўйича алоҳида тадбиркорлар ёки тадбиркорлар гуруҳи дараждасидан анча баланддир. У ўтмишдаги, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида мамлакатнинг аҳволи ва тақдири, унинг иқтисодиёти рақобатбардошлик даражаси, глобал иқтисодий ва технологик макондаги ўрни, миллий хавфсизлиги учун жавобгардир.

Иккинчидан, давлат инновацион муҳитни, юқори риск даражаси ва бу фаолиятни амалга ошириш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорларнинг инновацион фаолиятни амалга ошириши меъёри ва ҳуқуқий чегараларини шакллантиради. Бу муҳит ё «плюс» ё «минус» ишораси билан бўлади.

Учинчидан, давлат иқтисодиётнинг нобозор секторида инновациялар стратегиясини танлаш ва амалга оширишни ўз зиммасига олади. Гап фундаментал фанларни, давлат бошқаруви, мудофаа, ҳуқуқни муҳофаза



қилиш, экологик мониторинг, йирик экологик лойиҳалар ва ҳоказоларни инновацион янгилаш ҳақида кетмоқда.

Тўртинчидан, давлат иқтисодиётнинг бозор секторида базис инновацияларни амалга ошириш ва тарқатишдан четда туриши мумкин эмас. Бу ерда гап давлат кўплаб соҳаларда базис ва яхшиловчи инновацияларни режалаштириш ва молиялаштиришни ўз қўлига олувчи марказлашган-режали инновацион тизимга қайтиш ҳақида кетаётгани йўқ.

Бешинчидан, давлат инновацион инфратузилма ва кичик инновацион бизнеснинг ривожланишига ёрдам кўрсатиши лозим. Бу икки йўналиш бир-бири билан узвий боғлиқ. Маҳаллий ва хорижий тажрибаларнинг кўрсатишича, кичик корхоналар инновацион фаолиятнинг янги майдонларини ўзлаштиришда ўзига хос «разведкачи» вазифасини бажаради уларнинг ортидан асосий куч – инновацион ўсиш стратегиясини амалга оширувчи капитал боради.

Давлатнинг инновацион-стратегик функциясини амалга ошириш

Олтинчидан, инновацион ўсиш учун кадрлар салоҳиятини тайёрлаш давлат ғамхўрлиги остида бўлиши лозим. Бу ерда гап ўрта ва олий таълимнинг, шунингдек, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими, масофадан ўқитиш ҳамда муайян инновацион дастур ва лойиҳалар учун ихтисослашган ўқитиш ва кичик инновацион бизнесга ўқитиш тизимларининг инновацион йўналганлиги ҳақида боради.

Еттинчидан, давлатнинг инновацион фаолияти муҳим майдони интеллектуал мулкни тартибга солиш ва ҳимоя қилиш, ундан мамлакатда ва хорижда фойдаланиш ҳисобланади. Бу ерда гап интеллектуал маҳсулот (ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар, интеграл микросхема топологиялари, маълумотлар тўплами ва ҳ.к.) кимнинг ташаббуси билан ва қайси маблағлар ҳисобига яратилганлигидан қатъи назар мамлакат бойлигининг энг муҳим қисмидан самарали фойдаланиш ҳақида кетмоқда. Ихтироларга аризанларни баҳолар ва экспертизадан ўтказар экан, давлат патент идораси уларнинг орасидан энг истиқболли ва самаралиларини танлаб олиши ҳамда улардан мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар янги маҳсулот ва технологиялар яратишда фойдаланишига кўмаклашиши зарур.


Инновацион ҳамкорлик ғоясини тадбиркор ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларгагина тааллуқли бўлиб, инновацион ўсишни амалга оширишда ҳал қилувчи роль давлатга тегишди деб ҳисоблаш нотўғри бўлар эди. Бу ҳамкорликнинг яна иккита доимий қатнашчиси: инновацияларнинг бирламчи манбаси ва уларни амалга оширишнинг фаол иштирокчиси ҳисобланувчи ижодкор шахс ҳамда давлат ва тадбиркорлар унинг манфаатларида ва назорати остида инновацион стратегияни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, уларнинг дастур ва лойиҳаларини бажарувчи, у билан олинган натижалар ва инновацион харажатларни бўлиб олувчи фуқаролар жамияти ҳам мавжуд.

Ижодкор шахс сифатида интеллектуал мулкни яратиш ва ундан инновацияларда фойдаланишда қатнашувчи ҳар бир шахс: олим, муҳандис, конструктор, техник, ишчи, менежер, шунингдек, макта ўқувчиси, талаба,

аспирант, нафақахўр ва ҳоказолар иштирок этиши мумкин. Муҳими, ижодкорликка мойил шахсда буни амалга ошириш учун истак, олинган натижаларни баҳолаш ва расмийлаштириш етарли билим ва қобилият, олинган натижаларга қонуний расмийлаштирилган эгалик ҳуқуқи бўлса бўлгани.

Инновацион ижодкорлик жараёнида фуқаролик жамияти ва унинг институтлари – фан-техника ва муҳандислик жамиятлари, ихтирочилар иттифоқлари, профессионал бирлашмалар ва ҳоказоларнинг ҳам иштироки муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролик жамияти инновацион фаолият учун қулай шароитлар яратиш мақсадида у томонидан сайланган марказий ва маҳаллий ҳукумат органлари вакилларига таъсир кўрсатиши лозим.

Фуқаролик жамиятининг муҳим институти оммавий ахборот воситалари - матбуот, радио, телевидение, шунингдек, Интернет ҳисобланади. Улар техник ижодкорлик ва унинг натижаларидан фойдаланиш учун қулай шароит



Инновацион натижаларнинг жамият томнидан тан олиниши, жамият назорати, инновацияларда қатнашиш

яратиш, инновацион ўсиш ғояларини тарғиб қилишда фаол иштирок этиши, бундай ўсишнинг илғор тажрибаларини қўллаб-қувватлаши ва тарқатиши, бу йўлда учраган бюрократик ва бошқа турли тўсиқларни кучли танқид остига олиши мумкин. Телевидение орқали таълим дастурларини қайта тиклаш ва уларни (шунингдек, махсус ташкил қилинган Интернет ўқув портал ва сайтларини) масофадан ўқитиш тизимига киритиш, янги билимлар ва инновацион фолият кўникмалари билан тўлдириш зарур. Давлат мамлакатни технологик ижодкорлик муҳитига қайтариш, миллий инновацион тизимни шакллантиришнинг зарур элементи сифатида бу тенденцияларни фаоллик билан қўллаб-қувватлаши лозим. Инновацион ҳамкорлик схемаси 2-расмда акс эттирилган.

2010 йилгача бўлган даврда мамлакатни фан ва технологиялар соҳасида ривожлантириш сиёсатининг асосларида бу сиёсатнинг муҳим вазифаси, давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисми сифатида миллий инновацион тизимни шакллантириш белгилаб қўйилган.

Миллий инновацион тизимни шакллантириш вазифалари рўйхати юқорида кўрсатиб ўтилганидек, инновацион фаолият иштирокчилар доираси каби муҳим аҳамиятга эга бўлсада, лекин тўлиқ эмас.

Миллий инновацион тизимни (МИТ) яратиш босқичлари, таркиби, мақсади ва мазмунини қуйидагича ифодалаймиз.

1.МИТ яратишдан мақсад – шу ҳужжатда эълон қилинган фан ва технологиялар соҳасида давлат сиёсати мақсадларини амалга ошириш, яъни танлаб олинган устуворликлар асосида мамлакат ривожланишининг инновацион йўлини таъминлаш ҳисобланади.

2.МИТ мазмуни. Белгиланган мақсаддан келиб чиққан ҳолда яратилаётган тизим кўп даражали характерга эга бўлиши ҳамда инновацион жараён босқичлари ва бошқарув даражалари бўйича бир қатор элементларни қамраб олиши ва уларни якуний натижаларга йўналтириши лозим.

Инновацион жараён босқичлари бўйича МИТ қуйидагиларнинг оптимал алоқада бўлишини таъминлаши зарур:

- табиат, техника ва жамият ривожланишининг янги қонуниятларини очиш ва улардан долзарб глобал ва миллий муаммоларни ҳал қилиш, ноосферанинг шаклланиши ва барқарор ривожланишда табиий муҳит билан ўзаро алоқада фойдаланишга йўналтирилган *фундаментал ва изланувчан табиий-илмий ва илмий-техник тадқиқотлар*;
- маҳаллий товар, хизмат ва технологиялар рақобатбардошлигини таъминловчи *ихтиролар ва бошқа оригинал фан-техника ечимлари*;
- истиқболли фан-техника ғоялари ва ихтироларни янги маҳсулот синов намуналари ва синалган илғор технологиялар кўринишига келтирувчи ҳамда уларни инновацияларга амалга оширишда муаллифлик назоратини амалга оширувчи *амалий тадқиқотлар ва конструкторлик лойиҳалари*;
- базис ва яхшиловчи инновацияларни ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасига жорий қилувчи, уларга «ҳаёт йўлланмаси» берувчи *инвестициялар*;
- янги техник ғоя ва ихтироларнинг пайдо бўлиши ва асосланиши, инновациялар учун малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда иштирок этувчи *ОЎЮ*;
- инновацион лойиҳа ва дастурларни, айниқса, кичик бизнес учун амалга оширишга кўмаклашувчи *инновацион мфз ташкилотлари.*

3.Бундай ёндашув миллий инновацион тизимнинг иерархик, функционал ва таъминот структураси яхлитлигини назарда тутади. Унинг таркибида қуйидаги иерархик поғоналарни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- *локал* – йирик ҳудудий бирлашмалар, илмий-санаот марказлари, илмий шаҳарчалар бўйича – уларнинг ўзига хосликлари ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда;
- *минтақавий* – инновацион устуворликлар тизимини танлаш ва амалга оширишни таъминлаш учун;
- *минтақалараро* - минтақаларнинг инновацион устуворликларини мувофиқлаштириш, ҳудуд доирасида устуворликлар тор доирасини белгилаш ва уларни мамлакат миқёсидаги устуворликлар билан боғлаш мақсадида;
- *тармоқ* - алоҳида тармоқ ва тармоқлараро мажмуалар доирасида;
- *миллий* – мамлакат инновацион ривожланиш стратегиясининг амалга оширилишини таъминлайди, мамлакатнинг глобал-инновацион-технологик

макондаги ролини оширади, маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини оширади;

- *давлатлараро* – МДҲ ва Евросиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида инновацион ўсиш стратегиясининг интеграл жиҳатларини кучайтириш, биргаликда жаҳон бозорига чиқиш мақсадида;
- *глобал* – мамлакат барқарор ривожланиш глобал дастурлари, глобал энергетика секторидаги ўзгаришлар, глобал экологик дастур ва лойиҳаларда иштирок этиши мумкин бўлган даражада.

Миллий инновацион тизимнинг функционал ва таъминот структураси қуйидаги асосий тизимларни қамраб олиши мумкин:

- *стратегик устуворликларни илмий-техник ва инновацион башорат қилиш ва танлаш*;
- *инновацион-технологик ривожланишни стратегик режалаштириш ва дастурлаш*;
- *инновацион ўзлаштириш учун ихтиролар ва илмий-техник фаолиятнинг бошқа натижаларини баҳолаш ва танлаш*;
- *халқ хўжалиги (озиқ-овқат, энергетика, уй-жой-коммунал, юқори технологияли, транспорт ва б.) мажмуалари ва йирик ҳудудий мажмуаларда инновацион ўзгаришлар*;
- *инновацион инфратузилмани* (илмий шаҳарчалар, инновацион-технологик марказлар, технологиялар трансфери маркази, инновацион кўргазма-ярмаркалар, кичик инновацион бизнес учун бизнес-инкубаторлар) *ривожлантириш*;
- *инновацион ривожланишнинг интеграцион жиҳатлари, технологиялар ва инновацион маҳсулотлар экспорти ва импорти, давлатлараро инновацион тизимлар яратиш*;
- *молиявий таъминот*;
- инновацион жараён барча қатнашчиларининг мамлакатдаги ва дунёдаги илмий ихтиролар ва инновациялар, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ривожланиш ҳақида *ахборот таъминоти*;
- *инновацион менежмент*;
- инновацион ривожланишнинг *кадрлар таъминоти*, илмий-инновацион йўналишнинг устувор йўналишлари, муайян дастур ва лойиҳалар бўйича олимлар, конструкторлар, муҳандислар, ишчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ўрта ва олий таълим, масофадан ўқитиш тизимида инновацион йўналишларга эътиборни кучайтириш.

Адабиётлар

1. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: Меҳнат 1997.
2. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Т.: Молия, 2000.
3. Бункина М.К. Национальная экономика: Учеб. для вузов. М.: Изд. Полиотип. 2002
4. История экономических учений: учебник для вузов. Под. Ред. Проф. В.С. Абвадзе, проф. А.С. Квазова. М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2002.
5. Ишмухамедов А.Э., Абдусаттарова Х.М., Акабирова Д.Н., Расулова И.А. «Инновацион стратегия» - Ўқув қўлланма - Т.: ТДИУ, 2007 – 302 бет.
6. Ортиқов А. «Саноат иқтисодиёти». Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006 – 220 бет.
7. Шодмонов Ш., ЖЎраев Т. Иқтисодиёт назарияси фанидан тест савол жавоблари. Т.: 1998.
8. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: Шарқ, 2002.
9. Ғуломов С.С. Дадабоев Ю.Т. Халқаро молиявий муносабатлар асослари. (дарслик) Т.: 2003.